

23.

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТИДАГИ ҲОЛАТ ҲАҚИҚАТГА ТЎҒРИ КЕЛАДИМИ?



@mahalladoshuz



@mahalladosh_uz



www.mahalladosh.uz

Маҳалла



№1

(1983) 2021 йил
8 — 14 январь

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



ИЖРО МАСАЛАСИ ШАХСАН ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИ ОСТИДА БЎЛАДИ

2.



**Электр токи
соатлаб эмас,
суткалаб 18.
берилмаслигига
ким айбдор?**



**Ўзбекистонда
25 та манзилли-
колония 19.
нега
қисқартириляпти?**



**Чақалоқлар
савдосининг
ортишига
сабаб нима? 24.**



**«Аёллар
маслаҳатхоналари»
таълим
муассасаларида
жойлашадими? 6.**

КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ВОҚЕА:

маҳалла
раиси
туғилмаган
болаларга
нафақа тайинлаган



5.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН «ЧАҚИМЧИ» БЎЛАДИМИ?



9.

«МАНАЦЦА» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ОБУНА ИНДЕКСИ: 148

Сўнги 4 йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Лекин жойларда барча раҳбарлар ҳам ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб етмаяпти. Берилган имкониятлардан тўғри фойдаланмаяпти, аҳоли ва тадбиркорларга яратилаётган зарур шарт-шароитлар кўнгилдагидек эмас.



ИЖРО МАСАЛАСИ ШАХСАН

ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИ ОСТИДА БЎЛАДИ



Амалдаги назорат тизими эса кўпроқ формал тусга эга бўлиб, ижрони ташкил этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилмаяпти. Шунинг учун бошланган йилда бу борада янги иш тизими жорий этилади.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидаги топшириқлардан келиб чиқадиган бўлсак, энди Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг асосий вазифаси қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилишдан иборат бўлади. Шу мақсадда Адлия вазирлигига зарур ваколат ва ресурслар берилмоқда.

Шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, «жамоатчилик эшитувлари» ва «жамоатчилик мониторинги» тизими жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади.

Янги тизим вазифаси нималардан иборат?

Дарҳақиқат, охириги пайтда давлатимиз раҳбарининг қарорларини назорат қилиш кўпроқ расмий характерга айланиб қолган эди. Яъни

асосий урғу қарорларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга қаратилаётгани. Янги тизимга мувофиқ, энди қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари вилоят, туман (шаҳар) раҳбарларига тезкор равишда, тўғри ва аниқ мазмун ва моҳияти етказилади. Бунда Адлия вазирлиги томонидан барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение орқали «Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда» мавзусида кўрсатув ва чиқишлар ташкил этиб борилади.

Ҳар йили барча давлат органлари раҳбарлари, ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари малакасини оширишга қаратилган ўқув курсларида қонун ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар жорий этилади. Шунингдек, давлат хизматчиларига уларнинг фаолиятига оид ҳуқуқий муаммолар бўйича тезкор маслаҳат берадиган махсус онлайн-маслаҳатчи портал хизмати йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ҳужжатларда белгиланган ижрочилар томонидан айрим масалаларда тушунмовчиликлар юзага келганда адлия органлари томонидан топшириқни тўлақонли тушунтириб бериш чоралари кўрилади. Бунинг учун адлия органларига зарур воситалар тақдим этилади ва шароитлар яратилади. Агар

бирор вазирлик ёки идоралар Президент ёки бошқа қонун ҳужжатлари билан берилган топшириқлар ижросини таъминлашда қийинчиликларга дуч келса адлия органлари томонидан ушбу топшириқнинг ижросига кўмаклашилади.

Шуни унутмаслик керакки, бундай вазиятда Адлия вазирлиги топшириқни бевосита бажарувчисига айланиб қолмайди, балки топшириқни бажариш учун ўзига хос йўналтирувчи вазифасини бажаради.

Назорат сўнги чорами?

Топшириқлар ижросини назорат қилиш. Бу босқич сўнги чора сифатида қаралиши керак. Чунки ҳар бир вазирлик ва идора ҳужжатларда берилган топшириқларни виждонан, тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажаришга мажбур. Ҳар бир раҳбар бунга шахсан масъул эканлиги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Масалан, қайсидир идора топшириқни турли сабабларга кўра бажара олмайди. Давлат раҳбари айтиб ўтганидек, керак бўлса, лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар кўрилади. Энг асосийси, ижро масаласи энди давлат раҳбарининг шахсан назорати остида бўлишини таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда, Адлия вазирлигида махсус тузилма ташкил этилади ва уларга зарур ваколат ва ресурслар берилади. Унинг ҳудудий бўлинмалари ҳам ташкил этилади. Улар қонун ҳужжатлари талабларини ижро қилмаслик, нормаларни ўзбошимчилик билан ёки нотўғри талқин қилиш, қонунни қўллашда субъек-

тивлик, тор идоравий ёндашиш ҳолатларини аниқлайди ва келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўради.

Бундан ташқари, топшириқларнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўллари топади. Уларнинг натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таҳлилий ахборот киритилади. Унинг асосида, албатта, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилади.

Шунингдек, бу жараёнга кенг жамоатчиликнинг жалб қилинишига алоҳида урғу берилди. Бунда, «жамоатчилик эшитувлари» ва «жамоатчилик мониторинги» институтларидан кенг фойдаланилади. Яъни ижроси бажарилмаган топшириқлар бўйича маълумот фуқаролар томонидан хабар бериш тизими орқали юборилади. Режамизда мобил илова ишлаб чиқиш мавжуд. Шу тарзда аҳоли томонидан ижрони таъминлаш жараёни ёритиб борилади.

* * *

Президентимизнинг асосий қўйган талабларидан бири, бу – давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу жараёнда натижадорлик ва сифатни оширишдан иборат. Энг асосийси, ўз олдимизга қўйган марраларга эришиш учун бизда табиий ресурслар ҳам, куч ва имкониятлар ҳам, салоҳият ҳам етарли. Шунинг учун ҳам, янги 2021 йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишлаш барчамиздан талаб этилади.

Камрон НИГМАТОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ҳокимларнинг вазифалари аниқ белгиланмаганми?

Қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг айнан қайси соҳаларга жавоб бериши ва назорат қилиши аниқ белгиланмаган. Уларга юклатилган аксарият вазифа ва функцияларнинг амалга ошириш механизмлари ҳам батафсил ёритилмаган. 27 йил аввал қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳокимнинг вазифа ва функциялари умумий тарзда белгиланганлиги оқибатида ҳоким нималарга жавоб бериши ва масъул эканлиги ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда ва турли ёндашувларга олиб келмоқда.

Эндиликда Президентимизнинг топшириқлари асосида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солиш янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда ҳоким, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига тегишли бўлган барча вазифа ва функция, шунингдек, ваколатлари ва жавобгарлик чегараси аниқ белгиланади.

Бундан ташқари, давлат хизматчилари сонини ўртача 15 фоизгача мақбуллаштириш ҳамда такрорланувчи функцияларга эга бўлган идоралар қисқартирилади.



1 февралдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ойига – 747 300 сўм этиб белгиланди.

ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИС:

МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР НЕГА ТАРТИБ-ТАМОЙИЛГА АМАЛ ҚИЛМАЯПТИ?

К уни кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида, қолаверса, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги, «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳамда бошқа масалаларни муҳокама қилишди. Қуйида ялпи мажлисда сенаторлар томонидан билдирилган айрим фикрларни ҳавола этамиз.



Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати раиси:

– Инсонга бўлган эътибор шундай кучлики, ҳозир, «қийноқ» деган тушунча кун тартибидан бутунлай чиқиб кетиши керак. Бош прокуратура, ИИВ, Омбудсманнинг фаолияти таҳлил қилинганда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, баҳо берилади. Қолаверса, жорий йилда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссиясига раислик қилиш Сенатга ўтади. Шу боис комиссия фаолиятини янада кучайтириш — жорий йилда олдимизда турган энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Сарфлаб бўлинган бюджетни ҳокимлар тасдиққа олиб қияпти. Бу нотўғри. Маҳаллий кенгашлар бунга йўл қўйиши керак эмас. Умуман олганда, бюджетни ижрога йўналтиришга рухсат бериш керак. Нега республика бюджети бир тийин маблағини Олий Мажлис қўйи палатаси ва Сенат орқали тасдиқланиб, қонун сифатида Президент томонидан имзоланганидан кейин сарфлай бошлайди? Нега республика даражасида бу тартиб-тамоийилга амал қилинадию, маҳаллий ҳокимликлар эса бунга амал қилмайди?



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси:

ЯГОНА ҲУҚУҚИЙ БАЗА ЯРАТИЛМАГАН ЭДИ

– Бугунга қадар маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмагани турли эътирозларга сабаб бўлаётганди. Энди «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги қонун соҳадаги мана шундай ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирishга хизмат қилади.

Қонунда маданият соҳасида давлат сиёсатининг мақсади ва асосий устувор йўналишларини белгилаш, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини аниқлаш ва уларнинг ваколатларини кўрсатиш, истеъдод эгалари ва маданият муассасаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, маданият ташкилотларини давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини такомиллаштириш, маданият тармоқларини рақобатбардошлигини ошириш ва бошқа қатор муҳим масалалар қамраб олинган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўйбга чиқаришни амалга оширувчи органлар сифатида кўрсатилиб, уларнинг ваколатлари белгиланган.

КОНСТИТУЦИЯГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ?

– Сенаторлар томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давомидир. Чунки давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси яратилган эди. Шуларга асосан, суд тизими-

да ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суд тизимини бошқариш масалаларини такомиллаштирилиши, вилоят ва унга тенглаштирилган судларни ташкилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга эришиш билан бир қаторда, энг аввало, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам бериб, уларнинг муаммосини бир жойда ҳал қилиш имконини беради.



Нариман УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари
ва коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси
раиси:



Шухрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ
масалалари ва коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

– Қурилиш соҳасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш ушбу соҳада ислохотларни жадал амалга оширишда ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришда муаммолар борлигини кўрсатди. Ушбу муаммолар қурилиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малякасини ошириш тизимининг самарадорлигига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис «Ўзбекистон Республикасининг

ШАҲАРСОЗЛИКДА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун ишлаб чиқилди. Шаҳарсозлик кодексига «аҳоли пункти», «шаҳар», «шаҳарча» ва «қишлоқ (овул)» объектлар турлари, «ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш», «урбанизация» тушунчалари, шаҳарсозлик фаолиятида фуқаролар муҳокамаси иштироки ва бошқа ибораларга тушунчалар берилмоқда. Шунингдек, Кодексда норматив-техник ҳужжатларни жорий этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича янги нормалар мустаҳкамланмоқда.

Ўз ўрнида, мазкур Кодексда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига қўйиладиган талаблар акс эттирилиб, уларга асосан, шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти, суғурталаш ва шаффофликни таъминлаш, шу жумладан, қурилишда суғурталаш, шунингдек, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Мазкур нормаларнинг белгиланиши соҳада бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда шаҳар чегараларини аниқлашнинг янги қонуний асосларини яратади.

МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ



депутатни танийдимми?



Хабарингиз бор, газетамизда «Xolis nazar» номли янги рукн ташкил этдик. Ушбу рукн остида «Маҳалла раиси — ислохотчи» тамойили қандай бажарилмоқда?», «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги муаммоларга қандай ечим топмоқчи?», «Маҳалла муаммоси маҳаллий кенгашлар эътиборидами?», «Аҳоли истагидаги маҳалла қандай бўлиши керак?» каби йўналишларда туркум мақолалар беришни режалаштирганмиз. Бунда, шубҳасиз, сизнинг иштирокингиз биз учун жуда муҳим. Энди сиз газетадаги мақолаларни шунчаки ўқувчисисиз эмас, балки иштирокчисига айланиш имконига эгасиз. Шу мақсадда телеграмдаги «Xolis_nazar» гуруҳида «**Маҳалла аҳолиси депутатни танийдимми?**» мавзусида сўровнома ўтказдик. Сизнинг депутатингиз ким? Сайловчилар ишонч билдириб, ўз вакили сифатида сайлаган депутатлар халқ дарди билан яшайптими? каби саволларга берилган жавоблар мазмуни, афсуски, мақтанарли эмас. Айрим сайловчилар ўз вакилларини танимаслигини, ҳудудлардаги муаммоларга ечим топишда халқ вакиллари умуман эътиборсиз эканини ёзишган.

«Биз депутатни танитайми?»

Фарғоналик Нодирбек Ботиров депутатни танисада, сайловдан кейин кўрмаганини таъкидлади. Умид Йўлдошев, Муаззам Пўлатова ҳам депутатни ҳатто, танимаслигини билдирган.

— *Холис жавоб берадиган бўлсам, маҳаллий кенгаш депутатлари фуқаролар йиғини раисини бўшашига уста бўлиб қолди. Ҳозир қаерни қараманг, маҳалла раисининг ишини депутатлар баҳолашмоқда. Ваҳоланки, амалда бунинг акси бўлиши, депутатлар маҳаллага келиб, ўз фаолияти бўйича ҳисоб бериши керак. Ўша битта депутат маҳалла раиси қилган ишнинг ярмини ҳам бажара олмайди. Иш соати тугаши билан кетади. Сессияларда бирорта депутат таклиф ҳам билдирмайди. Фақат қўл кўтаргани боради, — дейди Жамила Носирова.*

«Сайлов ўтгач уларни топиб бўлмайди»

— *Афсуски, депутатларнинг фаоллиги фақат сайлов пайтида билинади, — дейди Абдумалик Узюков. — Сайлов ўтгач топиб бўлмайди. Мисол учун, пандемия даврида кўмакка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган саховат тadbирларида партия ва депутатлар ролини кўрмадим.*

Вобкент тумани «Мирвоши» маҳалласи раиси

Тўлқинжон Қобилонинг ёзишича, депутатлар сайловлар жараёнида халқимизга берган ваъдаларини сайлов ўтгач унутади.

— *Тўғриси, сайлов жараёнида мен ҳам барча қатори уларга ишонч билдирган эдим, — дейди Т.Қобилон. — Мана, сайловдан кейин улар томонидан бирор ташаббус илгари сурилганини кўрмадик. Ҳатто, туман кенгаши депутати ҳам ўзи яшаб турган ҳудуддаги оддий бир муаммони ечганига гувоҳ бўлмадик.*

«Мурожаатим эътиборсиз қолди»

— *Мисол тариқасида бизнинг ҳудуддан сайланган депутатни шу ҳудуддаги аҳоли, ҳеч бўлмаса, қўни-қўшнилар ҳам танимайди, — дейди Т.Қобилон. — Мен 2020 йилда маҳалла раиси бўлиб сайланганимдан сўнг депутатга шахсан бир неча бор мурожаат қилдим. Ҳудуддаги муаммоларни бартараф этишга ечим топишда биргаликда ҳаракат қилайлик, дея таклиф киритдим. Афсуски, на оғзаки, на ёзма мурожаатимга депутат муносабат билдирмади. Нима учун депутат аҳолидан яшириниб юриши керак? Ёки уларни йиғилишларда қарсақ чалиш учун сайлаганмизми?*

Депутатлар муносабати қандай?

Хўш, юқоридаги фикр-

ларга депутатлар муносабати қандай? Чиндан ҳам халқ вакиллари халқ ишончини қозониши учун нима қилиши керак? Нега депутатдан сайловчилар норози?

— *Танқид қилиш осон, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шоҳиста Тўрғунова. — Аммо ўша танқид асосли бўлиши керак. Мен депутатлар бугун зўр ишляпти, эътирозлар ўринсиз, деган фикрдан йироқман. Фақат халқимиз, сайловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятларини ҳам билиб боришларини хоҳлардим. Мисол учун, кўпчилик депутатни танқид қилганда, асосан, ҳудуддаги маиший муаммоларга ечим топишга ёрдам бермаганини дастак қилади. Ваҳоланки, қонунчиликка кўра, на маҳаллий депутат, на Олий Мажлис депутати бу муаммоларни ҳал қилиш ваколатига эга эмас. Ҳар иккисининг ҳам ўз функционал вазифалари бор. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, асосан, қонун ижодкорлиги билан шуғулланади. Жойлардаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўрганиб, шу асосда қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам халқ ичига кириш талаб қилинади. Ахир, муаммоларга ечим топиш учун, аввало, ўша муаммо билан таниш бўлиш керак. Бунда шубҳасиз, маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан ҳамкорлик қилиш жуда фойдали. Ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуд аҳолини маҳал-*

ла билан ҳамкорликда ўрганиб борса, натижа яхши бўлади.

Кейинги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ижобий ўзгаришлар бўлди. Депутатлар халқ ичига кирмоқда. Мисол учун, 21-26 декабрь кунлари барча

депутатлар ўз ҳудудларида сайловчилар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини тинглашди. Кўп масалаларга ечим топилди. Айнан мана шу учрашувлар натижасида айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар туғилди.

Хулоса

Фуқароларимизнинг ўзи ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятини яхши билиши керак. Бизда ҳамон депутат асфальт ётқизиш, свет тушириш каби маиший муаммоларни ечишга масъул деб кўришади. Аслида асфальт ётқизиш, электр билан таъминлаш ҳаммаси ижро ҳокимиятининг вазифаси. Депутат агар маҳаллага асфальт ётқизиш керак бўлса, ҳокимга бориб, шуни қилиб бер, дейишга ҳам ҳаққи йўқ. Унинг вазифаси қабул қилинган қонундан келиб чиқиб, ижросини талаб қилиш. Яъни депутатлик сўрови киритади, холос. Қонунчилик палатаси ҳали ўз ваколатидан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Балки шунинг учундир аҳолига яхши кўриниш учун ваколатига кирмайдиган майда маиший нарсалар билан банд бўлиб қоляпти. Шу боис аҳолида депутатнинг вазифаси мана шундай майда вазифаларни бажариш, деган қараш шаклланиб қоляпти.

Маҳаллий депутатларнинг аҳоли эса бундан ҳам ачинарли ҳолатда. Биринчидан, улар жамоатчилик асосида ишлайди. Иккинчидан, ўша ҳудудда кенгаш раиси ҳоким ҳисобланади. Яъни ижро ҳокимияти раҳбари бир пайтнинг ўзида ҳудуддаги қонун чиқарувчи кенгашнинг раиси бўлиши бу ерда манфаатлар тўқнашувига олиб келган. Табиийки, бунинг ордидан Кенгаш сайловчилар истагандек фаолият юрита олмаяпти. Ҳаммасини ижро ҳокимияти ҳал қилапти.

Фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, халқ ўзи сайлаган вакилларга ишонмаяпти. Сайловчилар депутатларнинг ташаббус кўрсатиб, ўз фикри, қатъий сиёсий иродасини намоён этишини кутмоқда. Чиндан ҳам, депутатлар ҳар бир соҳа бўйича қабул қилинган қарор бўйича халқ манфаатлари йўлида мустақам замин яратса, муҳокамага киритилган қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустақам позициясини кўрсатсагина сайловчилар ишончини оқлай олади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»

Ўзингизни қизиқтирган мавзулар бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни газетамизнинг @Xolis_nazar телеграм гуруҳига ёзишингиз мумкин.




Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа:

МАҲАЛЛА РАИСИ

туғилмаган болаларга

нафақа тайинлаган



Бугун ўз хизмат вазифасини виждонан бажариб, аҳоли ишончини қозонаётган маҳалла фуқаролар йиғини раислари кўпчиликни ташкил этади. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, соҳада нопок кимсалар ҳам учраб турибди.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида бўлган воқеа эшитган кишининг хайратига сабаб бўлди. «Аннаруз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Д. кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишга қўл урди. Маълум бўлишича, у маҳалладаги бир эмас, нақд тўққиз нафар аёлларга усталик билан фарзандли бўлди деб, туғилмаган болаларга икки ёшгача нафақа пули расмийлаштирган. Энг қизиғи, бу ҳақда юқоридаги тўққиз аёлнинг бирортаси ҳам хабардор бўлмаган.

— Маҳалламиз раиси биргина бу иш билан чек-

ланмаган, — дейди таҳририятимизга мурожаат қилган Отабек Дониёв.

— У моддий ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар номига ҳам моддий ёрдам ва бошқа нафақаларни ёзиб, ўзлаштириб юборган. Бу билан давлатимиз пуллари талон-торож қилган. Тўққиз нафар оиллага туғилмаган фарзандларни туғилди, деб уларнинг ҳам икки ёшгача болаларга бериладиган нафақаларни «еб юборган». Мен шундай жабрдийда оила бошлиғидан бириман. Аёлим Инобат Нормуродовани 2018 йил 29 март куни гўеки кўзи ёрган, деб унга ҳам икки ёшгача бола пули расмийлаштирган. Бизни ажаблантираётган жиҳати, раис шунча қилғилиқни қилса ҳам ҳамон ишдан бўшатилмагани бўлмоқда.

Тўрт йил пулимизни «еб» юрган

— Ҳолат бўйича ўтган йилнинг июль ойи бошидан ариза билан мурожаат қилганмиз, — дейди яна бир жабрдийда Нурбек Қурбонов. — Уларнинг жиноий ҳаракатини июль ойида сезиб қолдим. 2020 йил бизга нафақа тайинланганди. Банкдан пластик карта очирган бўлсакда, унга нафақа тушма-

ди. Шундан кейин маҳалла фуқаролар йиғини раисидан изоҳ сўрадим. У икки ойдан бери нафақа пули тушаётганини айтди. Ўринбосар эса бунинг аксини гапириб, келгуси ойлاردан чиқади, деди. Ишонмай рўйхатни ўзим кўрдим. Қарасам, июнь, июль ойлари учун аёлим номига нафақа тайинланган экан. Рўйхатдаги пластик билан аёлим номига очилган карта рақамини солиштирсак, иккови икки хил чиқди. Кейин маҳалла раиси ўринбосари банкка борсам пулимни тушириб беришларини айтди. Аммо у ердаги ходимлар пластик картага доимий пул тушганини таъкидлашди. Ҳайрон қолдим. Бундан рад этганимдан кейин компьютердан кўриб, аёлим, яъни Хафиза Содиқованинг пластик картасига пул тушганини таъкидладим. Энг қизиғи, 2018 йил ҳам сизлар моддий ёрдам олгансизлар, деди. Шундан кейин менда шубҳа туғилди ва банкдан тўлиқ маълумот талаб қилдим. Натижадан лол қолдим. Ишонасизми, аёлим номига 2015—2018 йиллар давомида узлуксиз нафақа ва моддий ёрдам тайинлан-

ган ва бу пуллар пластик картага тушиб турган. Энг ачинарлиси, айнан 2018 йил маҳалла фуқаролар йиғинига моддий ёрдам сўраб ариза берганимизда рад этишган. Шу кунларда бундай ҳолатлар кўп аниқланяпти.

Раисга жиноий иш очилган...

Мурожаатда келтирилган фактларга аниқлик киритиш мақсадида Чироқчи туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Шавкат Чоршанбиев билан боғланиб, воқеа тафсилотлари бўйича изоҳ олдик.

— Маҳалла раиси билан боғлиқ нохуш воқеадан хабардорман, — дейди Ш.Чоршанбиев. — Яна билганим ҳолат бўйича прокуратура томонидан жиноий иш очилган. Ҳозирда тергов ҳаракатлари давом этмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси гарчи расмий тарзда вазифасидан бўшатилмаган бўлса-да, айти пайт фаолият олиб бормаяпти. Суд якунига етгач, раисни ишдан бўшатиш бўйича чора кўрилади.

Ҳолат юзасидан Чироқчи туман прокуратураси берган маълумотга кўра, айти пайт тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси қачонки, шу маҳаллада яшовчи барча фуқароларнинг дарду ташвишига ҳамдард бўлиб, уларнинг ҳурмати ва ишончини қозона олсагина халқ унга эргашади. Акс ҳолда юқоридаги каби нафақат ўзи, балки ҳалол ишлаётган ҳамкасблари ҳурматини ҳам йўққа чиқаради.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августда қабул қилинган «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2020 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари босқичма-босқич «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида амалга оширилмоқда.

Жумладан, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, яъни ижтимоий нафақалар тайинлашни кўриб чиқиш ва белгилаш тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали бажарилмоқда.



Мақтаб директорларига ҳам эндиликда ойлик устама тўланиши мумкин.



«АЁЛЛАР МАСЛАХАТХОНАЛАРИ»

Таълим муассасаларида жойлашадими?

Таълим муассасаларида сифат ва самарадорлик пастлигига синфхоналар етишмаслиги ҳам етакчи омиллардан ҳисобланади. Шу муаммо ҳисобига аксарият мактабларда дарслар икки сменада олиб борилиб, тўғарак машғулоти ташкил этишга имкон йўқ.

Дард устига чипқон

Айни кун мактабларда «Аёллар маслаҳатхоналари» ташкил этиш учун иккитадан хона ажратиш талаби эса дард устига чипқон бўляпти. Устига-устак, хоналарни жиҳозлаш ҳам мактаб гарданига тушяпти экан. Бу табиийки, таълим муассасалари ходимлари эътирозига сабаб бўлмоқда.

— Ҳозирги кунда бизнинг мактабда ҳам «Аёллар маслаҳатхонаси» ташкил этиш бўйича жараён кетяпти, — дейди манзилни очиқлашни хоҳлаган мактаб директори **Барно Насимова**. — Маънавият хонасини ажратиш бердик. Шу масала бўйича ишчи гуруҳи келиб, «Аёллар маслаҳатхонаси»га ажратилган хона иккита бўлиши ва у ўқув биноси-

дан ташқарида жойлаштириш кераклигини айтди. Бу ерда маҳалладаги нотинч оилалар муҳокама қилинаркан. Мен эса ўз имконимдан келиб чиқиб, хона ажратдим. Чунки шундай ҳам дарс жараёнлари учун синф хоналари етарли эмас.

Маълумотларга кўра, айрим мактабларда бўш хона йўқлиги учун ёшлар етакчиси хонасига шунчаки «Аёллар маслаҳатхонаси» деб ёзиб қўйилмоқда. Бундай кўзбўямачиликдан кимга, нима наф?

Аёллар можароси мактабда ҳал этилмайдими-ку?!

Термиз шаҳридаги 13-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулчеҳра Ҳайитова бу топшириқ республика бўйича барча таълим муассасаларида берилганини таъкидлайди.

— Мактабда «Аёллар маслаҳатхонаси» бўлишини тушуна олмаяпман, — дейди **Г.Ҳайитова**. — Ахир, оила ва аёллар можароси мактабда ҳал этилмайди-ку?! Бу ёш болаларга салбий таъсир этмайдими? Мактабда дарс ва тўғараклар учун хона етишмаётганда бу каби алоҳида хона ажратилиши қайси мантиққа тўғри келади? Камига, хонани мактабнинг ўзи жиҳозлаб бериши керак экан.

— Бизда мактаб психология хонаси «Аёллар мас-

лаҳатхонаси»га айлантирилди, — дейди **Дилрабо Умирбекова**. — Энг қизиғи, ҳар икки психологлар ҳам шу хонада ишлашяпти.

Ҳужжатда нима дейилган?

Юқоридаги фикрлар асосида масалага ойдинлик киритиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигидан** маълумот олдик.

— Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссия-

Маълумотларга кўра айрим мактабларда бўш хона йўқлиги учун ёшлар етакчиси хонасига шунчаки «Аёллар маслаҳатхонаси» деб ёзиб қўйилмоқда. Бундай кўзбўямачиликдан кимга, нима наф?

сининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши баёни асосида бир қатор тадбирлар белгиланган, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Ўғилой Ўрозова**. — Жумладан, кун тартибидаги туманлар ва шаҳарларда «Аёллар дафтари»ни шакллантириш бўйича олиб борилган ишлар самарадорлигини

ошириш тўғрисидаги вазифалар қаторида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар(туман) ҳокимлари, сектор раҳбарларига 5 кун муддатда «Аёллар маслаҳат кенгаши» фаолияти учун хоналар ажратиш ва уни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, кенгаш аъзолари ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш вазифаси қўйилган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда шу йил 21 январга қадар барча туман ва шаҳарларда оилавий поликлиникаларда «Аёллар маслаҳатхоналари» фаолиятини самарали ташкил этиш ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг соғлигини тиклашга кўмаклашиш механизмини жорий этиш кўрсатилган.

Юқоридаги маълумотдан аён бўлишича, белгиланган вазифалар ижросида «Аёллар маслаҳат кенгаши» фаолиятини ташкил этиш ва унга хона ажратиш ҳудудий ҳокимликлар зиммасига, «Аёллар маслаҳатхоналари»ни ташкил этиш эса Соғлиқни сақлаш вазирлигига юкланган. Энг муҳими, ҳар икки ҳолатда ҳам бу хоналар айнан таълим муассасаларида ташкил этиш ва уни жиҳозлаш кўрсатилмаган. Унда нега хоналар айнан таълим муассасаларида очилапти?

Халқ таълими вазирлиги қандай муносабатда?

Айни шу савол билан **Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Лайло Рустамова**га мурожаат қилдик.

— «Аёллар маслаҳатхоналари» фақат мактабларда эмас, ҳамма олий таълим муассасалари ва коллежларда ҳам ташкил этиляпти, — дейди **Лайло Рустамова**. — Биз фақат хона ажратиш берамиз. Бошқа жиҳатларни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги амалга оширади.

* * *

Шу ўринда қатор саволлар туғилади. Мактабларда ўзи шундоқ ҳам хона етишмаётганда бу талаб қанчалик тўғри? Нега Халқ таълими вазирлиги шу каби муаммоларни республика комиссиясига очиқламаган? Маънавият ёки психолог хоналарини «Аёллар маслаҳатхоналари» учун ажратиш берилаётгани мактабларда шу соҳаларга эҳтиёж йўқ, деган хулосани бермайдими? Қолаверса, эндиликда мактабдаги маънавиятчи ва психологлар қайси хонада иш олиб боради? Афсуски, бу саволларимизга Халқ таълими вазирлигидан қониқарли жавоб ололмадик. Уйлаймизки, мактаб ўқитувчиларини қийнаётган бу каби саволларга мутасаддилар жавоб беришади? Биз эса мавзуга яна қайтамыз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»



ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

АЖРАЛИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРА ОЛАДИМИ?

Жаҳон миқёсида жуда катта баҳсни уйғотаётган масалалардан бири, бу – оила мавқеи масаласидир. Замонавий оила қандай бўлиши керак? Унинг мезони борми? Умуман олганда, анъанавий тасаввурдаги оиланинг ўзи бугун мавжудми, деган савол кўпчиликти ўйлантириб қўймоқда. Наҳотки, оиладек муқаддас даргоҳнинг мавқеига путур етаётган бўлса?..

Аслида оила институти эмас, балки оила ва унинг мавқеи тўғрисида фикрлар чалкашиб бормоқда. Оила институти минг йил аввал қандай муқаддас саналган бўлса, ҳозир ҳам мана шундай ўз муқаддаслигини йўқотган эмас. Агар жамият ижтимоий жиҳатдан бемор, яъни сохта ғоя ва мафкуралар билан касалланган бўлса, мана шундай нотўғри фикр, қарашлар орқали касаллиги намоён бўлади. Таассуфки, бу дард миллионлар ҳаёти, мақсадлари, интилишлари ва орзу-умидларига дахл қилмай қолмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги «Оила институти янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса айнан мана шундай миллионлар тақдири, келажаги, интилиш ва қадриятларига тегишлилиги билан аҳамиятлидир. Бинобарин, бир томондан, мавжуд тажриба

ва азалий анъаналарни кейинги авлодларга етказиш ва уларга маънавий мерос қилиб қолдириш муҳим бўлса, иккинчи томондан, оила муқаддаслиги борасидаги ҳақиқатни ёшлар англаб олишларига кўмаклашиш давр талабига айланмоқда. Қарор айнан мана шу ҳақиқадир.

Замонга мослашаётган «оила»

Ҳозирда ўзбек оиласи тушунчаси ўзгармоқда, туб бўрилиш жараёнидан ўтмоқда. Оилалар яшаётган муҳит мураккаблашиб, унга турли-туман таъсирлар, муаммоларнинг серқирралиги, оддий ечимларнинг йўқлиги кузатиляпти.

Ажралишларга аксарият ҳолларда билимсизлик, зиддиятлар моҳиятини англамаслик ва уларни ечимга олиб келишни билмаслик, нараспарастлик каби омиллар сабаб бўлмоқда. Бу билан тирик етимлар сони ортмоқда. Муаммонинг илдизи эса йигит ва қизнинг оила ҳаётига тайёр эмаслиги, унинг қадриятларини яхши англаб етмагани, муносабатларга енгил-елпи ёндашувига бориб тақалади.

Мазкур қарор ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва замонавий намунали оила мезонларини ҳаётга жорий этишнинг аниқ йўналишларини белгилаб берди. Эндиликда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳузурда **Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари** ташкил этилади.

Марказ нима учун керак?

Оммавий маданият ахлоқ масалаларида ҳеч қандай амал учун жавоб бермаслик, уялмаслик, фақат ҳаётдан лаззат олиш, «ғуноҳ тушунчаси менга ёт», «эркин ҳаёт тарзи» қабилидаги тушунчалар асосига қурилади. Таассуфки, ёш-

ларимиз бугун айна қарашлар билан ёнма-ён яшамокда. Уларда оила курмаслик, оилани инсон эркини чекловчи ҳаракат сифатида баҳолаш, никоҳ қилмасдан яшаш истаги пайдо бўлмоқда. Пировардида никоҳсиз яшаш, эркин жинсий муносабатларни оилавий муносабатлардан устун кўриш, оила олдида масъулиятсизлик, ўз жуфтига хиёнатни инсон эрки сифатида баҳолаш, аёлларнинг бола истамасликлари, бола тарбиясига кетган куч ва маблағни ўзи учун сарфлаш таърафдорлари пайдо бўляпти. Оилавий ҳаётни аёллар учун «қуллик» сифатида баҳолаш, оилавий ҳаётни инкор этилиши мисли кўринмаган йўқотишларга олиб келмоқда. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари айна шу каби ҳолатларга барҳам беришга хизмат қилади. Бундай марказлар жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган. Чунончи, Россия, Белоруссия каби мамлакатларда шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳарб давлатларида эса улар нодавлат нотижорат ташкилот сифатида иш юритади. Ким истаса пул тўлаб, курсларга ёзилиши ва билимини ошириши мумкин бўлади.

Вазифалари нималардан иборат?

Ҳужжатда марказларнинг асосий вазифалари ҳам белгиланган. Унга кўра, замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда «Оила — муқаддас», «Соғлом оила — соғлом жамият», «Оила — жамият ва давлат ҳимоясида» ва «Фаровон оила — жамият равнақининг асоси» концептуал ғояларини никоҳланувчиларга тушунтиради.

Марказларнинг асосий вазифаларидан бири – никоҳланувчи шахсларни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва

бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли тайёрлаш ҳисобланади.

Машғулотларда қатнашиш пулликми?

ФХДЁ органларига никоҳни қайд этиш учун ариза берган ва ўқув машғулотларида қатнашиш учун розилиги олинган 30 ёшдан ошмаган никоҳланувчи шахслар ўқув юкласи ҳажми 16 соатдан кам бўлмаган дастур асосида бепул ўқитилади. Ажралиш ёқасига келиб қолган оила вакиллари ҳам марказларда ихтиёрий ўқишлари мумкин. Машғулотлар режалари ҳар ойда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари расмий веб-сайтларида эълон қилинади. Ўқув машғулотларида тўлиқ қатнашган тингловчиларга сертификат топширилади.

Тўғри, аввал «Оила» маркази томонидан бундай курслар ташкил этилганди. Ҳақли савол туғилади: янги марказлар улардан нимаси билан фарқ қилади? Замон шиддатли, кунда янгиликлар содир бўлмоқда. Кечаги қарашлар бугунга тўғри келмайди. Айна жиҳатлар эътиборга олиниб, марказда ёшларни оилага тайёрлашда анъанавий ва замонавий талаблар инobatга олинади. Оиладаги ўзгаришлар, муаммоларга қандай муносабат билдириш кераклиги ўқитилади. Америка тажрибаси бўлган низолар ечими йўналиши ўргатилади. Қизлар учун янги оилага мослашув жараёни, уларнинг ижтимоийлашувига эътибор қаратилади. Энг асосийси, Ўзбекистонда аввал бўлмаган ота-оналар тайёрлайдиган тизим яратилади. Бизга инсон капиталини яратиш шarti қўйилган экан, аввало, уларни тарбия-



Гулхумор ТҶИЧЕВА,
«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва оила психологияси бўлими бошлиғи.

лайдиганларга ота-оналик масъулияти нималардан иборатлиги тушунтирилиши керак. Марказларда бу мавзуларга ҳам тўхталинади.

Хулоса ўрнида

Бу каби ижтимоий ўзига хосликларни англаган тарзда оилавий муносабатларга киришиш табиийки, ёшларни турли хатоликлардан сақлайди. Шунга кўра, оилавий турмушга тайёр йигит ва қизларни оилавий-ҳуқуқий муносабатларга ўргатиш, оилавий ҳаёт ва шахс психологияси билан таништириш, оила иқтисоди нималардан ташкил бўлади ёки репродуктив саломатлик асослари нимада, эр ва хотин психологик фарқлари мавжудми ёки улар умумийми, оилавий қадриятлар нима беради каби саволларга асосли жавобларни бериш лозим. Боиси ёшлар ҳам мана шу масалаларни ўйлайди, аммо муаммолар ечимларида мустақил бўла олмайди. Бундан ташқари, оилада соғлом ва ижодкорлик асосида қурилган маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш осон иш эмас. Шундай экан, ёшларни бу масалаларни аниқ ва объектив тарзда англашга ўргатиш зарур.

Шунга кўра, Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларининг вазифалари кўп қиррали ва мураккаб, айна пайтда жуда зарур ва долзарбдир.



ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ НЕГА ҲАМОН САВДОДА?

Буюк Британия олимлари эса тадқиқотлар натижасида сутни ҳар кунни истеъмол қилиш юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлашни ва юрак хуружи ҳамда инсулт хавфини 37 фоизга камайтиришни аниқлаган.

Шукрки, мамлакатимиздаги бозор расталари сут ва сут маҳсулотлари билан кун сайин тўлмоқда. Харидорлар истаганича сотиб олиши, истеъмол қилиши мумкин. Бироқ сут маҳсулотларини узоқ вақт сақлаб бўлмади, маълум муддатдан сўнг истеъмол қилинса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотнинг сифати, яроқлилик муддатига эътибор беришни талаб қилади. Хўш, бугун бозор расталаридаги сут ва сут маҳсулотлари талабга жавоб берадими? Уларнинг яроқлилик муддатига қанчалик эътибор берилмоқда?

Нарх яроқлилик муддати билан ўлчанадими?

Фарғона шаҳридаги марказий деҳқон бозорининг савдо растасида харидорларни чорлаётган сотувчи маҳсулот нархини унинг яроқлилик муддати бор-йўқлиги билан белгилагани ажабланарли.

— «Rash milk» савдо белгиси бор маҳсулотлар бошқа тадбиркорлик субъектлариникига нисбатан қимматроқ, — дейди **истеъмолчи Шохсанам Эшматова**. — Сотувчидан бунинг сабабини сўрасам, «Чунки унда яроқлилик муддати бўлади, шу боис нисбатан қиммат» деб жавоб берди. Наҳотки, шундай бўлса?! Ахир, бу белги ҳамма маҳсулотларда бўлиши керак эмасми? Бироқ биз кузатган «Daza», «Arg milk» ва «Меҳрибону» МЧЖга қарашли қаймоқ, қатик, сметана, творог маҳсулотларининг ҳеч бирида ишлаб чиқарилган ва яроқлилик муддати қўйилган сана йўқ. Ўзим ҳам баъзан олган маҳсулотимни сотувчига қайтариб олиб борганимда, «бизга ҳам бугун олиб келишди, янги дейишганига олиб қолавердик», деган жавобни олганман. Ҳатто бошқасига алмаштириб беришларини сўраганимда, «бизнинг дўкандан эмас, бошқасидан олгандирсиз», деган

ҳолатлар ҳам бўлган. Тили куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, мен ҳам харид қилишдан олдин маҳсулотнинг яроқлилик муддатига қарайдиган бўлдим.

Афсуски, бугун савдо расталари, дўконларда муддати аллақачон ўтиб кетган ёки яроқлилик муддати қўйилмаган маҳсулотларнинг сотилаётганини кўриб, инсон саломатлиги тадбиркор учун қадрсиз эканда, деган хаёлга боради, киши. Сотувчиларга савол берсангиз, «олмасангиз халал берманг», деган дашномини эшитасиз. Нима учун бундай маҳсулотлар савдода? Ё улар фаолияти назоратга олинмаганми?

Мувофиқлик сертификати талаб қилинг!

— «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига асосан, истеъмолчи сифатида фуқаролар, товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга, — дейди **«Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги «UzTest» маркази директор ўринбосари Музаффар Хайридинов**. — Шунга асосан, ҳар бир истеъмолчи ўзи харид қилаётган маҳсулотнинг сифат ва хавфсизлиги юзасидан ишлаб чиқарувчи ёки сотувчидан тўлиқ маълумот олишга ҳақли. Қолаверса, маҳсулотнинг сифатли бўлишини талаб қилиш ҳуқуқи бор. Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишга нафақат давлат назорат органлари, балки барча фуқаролар масъулдир. Яъни ҳар бир истеъмолчи ўзи харид қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг мувофиқлик сертификати талаб қилиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқланган санасига, маҳсулотнинг амал қилиш муддатига эътибор қаратиши зарур.

Шу ўринда савол туғилади, бозорга борган харидор харидини қилсинми ё бўлмаса сертификат суриштирсинми? Қишнинг совуқ кунда тезроқ бозор қилиб, иссиқ

уйга бориш, ишларини тезроқ тугатиш илинжидаги ҳеч бир харидор сертификат сўрамаслиги табиий. Ҳатто яроқлилик муддатини текширмасдан олиб кетаверадиганлар ҳам, афсуски кўп. Баъзан муддати ўтган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотни уйга борганда, тановул қилишдан олдин билиб, аттанг деб қолишади. Мутасаддиларга юзлансангиз «фалон ташкилотга, фалон департаментга мурожаат қилишингиз мумкин, ишонч телефонига қўнғироқ қилинг», деган жавобни оласиз.

28 номдаги маҳсулот талабга номувофиқ

Бугун фаолият юритаётган Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги аслида ана шундай ҳолатларда ўз номи билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак. Хўш, яроқлилик муддати ўтган ёки мутлақо бундай муддат берилмаган маҳсулотларни харид қилган истеъмолчилар ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинмоқда?

— Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини амалга ошириб, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилиши ташкил қилинмоқда, — дейди **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг таҳлил ва стратегик дастурларни ишлаб чиқиш йиғма бошқармаси бошлиғи Фаррух Мадаминов**. — Агентлик томонидан ўтказилган назорат харид ва бошқа назорат тадбирлари, уларда аниқланган камчиликлар, талабга мос келмайдиган товарлар, уларни ишлаб чиқарувчиси ҳақидаги маълумотлар ОАВ, расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Хусусан, 12 турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат бўйича ўтказилган назорат хариди тадбирида 79 та маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчининг 88 номдаги маҳ-



сулоти намуна сифатида олинди. Экспертиза натижаларига кўра, 28 номдаги маҳсулот норматив-техник ҳужжатлар талабига номувофиқлиги аниқланди, улардан 5 таси бўйича ваколатли орган («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан мувофиқлик сертификати бекор қилинди.

Қадоғи «пустой» бўлса...

«Ўзстандарт» агентлиги расмий сайтида озиқ-овқат маҳсулотларининг техник регламенти берилган бўлиб, унинг 20-банди айнан сут ва сут маҳсулотларига қўйилмаган талаблар ҳақида сўз боради. Қисқасини айтганда, маҳсулотга ёпиштириладиган махсус ёрликда унинг озуқавийлигидан тортиб, ишлаб чиқарилган жойи, санаси, соати ва минутигача барча маълумотлар берилиши керак. Табиийки, ишлаб чиқариш муддати ҳам кўрсатилиши лозим.

Афсуски, бугун барча ишлаб чиқарувчилар ҳам бунга амал қилаётгани йўқ. Биргина Самарқанд шаҳри бозорлари, савдо дўконларини кўздан кечирганимизда на ишлаб чиқарувчининг номи, на яроқлилик муддати бўлмаган сут маҳсулотлари очиқ савдодалигининг гувоҳи бўласиз. Биргина «Идеал» номи остида сотилаётган маҳсулот бунинг мисоли. Қадоқланган идиш худди оқ қоғоздек «топ-тоза». Қадоғи «пустой» маҳсулотнинг қаеридан топамиз шунча маълумотни?..

* * *


Бугун ана шундай маҳсулотлар қайсидир йўллар билан, кимларнинг қўли билан очиқ савдода. Ана шу қўллар яроқсиз маҳсулотни олиб, пулига куяётган фуқароларнинг ҳолатини тасаввур қилишармикан? Наҳотки улар пул, бойлик йўлида инсон саломатлигини ўйлашмаса!

Ноилахон АҲАТОВА
«Mahalla»

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН

«ЧАҚИМЧИ» БЎЛАДИМИ?



Талаб қилувчи ва томошабин эмас, иштирокчи ва ташаббускор бўлган маъқул

Бугун қайси бир автомобиль ҳайдовчиси билан суҳбатлашманг, унда йўлдаги қоидабузарликларни видеога тушириб ҳуқуқ органларига жўнатиб юбориш ҳолатларидан хавотир уйғонганини, бу ишни давлат томонидан бериладиган моддий рағбат эвазига қилаётган кишиларга нисбатан норозилик борлигини сезасиз. Тўғри-да, номига отнинг калласидай жарима келиб турса, кимга ёқди. Шу боисми, кейинги пайтда йўл қоидабузарликлари ҳақида хабар берувчиларни таҳқирлаш, «чақимчи», «стукач», «хоин» каби сўзлар билан ҳақоратлаш ҳолатлари ҳақида эшитиб қоляпмиз. Бу нарса кўпчиликнинг фикрини чалғитиши, қоидабузарлик ҳақида хабар берувчиларга салбий муносабатни кенг ёйиши ҳеч гап эмас.

Хўш, айти шу амалиёт айрим кишилар айтганидек, одамларда, айниқса, ёшларда моддий манфаат эвазига ўзгалар устидан чақимчилик қилиш, сотқинлик иллатларини авж олдирадими? Мазкур йўналишдаги ишлар халқаро тажрибада ҳам мавжудми, мавжуд бўлса, қонун устуворлигини таъминлашда қанчалик ўзини оқлаган? Бизда қандай натижа бериши кутиляпти?

«Whistleblowing» институти жамоатчилик фаоллигини оширади

— Қонун ҳаммага баробар бўлиши керак деймиз, кўпинча бунга ўз ҳиссамизни қўшганимиз келмайди, ўзимиз гувоҳ бўлиб қолган ҳуқуқбузарлик ҳақида тегишли органларга хабар беришга, ҳатто у жиноят бўлса ҳам, ўзимизча «ор» қиламиз, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти етакчи маслаҳатчиси Равшан Нурматов. — Буни «сотқинлик» ва яна бир бало сўзлар билан номлаб олган ҳуқуқбузарлар, жиноятчиларга фикран эргашаётганимизни ўзимиз ҳам сезмаймиз. Аслида ҳар қандай мамлакатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва баргараф қилишда нафақат давлат органлари, балки ҳар бир фуқаронинг ишти-

роки муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқбузарлик ҳақида оддий аҳоли томонидан хабар берилишининг энг яхши томонларидан бири шуки, бу ҳолатда тегишли орган ҳуқуқбузарлик содир этган фуқарони, у ким бўлиши ва мансабидан қатъи назар, жазога тортишга мажбур бўлади. Яъни таниш-билишчилик қилиб жазодан қутулиб кетиш эҳтимоли жуда ҳам паст. Бунга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлар мисолида кўриб турибмиз.

Кўплаб хорижий мамлакатларда ҳуқуқбузарликларга қарши курашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида «whistleblowing» институти жорий қилинган. Бу институтнинг қисқача мазмуни ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришдир. Хорижий мамлакатларда «Whistleblowing» жиноятчилик ва коррупцияни фож қилиш ҳамда уларга қарши курашишнинг самарали усуллари билан бири бўлиб, бу каби хизматни амалга оширувчи махсус ходимнинг ишини йўқотишдан ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлишдан ҳимоя қилиш учун махсус қонунлар мавжуд.

Қачонгача «кўча маданияти»га эргашамиз?

— Халқимиз орасида ҳуқуқбузарликлар ҳақида

хабар беришнинг «чақимчилик» дея талқин қилинишига бир неча сабаблар бор, — дейди тадқиқотчи Шаҳноза Соатова. — Биринчидан, совет тузуми қатағонлари даврида «хабар етказувчи»лар муҳим роль ўйнаган бўлиб, уларнинг фаолияти жамиятни тозалаш ва ривожлантиришга — эзгуликка эмас, ноҳақ қатағон машинасига — ёвузликка хизмат қилди. Иккинчидан эса, ўтган асрнинг 90-йилларида «кўча» субмаданиятининг пайдо бўлиши, бу «маданият»нинг ажралмас бир қисми бўлган давлат органларига маълумот етказмаслик, муаммоларни ўзига хос ёзилмаган қоидалар асосида ҳал қилиш, давлат органлари билан ҳамкорлик қилганларни қоралаш одатлари пайдо бўлди. Бора-бора бу одатлар анъанага айланиб, миллат эҳниятига сингди, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунчалар ўрни алмашиб қолди. Ўтган даврда эса одамларда бундай фикрлаш тарзини ўзгартириш бўйича етарли амалий иш қилинмагани шу ҳолнинг сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Фуқароларнинг давлат органларига қоидабузарлик ҳақида маълумот етказишни ёқтамасликларига яна бир сабаб — уларда айрим давлат органларига ишонч етарли даражада шаклланмаган. Амалда

кўпроқ ёзилган қонунлар эмас, ёзилмаганлари ишлайди.

— Бу борада фақат автомобиль ҳайдовчиларини айбдор қилиш тўғри эмас, — дейди ҳайдовчи Шамсиддин Тўхтаев. — Уларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишга мажбурловчи омилларнинг борлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Айрим йўлларнинг носозлиги, баъзи йўл белгиларида кўрсатилган талабларни бажариш ноҳуш ҳолатга сабаб бўлиши ва ҳоказо сабабларни келтириш мумкин.

Лекин нима бўлганда ҳам, бу каби сабабларни рўқач қилиб ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартибини инкор қилиш нотўғри. Чунки аксарият инсонлар қонунни бузиш ҳолатлари ўзгалар томонидан содир этилса, танқид қилишадими, ўзларининг бу борадаги камчиликларини тан олишга эса кучлари етмайди.

Тарғибот ишлари кучайтирилмоқда

— Бугунги кунда айрим фуқароларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи инсонларга нисбатан салбий муносабатини ўзгартириш мақсадида тарғибот ишлари олиб бориляпти, — дейди ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Музифа Султонова. — Сабаби, одамлар учун бу амалиёт янгилик ҳисобланиб, унинг ўзи ва ўзгалар ҳаёти, соғлиги учун қанчалик фойдали эканини теран тушуниб олишлари керак. Бу борада ОАВлар орқали чиқарилган ташкил қиляпмиз, блогерлар билан ҳамкорликда ишляпмиз. Мақсадимиз — одамларни фақат жазолаш орқали эмас, онгли равишда қонун талабларига риоя қилишини

таъминлашдир.

Мазкур тартиб жорий йил 1 январдан тўлақонли қонуний асосда йўлга қўйилляпти. Шунга эътиборда тутиш зарурки, хабар етказувчилар фаолиятини оқловчи ва ахлоқий жиҳатдан асословчи асосий омил — бу улар етказётган маълумотнинг ҳаққонийлигидир. Улар томонидан жўнатиладиган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам тўғри бўлмаслиги ёки тегишли тартибда юборилмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан қоидабузарликлар ҳақида келиб тушадиган хабарлар сараланади ва асосли бўлган ҳолатда тегишли чоралар кўрилади. Мазкур йўналишда ҳам маълумотларни жўнатиш тартиблари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилляпти, видеороликлар тайёрланыпти.

Хулоса ўрнида

Оғриқли муаммомиз шуки, бизда қонунларга, тартибларга амал қилиш эмас, гуруҳларга, ўзиникиларга ёки айнан бир шахсга содиқ бўлиш, садоқат кўпроқ қадрланади. Шунга кўра, айрим тушунча ва қадриятларни қайта кўриб чиқиш даври келди. Бунга эса фақат гап билан эмас, амалий ишлар орқали эришилади. Биламизки, қонун устувор бўлишида давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Давлат органлари зиммасидаги масъулият қонунларнинг ҳаммага бирдек қўлланилишини таъминлаш бўлса, жамият эса жараёнларда ўзини талаб қилувчи ва томошабин эмас, иштирокчи ва ташаббускор сифатида кўриши керак. Зеро, унутмаслигимиз керакки, дунёда фақат кучли фуқаролик позициясига эга одамлари бўлган жамиятлар ривожланыпти.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

6,5 МЛН. СЎМ ТЎЛАСАНГИЗ,

саёҳатга рухсатнома келади



ёхуд Россияга ишга юбормоқчи бўлган фирмалар ишончлими?

Хозирги замонда бирор мушкул вазият юзга келса, маълум бир ҳақ эвазига ундан халос қилиш учун ёрдам таклиф қиладиган «беминнат» дастёрлар пайдо бўлиб қолади. Сир эмас, айти пайтда пандемия муносабати билан Россияга киришга вақтинча чеклов ўрнатилганлиги ушбу мамлакатда ишлаш хоҳишидаги кўплаб юртдошларимизни қийин аҳволга солиб қўйди. Аммо ижтимоий тармоқларда ва месенжерлардаги гуруҳ ҳамда каналларда Россия Федерацияси ҳудудига кириш учун Ўзбекистон фуқароларига рухсатнома олиб беришни ваъда қилаётган реклама эълонлари айланаётгани ана шундай инсонларда умид уйғотган бўлса ажаб эмас. Хўш, бу қанчалик ҳақиқатга мос келади? Хусусий бандлик агентликлари билан боғлиқ машмашалар эсимиздан чиқмай туриб, яна шунга ўхшаш фирибгарлик тузоғи қўйилмаяптими?

Фуқароларни чалғитиш ва фирибгарлик орқали пул топишга уринишдир

— Коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан жорий йилнинг март-апрель ойларидан бошлаб халқро қатновлар, шу жумладан, Ўзбекистон ва Россия ўртасида мунтазам авиақатновлар вақтинча чекланган, — дейди **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборот хизмати бошлиғи Ортиқхўжа Норов**. — Айти пайтда айрим тоифадаги фуқаролардан ташқари юртдошларимизнинг индивидуал тарзда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида Россия ҳудудига киришига рухсат йўқ. Фақатгина Россия Ҳукуматининг коронавирусга қарши штаби томонидан чегара хизматларига тақдим этилаётган рўйхат асосида ташкилий тарзда ишга юборилаётган шахслар ушбу мамлакатга киритилмоқда. Айти пайтда Россия ҳудудида ишлаш истагидаги Ўзбекистон фуқароларини пандемия ва

ундан кейинги даврда ташкиллаштирилган ҳолда кириш жараёнларини соддалаштириш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Афсуски, ушбу вазиятдан фойдаланиб, айрим шахслар томонидан фуқароларни турли асосиз хабарлар билан чалғитиш ва фирибгарлик орқали пул топишга уриниш ҳолатлари юз бермоқда. Шу ўринда юртдошларимиздан Россия Федерацияси ҳудудига олиб кириб қўйиш хизматларини таклиф этаётган шахсларга ишонмасликларини ва турли йўллар билан ушбу мамлакатга ноқонуний кириб боришга уринмасликларини тавсия қиламиз.

Мантиқсизликлар мақсадни фош қилди

— Вазиятдан устмонлик билан фойдаланиб, даромад орттириш кўзланган эълонларда нималар ваъда қилинаётганига эътибор қаратсак, мақсад ойдинлашади, — дейди **ҳуқуқшунос Дилшод Абдуқодиров**. — Реклама эълонларидан бирида ёзилишича, Россияга саёҳат қилишни (!) режалаштирган фуқароларга расмий ёрдам кўрсатилади ва улар орқали

атиги 2 ҳафта ичида ушбу давлатга киришга рухсат олиш мумкин. Уни жойлаштирган фирма ходими билан телефон орқали боғланганимизда, мижоз шу фирма билан шартнома тузиши, 6,5 млн. сўм тўловни амалга ошириши ва хизмат кўрсатувчига паспорт нусхасини тақдим этиши лозимлигини айтди. Тушунтиришича, паспорт нусхаси Россиянинг Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигига юборилади. У ердан 2 ҳафта ичида фуқарога РФ ҳудудига кириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома келади. Рухсат берилмаган тақдирда фирмага тўланган пул (6,5 млн. сўм) фуқарога қайтарилади. Фирма вакили қўшимча қилдики, бугунгача 100 мингдан ортиқ мижозлар билан шартнома тузилган ва ҳозирча 120 нафар фуқарога рухсатнома келган.

Англашиладики, Россияга Ўзбекистондан келадиган мигрантларга чеклов ўрнатилгани боис бу фирма «сайёҳлик» ниқобидан фойдаланишга уринаётир. Аслида эса бу ҳам шунчаки гап экан. Суҳбат жараёнида сайёҳлик лицензияланган фаолият тури ҳисобланиб, мазкур фирмада бундай лицензия мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Тегишли лицензияси бўлмасдан туриб, сайёҳлик хизматлари таклиф қилинаётгани янаям шубҳалидир. Фақат шугина эмас. Ушбу хизматлар яқка тартибдаги тадбиркор томонидан кўрсатилмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида эса сайёҳлик ёки консультация (маслаҳат) хизматларини кўрсатиш на-

зарда тутилмаган.

Бунга ўхшаш яна бир қанча мантиқсизликлар ҳам борки, уларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки юқоридагиларнинг ўзиёқ бу эълон пуч ваъда, тўғрироғи, фирибгарлик қуроли эканини англатади.

лик кучини бирлаштириш бу йўлда яхши самара беради. Алоҳида одамлар мисолида айтадиган бўлсак, фақат ўзимизни эмас, атрофимиздагиларни ҳам ундан огоҳ этсак, мақсадга эришамиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Давлат органлари ва жамоатчилик кучини бирлаштириш зарур

Бу хил алдовларга халқимиз кўп марта дуч келди. Мазкур ҳолат биринчиси ҳам эмас, охиригиси ҳам. Агар вазият шундоқ экан, нима чора кўриш талаб этилади? Энг аввало, одамларимизнинг ўзи бироз хушёрроқ бўлиши, турли ваъдалар қилаётган ҳар хил фирмаларнинг алдовига лаққа тушмаслиги, қонунийлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмагунча ҳар кимга пулни тутқазиб юборавермаслиги зарур.

Айтайлик, Россияда ишлаш истагида бўлган фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига мурожаат қилиб, иш берувчиларнинг танловларидан ўтган тақдирда ташкиллаштирилган ҳолда ушбу мамлакатга ишга кетсалар мақсадга мувофиқ. Ахир, шунча бўлиб ўтаётган можаролар дарс бўлиши керак эмасми. Иккинчидан, тегишли идоралар ўз ваколатларидан фойдаланиб, шу масалани суриштириб қўйишса, фирибгарларнинг турли хил ўйинлари авж олмасди. Айниқса, реклама тарқатувчи компания ва месенжерлар эгалари арзимас пул учун ишончли эканига шубҳа бўлган хизматларни реклама қилиш орқали фуқароларнинг алданиб қолишларига сабабчи бўлишларини ўйлаб кўришлари керак. Балки уларга ҳам бу ишлари учун қонуний чора кўриш йўлларини топиш керакдир.

Энг муҳими, фирибгарлик дунё бўйлаб илдиз отган бугунги кунда унга қарши муносиб ҳаракат қилишимиз, ҳар томонлама курашишимиз талаб қилинади. Давлат органлари ва жамоатчи-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Пандемия даврида хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни ташкиллаштирилган ҳолда хорижга ишга жалб қилиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан жорий йилда 264 та хорижий иш берувчилар ва рекрутинг ташкилот-



лари билан музокаралар олиб борилди. Натижада Россиянинг 30 та, Қозоғистоннинг 52 та, БААнинг 3 та, Туркиянинг 1 та ва Тожикистоннинг 2 та иш берувчи ва рекрутинг ташкилотлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, 64 758 та бўш иш ўринлари аниқланган. Ўрнатилган карантин чекловлари ва тартибларига риоя этган ҳолда хорижий давлатларга ўрнатилган тартибда 9 мингдан ортиқ юртдошларимиз вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкилий тартибда ишга жўнатилган.

Янгиерда «Ёшлар дафтари» тўлиқ шакллантирилди.

КЎЗДАН ЙИРОҚ,

эътибордан четда қолган қишлоқ

— Маҳалламизда тўпланиб қолган муаммолар телеканалларнинг бири-да танқид қилинган, электр тармоғидаги мутасаддилар келиб кўчаларга темир-бетон устунлар ўрнатиш, кабель тортишга киришишди.

— дейди маҳалла фаоли **Раҳмонали Холбеков.**

— Афсуски, иш қанчалик тез бошланган бўлса, шунчалик тез тўхтаб қолди. Сабабини сўрасак, столбалар учун изоляторлар етишмаётганини айтишмоқда. Айни қишли-қировли кунларда электр таъминотидаги узилишлар силламинни қуритяпти. Баъзан кун бўйи чироқ ёнмайди. 400-500 метрдан ичимлик суви ташиб келамиз. Йўлларимиз қишда лой, ёзда тупроқ билан қоришиб кетади. Ёғингарчилик бўлса, болаларимиз мактабга бора олмайди, қийналишади.

— Бир хўжаликда уч оила яшаймиз, — дея **сухбатга қўшилди Азизбек Ҳамдамов.** — Олтин замин кўчасида уй тиклаб қўйганман. Лекин у ерга кўчи боришга ҳожат йўқ. Чунки кўчамизга оддий электр тармоғи тортилгани йўқ. Чироқ, йўл, сув бўлмаган жойда қандай қилиб яшаш мумкин?

Маҳалла фаоллари ҳамроҳлигида қўни-қўшнилари ўртасида томорқалар орқали дарахтдан-дарахтга тортиб кетилган электр симларининг бугунги кўриниши таажжубимизни оширди. Қўл узатса етгүлик симлар муҳофазаланмаган, осилиб ётибди. Бу ҳолат бирон-бир кўнгилсизликлар келтириб чиқаришига сабаб бўлишини нахотки мутасаддилар ўйлашмаётган бўлса?

Ваъда қачон бажарилади?

— Электр таъминоти ни яхшилаш мақсадида бу ерда 2 та янги трансформатор, 3 километр электр узатмалари тортиш борасида иш олиб борилмоқда, — дейди **Тошлоқ тумани электр таъминоти кор-**



хонаси бош муҳандиси Абдуманнон Ҳайдаров.

— Ҳақиқатан ҳам, бошланган ишларимиз электр изоляторларининг етишмаслиги сабабли бироз тўхтаб қолди. Шу кунларда бу масалага ижобий ечим топилди. Бу тез кунларда аҳолини сифатли электр энергияси билан таъминлаш имкониятини беради.

Ўтган асрнинг олтиншинчи йилларида чўл ерларни ўзлаштириш ҳисобига ташкил этилган қишлоқда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам долзарб масалалардан бўлиб келмоқда. Чунки бу ҳудудда шу кунга қадар бирон-та ишлаб чиқариш тармоғи ташкил этилмаган.

— Тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли яшаётган маҳалламизда ечимини ку-



Тошлоқ туманидаги «Хонариқ» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган аҳоли бир неча йилдирки, турфа муаммолар гидобида яшаб келмоқда. Туман марказидан 25-30 километр олисда яшаётган аҳоли йўл, ичимлик суви, электр таъминотидан норози. Одамлар ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалалар ечими юзасидан мутасадди идораларга бир неча бор мурожаат қилишди. Аммо амалий ишдан дарак йўқ.



тиб турган турфа муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмади, — дейди **«Хонариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўраҳон Паттоева.** — Ўтган йили 150 метр йўл асфальтланди, аслида 6 километрдан ортиқ ички йўлларимиз таъмирга муҳтож. Маҳалламиз ҳаёти билан боғлиқ масалалар юзасидан туман ҳокими шахсан келиб ўрганиб кетди. Дастур асосида ҳамма муаммолар ечим топишини ваъда қилди.

Лекин қачон? Маҳалла раиси аҳолини қийнаб келётган масалаларни бироз юмшатиб кўрсатиб, ҳамма иш рисоладагидек эканлигини исботлашга уринди. Аслида эса маҳалла кўчалари бўйлаб сув ташиётган болалар, электр таъминотида сабабсиз чекловлардан зада бўлган одамлар дардини дастурхон қилишни истамасди.

Маданият маркази керак эмасми?..

Эътиборимизни маҳалла фуқаролар йиғини худуди-

да «савлат» тўкиб турган қишлоқ маданият маркази тортди. Ҳайҳотдек бино қаровсиз, эшик ва дераза қолган қурилишлар, чала қолган қурилишлар, худудда тўпланиб қолган қурилиш ва бошқа маиший чиқиндилар уюми дилни хуфтон қилади.

Олис қишлоқ ёшлари учун маданият ва санъат мактаби, касб-хунар тўғараклари, кутубхона ва бошқа муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш бугунги куннинг муҳим амалларидан эканини туман масъуллари унутиб қўйган, чоғи. Чунки бу масала маҳалла ёшлари ҳаётида кеча ёки бугун учраб турган муаммо ҳам эмас. У йиллар давомида ўз ечимини кутиб турибди. Қишлоқ маданият марказини таъмирлаш, аҳоли ва ёшларнинг маданий ҳаёт тарзи учун керакли бўлган зарурий шароитлар яратиб бериш юзасидан мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилинган. Аммо амалий ишдан ҳануз дарак йўқ.

— Маданият марказининг бугунги ҳолатидан кўпчиликнинг хабари бор, — дейди **«Найман бўстон» маданият маркази раҳбари Ҳайитбой Абдуллаев.** — Муассасамиз 2015 йилдан буён шу аҳволда ётибди. Ҳамма келади, кўради, ваъда беради-ю, амалий ишга келганда ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди. Бир неча йил аввал бинони таъмирлаш йўлида бошланган саъй-ҳаракатларни кўриб қувонгандик. Афсуски, хурсандчилигимиз узоққа бормасди. Қурувчилар бошлаган ишларини ташлаб қаёққадир «ғойиб» бўлишди. Шундан буён бу санъат «кошонаси»га ҳеч ким қадам босгани йўқ. Вазиятдан чиқиш учун ўз кучимиз билан икки хонани эпақага келтириб доира, рубоб, болалар кўшиқчилиги йўналишида тўғараклар ташкил қилдик. Лекин бугунги кунда бу тўғараклар фаолият кўрсатмаяпти. Чунки хоналар иситилмайди, муסיқа жиҳозлари ҳам йўқ.

* * *

Юқорида тилган олинган камчиликлар олис қишлоқ ҳаётининг оғриқли томонларини кўрсатади. Оддийгина қаровсизлик, лоқайдлик сабаб нураб бораётган, эшигига қулф осилган маданият маркази кишида жиддий ташвиш уйғотади. Ўйлаймизки, туман масъуллари хонариқликларни қийнаб келётган турфа муаммоларга эътибор қаратиб, қоғозда эмас, амалда ечим топишга кўмаклашади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши бошланди.

ТОТУВЛИК ҲАВАС ҚИЛГУДЕК,

бирок таълим ва таъминотда муаммолар бор

Ўзбекистон ушбу масканда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари учун ягона оила. Айниқса, сўнгги йилларда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ўз урф-одат ва анъаналари, қадриятларини қадрлаш, тили, дини ва бошқа анъаналарини авлодлар оша давом эттиришга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрь куни Парламентга йўллаган Мурожаатномасида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик борасида алоҳида тўхталиб, 30 июль санасини мамлакатимизда «Халқлар дўстлиги куни» деб эълон қилгани мазкур масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Бугун Бухоро вилоятда қирққа яқин миллатга мансуб 100 минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Бу вилоят аҳолисининг қарийб беш фоизини ташкил этади.

Вилоятда яшовчи миллат ва элатларнинг этник-маданий ўзига хослигини сақлаш, жамятда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва тинчликни янада мустаҳкамлаш, миллий қадрият ва анъаналар узвийлигини таъминлаш мақсадида 11 та миллий маданий марказлар фаолият юритиб келмоқда.

– Фаолиятимизнинг ҳар бир қадами, ҳар бир ониди давлат хайрихоҳлиги, ғамхўрлигини ҳис этиб келаямиз, – дейди **рус миллий маданий маркази раҳбари Наталья Чапанавили**. – Хусусан, сўнгги беш йил ичида вилоятдаги 3 та миллий марказ фаоллари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Яқинда вилоят марказида муҳташам «Дўстлик» уйи қурилиб, фойдаланишга топширилгани биз учун катта совға бўлди. Бу ерда нафақат ҳар бир марказ учун алоҳида иш кабинетлари, балки миллий-маданий тадбирлар ўтказиш учун концерт зали, тил ўргатиш тўғараклари хонаси, миллий кийимлар ва чолғу асбоблари, кулинарияга оид хоналар ажратилгани ажодларимизнинг анъана ва қадриятларини авлодлар оша етказишимизда муҳим омил бўлди.

Бундан ташқари, миллий маданий марказлар фаолиятини янада кучайтириш мақсадида уларнинг турли грант лойиҳаларида иштироклари ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида 2020 йилда **рус, тожик-форс, татар-бошқирд ва корейс** маданий марказлари халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурдаги жамоат фонди томонидан эълон қилинган «Жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш, аҳолини маънан етук тарбиялашда, уларда тадбиркорлик, илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятнинг шакллантиришга қўмаклашиш» мавзусидаги давлат грантини қўлга киритиб, 30 миллион сўмдан маблағга эга бўлишди. Шунингдек, **Озарбойжон** миллий маданий маркази «Миллий қадриятларни келажак авлодга етказиш – олий бурч» мавзусидаги лойиҳаси билан Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондидининг 40 миллион сўмлик грантини ютди.

Ўртада бегона йўқ

Барча тарихий марказ шаҳарлари сингари Бухоро ҳам азалдан кўпмиллатли масканлардан бири бўлиб келган. Ҳатто ҳудуддаги жой номлари, топонимлари ҳам бунга мисол бўла олади. Вилоятда Жўҳудон (яхудийлар), Арабон, Қазоқон, Тожиклар, Туркон, Пирсиён (форслар) сингари даҳа ва қишлоқ номларини кўп кўзатасиз.

– Қизиғи шундаки, Бухоронинг узок йиллик тарихи давомида бирорта ҳам этник жанжал ёки миллий келишмовчилик ҳолатини кўзатмайсиз, – дейди **яхудий миллатига мансуб журналист Абрам Исхаков**. –

Мана, масалан, Бухоро яҳудийларининг минг йилдан ортиқ тарихи бор. Миллий ибодатхонамиз – синагоганинг барпо этилганига ҳам тўрт юз йилча бўляпти. Бу совет тарихчилари томонидан диний жиҳатдан Бухоронинг энг мутаассиблашган дея аташган даврлари. Лекин Бухорода ўша даврда ҳам миллий ва диний бағрикенглик анъаналари ҳукм сурган. Бу анъана ҳозирга қадар давом этмоқда. Шунинг учун мен Ўзбекистонни яхши кўраман. Ҳозир ҳам Исроилдан қақирувлар бўлмоқда. Аммо мен кетмайман. Чунки шу ерда туғилдим, шу ерда шахс сифатида камол топдим, ишладим, танилдим. Бу ерда эркин яшашга ҳеч қандай монелик кўрмадим. Хўш, шундай экан, нега мен кетишим керак? Мустақилликнинг биринчи йиллари айримлар Ўзбекистоннинг келажигига ишонмай кетиб ҳам қолганди. Аммо энди уларнинг баъзилари ўша ерларда пашаймон, баъзилари эса қайтиб ҳам келмоқда.

– Бухоро давлат тиббиёт институти, тиббиёт колледжидида қирқдан ошиқ туркманистонлик талаба-қизлар таҳсил олишади, – дейди **туркман миллий маданий маркази раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби Олим Раҳматов**. – Пандемиянинг ўта кескинлашган вақтлари дарс жараёнлари тўхтатилиб, назорат кўчати маҳкамланди. Ана шундай шароитда вилоят ҳокимлиги томонидан туркман ва ҳинд талабалари учун алоҳида жой ажратилиб, кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди. Бу жараён уч-тўрт ёки ўн кун эмас, 4-5 ойча давом этди. Давлатнинг-ку ёрдами майли, ҳатто ўша «йўғон чўзилиб, ингичка узилган» кезларда

ҳам атрофдаги хонадонлар ўзларидан орттириб, мусофир талабаларга деб овқат киритиб туришди. Айниқса, ўша кезлари ўзбекистонлик эканлигимдан ниҳоятда фахрланганман.

Дарвоқе, айнан пандемия вақтида «Темир дафтар»га киритилган оилалар маҳаллалар орқали турли ижтимоий ёрдамлар олиши баробарида миллий маданий марказлар орқали турли миллатларга мансуб 134 та оила рўйхати шакллантирилиб, уларга тегишли ёрдамлар кўрсатилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас

Вилоятда таълим қардош тилларда олиб борилаётган **41 та** мактаб бўлиб, унда 19416 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотида кўра, мазкур мактабларнинг биноси яхши аҳволда бўлиб, фақатгина ўқиш олиб борилаётган тиллардаги дарслик ва бадий адабиётлар таъминотида етишмовчиликлар мавжуд. Хусусан, мазкур мактабларда қозоқ тилидаги 2650 нусха, тожик тилида 60 нусха, рус тилида 42300 нусха, жами 45010 нусха бадий китобга эҳтиёж мавжуд.

Шу билан бирга, мугат қавмига мансуб аҳоли вакиллари таълимга тўлиқ қамраб олиш борасида ҳам муаммолар кўзга ташланмоқда. Тўғри, бу борада биринчи навбатда, мазкур этник қатлам айрим вакилларининг фарзандларини таълим олишига қаршилик кўрсатишаётганлиги сабаб бўлмоқда. Аммо жойларда маҳалла вакиллари, таълим тизими мутасаддилари тарғибот ишларини йўлга самарали усулда татбиқ этишса, ҳар қандай иложсиз муаммонинг ҳам ечими топилади.

Шу ўринда бир факт:

2015 йилда мугат қавмидаги болаларнинг 85 фоизи мактабга қатнамаган. Аммо ўша пайтда олиб борилган тарғибот ишлари натижасида бир йилда 70 фоизга яқин ёшлар мактаб таълимига жалб этилди.

Вилоятда учта туман таркибида 9 та чегарадош (**Қоракўл туманида** «Осиё», «Ваҳим», «Дехқонобод», «Қорақулончи», «Чандиробод», **Олот туманида** «Қирлишон», «Арабхона», «Сойинқоровул», **Ромитан туманида** «Қизилравот») маҳалла мавжуд. Ушбу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари маълум қисми туркман ҳамда қозоқ миллатига мансуб.

Мазкур маҳаллаларнинг аксариятида йўл таъмири муаммолигича қолмоқда. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари ҳам ниҳоятда таъмирталаб аҳволда. Олот ва Қоракўл туманларидаги чегара маҳаллаларида эса деҳқончилик учун оқар сув масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Холбуки, Амударёга яқин ҳудудда жойлашган ушбу маҳаллалар аҳолисининг асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги ҳисобланади.

Хулоса ўрнида

Гарчи вилоятда миллий муносабатлар, ўзаро иноқлик ва тотувлик муҳити ҳавас қилгули бўлса-да, аммо турли миллатга мансуб аҳоли вакиллари маиший ҳаётида учраётган баъзи камчиликларнинг ҳал этилмаслиги кейинчалик муаммо кўламининг кенгайиб, ижтимоий аҳамият касб этишига олиб келиши мумкин. Зеро, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши ижтимоий қатлами, дини, миллати ва ирқидан қатъи назар, бахтли яшашга ҳақлидир.

АВРАНГЗЕБ.

Қашқадарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси тақдим этган маълумотларга кўра, 2020 йилда вилоятда хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 275 тани ташкил этиб, аввалги йилнинг мос давридагига нисбатан сезиларли даражада ўсган. Уларнинг асосий қисмини фирибгарлик (39 та), ўғирлик (25 та) ва гиёҳвандлик (21 та) билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилади. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтларда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар, асосан, ишга, ўқишга киритиб қўйиш билан боғлиқ ҳолда кечяпти. Айтганини қилолмаса, боз устига қўлга тушиши ҳам деярли тайин бўлсаю, нега бундай жиноятлар буткул йўқолиб кетмаяпти?



ЖИНОЯТЧИ АЁЛЛАР Сони нега кўпаймоқда?

Оқ ювиб оқ тарайди, оч қолса тўйғазади, йиғласа овунтиради. Касал бўлса изтироб чекади, боласининг соғлиги учун нимаики керак бўлса, қўлидан келган ҳамма нарсага рози ва тайёр туради, керак бўлса жонини ҳам аямайди. Лекин ён-атрофимизда рўй бераётган ҳодисаларга, рақамлару далилларга дуч келганимизда, «Нега аёл ўзига, шаънига номуносиб ишларга қўл уряпти? Ўзи учун муқаддас ва азиз неъматларни, кези келса, сариқ чақага алишаётганининг сабаби нима?» сингари саволлар юракни тирнайди.

– **Жиноят содир қилган хотин-қизларнинг 213 нафари 30 ёшдан ошганлар, 59 нафари 18-30 ёшгача бўлганлар, 3 нафари 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳисобланади, – дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Комила Каримова. – Ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган аёлларнинг оилавий шароити ўрганиб бориляпти, доимий мулоқотда бўлиб, ижтимоий ва маиший муаммоларини ечиш учун кўмаклашилаётир. Шунингдек, жиноят содир этган хотин-қизлар билан амалга оширилаётган яқка тартибдаги профилактик тадбирларни ташкил**

этиш доирасида уларнинг ҳар бирига ўзи яшаётган маҳалладаги фаол аёллар бириктирилган.

Натижа-чи?

Хўш, бу кўриляётган тадбирлар қандай натижа берапти? Ҳамма гап шунда. Маълумотларга кўра, вилоятда ўтган йилда 2141 нафар хотин-қиз ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олиниб, 1993 нафари профилактик ҳисобдан чиқарилган. Демак, профилактик рўйхатда турган хотин-қизлар сони ортган. Шуми натижа?

Мутасаддиларнинг айтишича, ҳисобда турган 437 нафар хотин-қизнинг яшаш шароитлари ўрганилиб, бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 193 нафари ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 132 нафарига моддий ёрдам ва нафақа пулларини расмийлаштиришга кўмаклашилди, 19 нафарининг даволанишга муҳтожлиги аниқланиб, тиббий диспансерларга юборилди. 13 нафар вояга етмаган қиз таълимга жалб қилинган бўлса, 117 нафарига фуқаролик паспорти олишга, 23 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилган.

Бу яхши. Бироқ ушбу натижа яна нечта идоранинг шу ҳақдаги ҳисоботида акс эттирилган?

– **Ҳуқуқбузарликка ва жиноятга қўл урган хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида шундай хулосага келамизки, уларнинг қиёфаси бизга айбдордан кўра кўпроқ меҳрга муҳтож одамни эслатади, – дейди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори М.Кенжаева. – Бугунги оилатурмуш, қайнона-келин, эр-хотин атрофида кўп кузатиляётган можаролар ҳам анча салбий оқибатларга олиб келаятгани ҳеч кимга сир эмас. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, хотин-қизлар томонидан содир этиляётган жиноятлар юзага келишига асосий сабаб – уларда ҳуқуқий маданият тўла шаклланмаган. Шу боис хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш борасидаги ишларни жонлантириш лозим.**

Хўш, шу орқали натижа чиқарса бўлар экан, ким қилади шу ишларни? Хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи идораю масъуллар рўйхатини тузсанг, сиёҳ етмайди. Ҳар бирига ўзининг аниқ вазифаси тайин қилиб қўйилган. Ҳаммаси ишляпмиз, дейди, маълумот сўрасанг тўлқинланиб гапиради, камига гўёки қилган ишлари акс

эттирилган бир даста қоғозни ҳам тутқазди. Амалда эса вилоятда хотин-қизлар содир этган жиноятлар сони 25 тага кўпайиб турибди...

* * *

Ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарида шундай лавҳа бор: «Дехқонқул кун бўйи ишлаб ҳориганидан пиш-пиш ухлаётган аёлининг абгор ҳолига боқиб, хаёлга чўмади. «Бечора далада-да бир кўйлақда юради, уйда-да бир кўйлақда юради. Бечора кунда-да бир кўйлақ кияди, тунда-да бир кўйлақ кияди. Бечора ҳафталаб бир кўйлақ кияди, ойлаб бир кўйлақ кияди. Кўйлақ алмаштирайин демайди... Ойна қараш учун вақт тополмайди...», деб куюнади у. Асар қаҳрамонининг бу ўйлари мустабид тузум даври аёллари учун оддий воқелик эди.

Бугун-чи, аёлларимиз учун барча шароитлар яратилган-ку! Таълимдами, соғлиқни сақлашдами, ижтимоий ҳимоядами, ҳаммасида аёллар манфаати устун туради. Ишлайман, тадбиркор бўламан деган аёл учун давлатимиз томонидан қанчадан-қанча имтиёзлар жорий қилинган. Шундай тўкин-сочинли даврда нега аёлларимиз жиноятга қўл уради?

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси физиотерапия бўлими катта ҳамшираси А.Пармонова (*мақоладаги шахс ва корхоналар номи ўзгартириб ва қисқартирилган ҳолда берилмоқда*) «катталар билан гаплашиб, Ш.Абраевани ҳамшира сифатида бирлашмага ишга жойлаштириб қўйишга ваъда беради. Албатта, қуруқ раҳмат эвазига эмас, минг АҚШ долларига! (Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, ҳамшира нимасига ёки кимига ишониб, бунча катта кетиб юборди? У бирлашмада янги ходимга талаб борлигини билиб, шу ишга қўл урдими ё ваъданинг таги пучмиди?)

Ҳамшираликка талабгор эса ҳожатбарорнинг бу иши қонунга зид эканини англайди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилади. Фирибгар воқеа жойида қўлга олинади.

Энг оғриқли масала...

Аёл биринчи навбатда онадир. Она – шундай зотки, ўз фарзандини ёруғ дунёга келтириш учун не-не машаққатларни бошдан кечиради. Тунларни тонгларга улайди.

Кузатамиз: метрога тушсангиз, жетон олишга навбат. Нақд пул узатсангиз, қайтим кутиш, терминал орқали пластик картадан тегишли суммани ечдиришга чек олиш.



ЯГОНА ТРАНСПОРТ КАРТАСИ



қинғирликка барҳам бериб, пойгаларни тўхтатадимми?

Тезкор, шиддаткор замонда югур-югур кўп, вақт тифиз. Жамоат транспортидан фойдаланувчи барча аҳоли вакилларига қулайлик яратишни эса даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Кўп ҳолларда жорий этилган янгилик савол ва ажабланиш билан қабул қилинади. Унга мослашиш жараёнида аввалгиси билан солиштиришга одатланганмиз. АТТО, яъни автоматлаштирилган тўлов тизими оператори хизматининг йўлга қўйилиши ҳам аҳолида ана шундай саволларни пайдо қилмоқда? Хўш, ушбу тизимнинг аҳоли учун қандай қулайлиги бор?

– Шу кунга қадар аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда турли номувофиқлик ва ноқулайликлар кузатилади эди, – дейди **«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ масъул ходими Азимжон Маҳаммаджонов.** – Нақд пул тушуми борми, уни ўз манфаати йўлида ўзлаштириш ҳоллари бўлган, албатта. Бунинг устига навбатбозлик, қайтим беришга вақт сарфлаш ёки йўловчи ҳақиға хиёнат қилишдек салбий ҳолатлар ҳам учрарди. Тошкент шаҳри ижтимоий инфраструктураси кескин ўзгариб, кўп қаватли тураржой бинолари, санаот корхоналари, тадбиркорлик субъектлари сони ошди, транспорт хизматига бўлган эҳтиёж тобора кенгаймоқда. Автоматлаштирилган тўлов тизими оператори бу муаммоларнинг барчасига битта операция билан чек қўя олади. Ривожланган давлатларда қўлланилаётган

бу тажрибанинг пойтахтимиздаги жамоат транспорти икки тури, яъни автобус ва метрога жорий қилиниши қулай, шаффоф ва қинғирликларга нуқта қўяди. Ягона транспорт карталарини АТТО, MyUzcard, Apelsin, Payme, CLICK ва шу каби бошқа тўлов тизимлари мобил иловаси орқали, шунингдек, АТТО сайтидаги шахсий кабинет орқали ҳам тўлдириш имконияти мавжуд. У банк картаси каби ҳимояланган, хавфсизлик даражаси ўта юқори. Йўқотиб қўйилган карта телефон рақамига боғланган бўлса, фойдаланувчи ўз картасини блоклаши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан ҳуқуқий асос яратилган янги тизим босқичма-босқич нақд пулдан фойдаланиш жараёнига барҳам беради. Чиптачи бўлиб ишлаётган ходим назоратчи сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Ягона транспорт картасидан кимлар, қандай фойдаланади?

Пойтахтимиз кўчалари тонгдан хуфтонга қадар гавжум. Тирбандлик орасида ҳаракатланаётган барча автобуслар эса янги тўлов тизими билан йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. «Тошшаҳарйўловчиданс» тасарруфидаги 8 та автобус саройи-

га тегишли бўлган 128 та йўналишнинг ҳар бирига АТТО ўрнатилган. Йўловчи бу тизимга батамом мослашгунча нақд пул ёки аввал амалда бўлган ойлик йўл карточкаларининг сақланиб туриши назарда тутилган. Хўш, ягона транспорт картасининг жорий этилишини оддий йўловчи қандай қабул қилмоқда?

– Жамоат транспортидан кўп фойдаланганим боис, ойлик йўл карточкасидан фойдаланганман, – дейди **ЎЗМУ талабаси Иқбол Олимова.** – Қишки таътилдандан сўнг ўқишга қайтсак, 60 минг сўмлик йўл карточкасини олиш малоллик туғдирарди. Январь ойининг ўтиб кетган кунлари учун пул тўлаш кимга ёқади, дейсиз? Олмай қўя қолай десам, чўнтагимдан кўп пул кетади. Барибир карточка олишга мажбур бўлардим. Мен каби ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба, ўқувчи, пенсионер ва ногиронлар энди уч йил муддатга сотиб олган ягона транспорт картасида истаса 5 кун, истаса 10 кунга мўлжалланган суммани жойлай олади ва энг муҳими, нархи имтиёзли. Январь ойининг 11 кунидан февралнинг 11 кунигача бўлган давр учун мен 60 минг сўмлик ягона транспорт картасини арзонлаштирилган нархда сотиб олишим мумкин. Бу мен каби барча аҳоли вакилларига вақтдан ютиш, контактсиз хизматдан фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Ҳайдовчи қандай фикрда?

–Ҳар қандай янгилик

вақт синовидан ўтса, тан олинади, – дейди **4-автобус саройининг фахрий ҳайдовчиси Абдукарим Мирдадаев.** – Бир кунлик умумий масофамиз 300 км., рейсларимиз сони эса 14-16 мартагача. Сир эмаски, айрим битта йўналишдаги ҳамкасбларимиз шеригини «қувиб» ўтишга, кўпроқ йўловчини миндириб, мўмайгина даромад топгиси келганини билмаймизми? Бунинг охири вой, бирда бўлмаса бирда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганини кўрганмиз. Янгидан жорий этилаётган АТТО тизими шошмашошар, кўпроқ ўз жиғилдонини ўйлайдиган ҳайдовчининг яширин пул ўмаришига йўл қўймайди. Чунки янги аппаратда нақд пул тўловига мўлжалланган валидатор бор. Йўловчи пул берганда, албатта, чиптачидан чек талаб қилиши керак. Ҳар бир чек тизимга киритилади ва чиптачи автокорхонага қайтгач, барча нақд пуллари тўлови чекини кассирга топшириши мажбурийдир. Бу эса шаффофликни таъминлайди.

Автоматлаштирилган тўлов тизими операторидаги барча жараёнлар «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти ёки «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси ходимлари зиммасидагина эмас, балки кенг жамоатчилик назоратидаги оммавий ҳаракатга айланиши керак. Ана шунда кўзда тутилган мақсад ўз мевасини беради.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



ДАРВОҚЕ...

Тошкент шаҳар транспорт тизимини моделлаштиришнинг бош режасига мувофиқ, аҳоли учун сифатли ва қулай хизматни жорий этиш мўлжалланмоқда. Бунга кўра, 200 та йирик чорраҳадаги мавжуд оқнамалар архитектураси ва светофор фазасини ўзгартириш, жараённи моделлаштириш орқали уларнинг ўтказувчанлик даражасини ошириш концепцияси ишлаб чиқилди. Лоийҳа ниҳоясига етказилса, мавжуд йўналишдаги автобуслар ҳаракатланиш тезлиги 25 фоизга оширилади. Светофор фазасини ўзгартириш орқали транспорт воситаларининг тўхтаб туриш вақти 48 фоизга камаяди. Энг узоқ магистраль йўналиш бўйича ҳаракатланиш вақти ўртача 45 фоизга қисқариши кўзда тутилган.



Сирдарё вилоятида аҳоли билан ишлашнинг «маҳаллабай» тизими жорий этилмоқда.

Бирламчи тизим:

ТИББИЙ КЎРИК ВА ТИББИЙ ХАТЛОВ



касалликлар камайишига ечим бўла оладими?

Кексалар дуосида шу гап бор: «Тинчлик, тан сихатлик ва хотиржамлик бўлсин!». Бу – оддийгина ҳақиқатдир ва саломатлик энг катта бойликка тенглаштирилади. Шу боисдан ҳам давлат бюджетини шакллантириш учун ҳозирги шароитда тиббий хизматга ажратилган харажат 2020 йилга нисбатан камида 15 фоиз оширилмоқда. 2021 йилда соғлиқни сақлаш тизимига қарийб 20 триллион сўм, шундан коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун 3 триллион сўм ва дори-дармон харидига 1,8 триллион сўм белгиланиши кўзда тутилган.

2021 йил нима учун аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга бағишланди?

Дунё мамлакатларининг деярли барчасида кузатилган коронавирус инфекцияси республикамизда ҳам жуда мураккаб вазиятни юзага келтирди. Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилнинг март ойидан то бугунга қадар юртимиз аҳолисининг 77350 нафари ана шу касалликка чалиниб, соғайиш кўрсаткичи 98 фоизни ташкил этаётган бўлса-да, ҳали вазият батамом барқарорлашгани йўқ. Қолаверса, юртдошларимиз орасида қайд қилинаётган артериал гипертония, қандли диабет, хавфли ўсма, юрак, буйрак етишмовчилиги, жигар циррози, оқ қон каби касалликларнинг тобора кўпайиши эл саломатлигини сақлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳукумат миқёсида жиддий кўриб чиқиш, энг муҳим чора-тадбирларни белгилаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Касаллик турлари кўпаймоқда? Нима учун?

Биринчи галдаги энг зарур чора-тадбирлар белгиланса-да, инсоннинг умр кўриш даражаси аксари ҳолларда ўзига боғлиқ эканлигини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Овқатлашиш рационига амал қилмаслик, таркибида туз, қалампир, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган таом ва ширинликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш, организмни

витамин ва минералларга тўйинтирмаслик юрак қонтомир, эндокрин, хавфли ўсма каби эрта ўлимга олиб келувчи касалликлар кенг тарқалишига сабаб бўляпти.

– Афсуски, аччиқ ҳақиқатдан кўз юма олмаймиз, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова. – Ўзбекистонда ҳар йили қайд қилинаётган ўлим ҳолатларининг 78 фоизи юқумли бўлмаган касалликлар тўғрисида бўлган. Жинс ва ёши бўйича стандартлаштирилган ўлим сабаблари умумий тузилмасида биринчи ўринни қон айланishi тизими (69 фоиз), шу жумладан юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония ва унинг асорати бўлган миокард инфаркти, бош мияга қон қуйилиши эгаллайди. Кейинги ўринда хавфли ўсма (8 фоиз), қандли диабет (3 фоиз) ва нафас олиш аъзолари сурункали касалликлари (3 фоиз) ва бошқа хасталиклар турибди. Ҳар қандай оқибатнинг сабаби бўлганидек, касаллик турлари кўпайишига аҳолида тиббий маданият етишмаслиги ва ўз саломатлиги учун етарли даражада қайғурмаслиги ҳам шарт-шароит яратиб қўймоқда. Бунинг устига бирламчи тизимда тиббий хизмат кўрсатишдаги оммавий ёндашув, расмийлик учунгина қилинган кўрик эндиликда ўзини оқламаётгани ойдинлашди.

Тиббий кўрик ўзини оқлади(ми)?

Юртимизда 1998 йилдан эътиборан бирламчи тизим – кишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникининг аҳолига тиббий-санитария хизмати йўлга қўйилган бўлса, орадан йиллар ўтиб, у ўз зиммасига юклатилган вазифани оммавий тиббий кўрик, юқумли касалликларга қарши курашиш, хасталикни даволашни аҳоли пунктларида ташкил қилиш жараёни орқали уddалаб келди. 2 ёшгача болалар орасида бошқарилувчи инфекцияга қарши курашиш, ҳомиладор аёлда антенетал кўрик ўтказиш орқали оналар ва гўдаклар ўлими бир неча баробарга камайди. Аммо тизимдаги ана шу мувозанатни бузмаган ҳолда бирламчи тизим олдида касалликни эрта аниқлаш ва даволаш эмас, балки унинг профилактикаси ва аҳолини соғлом турмуш тарзи қоидаларига ундаш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Халқона ибора билан айтганда, «Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзалроқдир».

– Соғлиқни сақлаш тизимида 2 мингдан зиёд бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси мавжуд, – дея давом этади Барно Одилова. – Аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган ходимларнинг ёппасига патронаж хизматини ўтказиши эмас, балки мақсадли ва манзилли тарзда ишлаши, скрининг дастурларини ўтказиши режалаштирилмоқда. Президентимиз 2020

йил 12 ноябрда имзолаган «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мувофиқ, оила шифокори ва унга кўмаклашувчи 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат тиббий бригада фаолият кўрсатади. Оила шифокори фаолият юритаётган маҳалла аҳолиси қанчалик соғлом турмуш тарзи тамойилларига риоя қилса, касалликнинг тарқалганлик даражаси паст бўлса, ва ниҳоят амалга оширилган профилактик тадбирлар самараси сифатида эрта, оналар ва гўдаклар ўлими қайд қилинмаса, сил, хавфли ўсма, юрак қон-томир ҳамда қандли диабет хасталиклари барвақт аниқланса, улар маошига қўшимча устама ҳақ тўланади.

Тиббий хатловнинг кўриқдан фарқи бор

Касалликни даволаш жараёнидан кўра, унга чалинмаслик чора-тадбирини аввалдан белгилаш самарали эканлиги ўз ҳаётий тасдиғини топган. Қайси дардга чалинмасин, киши ундан халос бўлиш учун миллионлаб пул сарфлайди. Агар унга дучор бўлмаслик саъй-ҳаракатлари қилинса, ўша миллионларни мўлжалдаги бошқа мақсадга йўналтириш мумкин. Аҳоли саломатлигини сақлаш масаласига давлат миқёсида эътибор қарати-

лиши бу борада янги қадам бўлиши ният қилинди.

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қашқадарё вилоятида ўтган йилнинг декабридан бошлаб тиббий хатлов жараёнига киришилди, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Умида Газиева. – Воҳанинг 3 300 000 дан ортиқ аҳолиси антропометрик ўлчовларини олиб, хатловдан ўтказиш мураккаб иш ва у тиббий кўриқдан кескин фарқ қилади. 1535 та тиббий бригада аъзолари ўлчов тасмаси, махсус тарози, пульсоксиметр, тонометр каби хатлов учун зарур анжомлар асосида тегишли йўриқномага мувофиқ, ҳар бир кишининг тана индексини яратишмоқда. Унинг вазни, бўйи, кўкрак ва бел айланаси қанча? Қандай касалликка чалинган? Нима еб-ичади? Фаол жисмоний ҳаракатга қанча вақт сарфлайди? Касалликни даволашдан кўра олдини олишда муҳим роль ўйнайдиган бу параметрларнинг барчаси электрон базага киритилмоқда.

Дарҳақиқат, глобаллашган жамиятда тиббиёт соҳаси у билан ҳамқадам бўлмаса, орқада қолади, ривожланмайди. Янгилаётган замонда инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммолар «урчиётган» экан, бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Нафақат соҳа вакиллари, балки ҳар бир инсон ўз соғлигини асраб-авайлаш ҳақида ўйласагина давлат миқёсида қўйилаётган устувор мақсадга эришилар эди.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



Навоийда 506 миллион сўмлик ТАЪМИНОТИ УЎҚИРАДИ?

Кишининг қақшатар совуғи мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари, жумладан, Навоий вилоятининг шимолий туманларида кечаси ҳарорат -20 даражагача тушиб кетиши билан кузатилмоқда. Шу боис аҳоли тураржойлари ва ижтимоий соҳа объектларини эҳтиёжга яраша иситиш мақсадида автомобилга газ қуйиш шохобчаси иш вақти соат 15.00 гача қатъий белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан газ экспортини қисқартириб, аввало, аҳоли эҳтиёжларини қондириш юзасидан кўрсатма берилгани эса халқимиз манфаатларига мосдир. Бу кунга 7-8 миллион куб-метр газни қўшимча равишда аҳоли яшаш пунктларига йўналтириш имконини бермоқда. Аммо...

Ўз манфаати йўлида ўзгага зарар етказиш ҳамisha гуноҳ ҳисобланган ва бунга қонуний жавобгарлик ҳам мавжуд. Ўғирликнинг эса катта-кичиги йўқ. Сени қўлаб-қувватлаётган давлат мулкани талон-торож қилиш, халққа жабр етказиш қанчалик оғир гуноҳ.

Қаҳратон қиш кунларида Навоий вилоятининг айрим ҳудудларидаги кўп-лаб аҳоли хонадонларида газ босими кескин пасайиб кетди. Албатта, бундан аҳоли, хусусан, кексалар, ҳомиладор аёллар ва ёш болалар азият чекишди.

Сал аввалроқ ижтимоий тармоқларда вилоят тадбиркорлик субъектлари томонидан газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газ ҳисоблагичга таъсир ўтказиб, бу мосламаларни ҳисоб-китобдан «чалғитиш»га уриниш ҳолатлари аниқлангани тўғрисида хабар тарқалган эди. Газ таъминоти корхонасидагилар ана шундай қинғирликлар тўғрисида файллари ҳам қонуний истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришда муаммо тўғрилиши айтишди. Хўш, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиш билан бирга «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиалига катта

микдорда моддий зарар етказган бу ҳолат учун фақат ана шу «ишбилармон» тадбиркорлар айбдорми?

Иссиқхона яширинча иситилган(ми)?

«Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиали томонидан давлат назорат органлари билан ҳамкорликда рейд уюштирилди. Жараёнда кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхоналари томонидан айнан иссиқхоналар яширинча равишда газ тармоғига улангани аниқланди.

– *Тадбиркорга яратилаётган имконият ва қўлайликларга шукр қилмай, қинғир йўлни танлаган тадбиркорлар томонидан жами 506 миллион сўмлик табиий газ ўғирлангани аниқланди, – дейди «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Руслан Александров. – Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Кармана туманида жами 7 та объектда табиий газга ноқонуний уланилган. Ҳисобга олинмай сарф қилинган газ ҳажми 537,7 минг метр кубни, бунинг оқибатида газ таъминоти корхоналарига етказилган зарар эса 506 миллион 200 минг сўмни ташкил этади.*

Маълумотларда кўрсатилишича, Навоий шаҳридаги «Навоий Парвоз» МЧЖга қарашли, Зарафшон шаҳридаги «Нурли диёр парранда» МЧЖга тегишли ҳамда Кармана туманидаги «Қизилтепа ҳамкор Осие» МЧЖ таркибидаги иссиқхо-

наларда табиий газдан ўғиринча фойдаланилган. Шунингдек, «Экономик проект» МЧЖга қарашли оҳак ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда «Карманагроинвест» МЧЖга тегишли газ тўлдириш шохобчаси ҳам газ тармоғига ноқонуний равишда, яширинча уланган. Рейдда аниқланган ҳолатлар юзасидан камчиликка йўл қўйган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонуний чора кўрилди ва икки томонлама тузилган шартномалар қайта кўриб чиқилиб, газ тармоғидан узилган корхоналарга уни етказиб бериш яна йўлга қўйилди.

– *Яқинда иссиқхонада қувурлар монтажини тугатиб, тармоққа уланган эдик. Совуқ тез тушгани боис газ таъминоти корхонасига бориб, аввалдан тузилган шартномамизга ўзгартириш киритиб, газлашган ҳудудимизни қайта ҳисоблатишга улгурмадик. Бу борада эътиборсиз бўлганимдан пушаймонман, – дейди «Нурли диёр парранда» МЧЖ раҳбари Акбар Жўрақуллов. – Ҳозирда ҳамма ҳужжатларимиз жойида, газдан қонуний фойдаланяпмиз.*

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: вилоятда 180 та замонавий иссиқхона тадбиркор ва газ таъминоти корхонаси ўртасида тузилган шартнома асосида табиий газ билан иситилади. Шу каби қонуний йўл билан табиий газдан фойдаланмасдан, иссиқхонасини яширинча равишда газ тармоғига улаган тадбиркорга «жабрдийда» газ таъминоти корхонасининг «чаққон» ходими амалий ёрдам кўрсатмаганмикан? «Уддабурон» мутахассис ва «ишбилармон» тадбиркорнинг ҳар иккиси бундан манфаат кўрган бўлиши мумкин эмасми? Агар «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиали мутасаддилари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан етарли-

ча ҳамкорлик олиб борилганида, ишлаб чиқарувчиларнинг газ таъминотига бўлган эҳтиёжи ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинганида, улар бундай қинғирликка қўл урармиди?

Газ ҳисоблагични ҳисобдан адаштиришди

Тадбиркорлар газ тармоғига яширинча уланишни қай йўл билан амалга оширишгани бизга қоронғи. Аммо хусусий секторга тегишли айрим корхоналарда газ ҳисоблагичга таъсир кўрсатиб, «ақлли» мосламани ҳисобдан чалғитишга уринилгани ачинарлидир. Рейд жараёнида айрим ана шундай тадбиркорларнинг қилмиши ҳам фош бўлди. Жумладан, Навоий шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Асилбек Лобар» МЧЖ мутасаддилари ҳам газ ҳисоблагични «қайта ишловдан ўтказиб», корхонада фойдаланилган газ ҳажмини камроқ кўрсатиб, тўловда фойда кўришига интилишган. Рейд жараёнида оҳак ва ғишт ишлаб чиқарувчи корхона ўзбошимчалик билан газ ҳисоблагичдан олдин қувурга уланиш орқали 98 минг метр куб газ талон-торож қилинганлиги ва газ таъминоти корхонасига 98 миллион сўм миқдорда зарар келтирилгани аниқланди.

Шунингдек, яна бир оҳак ишлаб чиқариш цехида истеъмолчи газ тақсимлаш қурилмасини регуляторидан сим орқали тўхтатиб қўйганлиги маълум бўлди. Оқибатда 437 664 метр куб табиий газ ҳисобга олинмай сарф қилинган ва таъминот корхонасига 437 миллион 664 минг сўм зарар етказилган. Бундай қинғирликларнинг барча сабабчиларига қонуний чора кўрилди ва эътиборлиси, «ишбилармон» истеъмолчилар газ таъминотидан узиб қўйилди.

Ўтган йилнинг декабрида ижтимоий тармоқларда Кармана тумани аҳолиси-

нинг газ таъминотидан норози бўлиб, кўчада тўплангани ҳақидаги хабар тарқалди.

– *Декабрь ойи бошида «Гулбод» ва «Каловот» маҳаллалари аҳолиси тўпланиб, уйлари совуқлиги учун норозилик билдиришган. Можарони телефонда тасвирга олиб, ижтимоий тармоқларга тарқатишган, – дейди «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиали масъул ходими Зебо Қутлиева. – «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиали раҳбари бошчилигидаги масъуллар шу заҳотиёқ воқеа жойига етиб боришди. Дарҳол аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган муаммони бартараф этишга киришилди ва газ босими меъёрига келтирилди. Кармана туманининг «Дехқон» маҳалласида ҳам аҳоли мурожаатлари асосида газ босими анча кўтарилди. Шунингдек, мазкур маҳалланинг «Гулзор» кўчасидаги 9 та газ тақсимлаш қурилмаси қайта назоратдан ўтказилди.*

Сухбатдошимизнинг таъкидлашича, Хатирчи туманидаги «Дехқонобод» маҳалласи Хўжа қишлоғи аҳолиси мурожаати асосида ҳам ҳудуддаги газ қувурлари ва тақсимлаш пунктлари созлангач, газ босими бир меъёрга келтирилган. Нима учун бу тадбирлар айни қаҳратон кунларида, аҳоли норозилигидан кейин амалга оширилди? Ваҳоланки, газ таъминоти корхоналари куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича масъул эмасми? Демак, «Hududgaz Navoiy» газ таъминоти филиалидагилар газ босими пасайишига қиш қаттиқ келганию айрим тадбиркорлар газдан ноқонуний фойдаланганини рўқач қилмасдан, масаланинг бу жиҳатларига ҳам эътибор қаратиши лозим. Шундай эмасми?

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»



СУД ҲУҚУМИ

адолатни таъминлаши шарт!

Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка, ноҳақликка чидай олмайди. Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига, қонун устуворлигига ишониши керак.

Аммо шундай тақдирлар борки, ўз вақтида етарлича далил-исботлар бўлмаганда, жазо муддати тайинланган. Бундай фуқаролар табиийки, жамиятдаги адолатсизликдан ўксинган. Ўнлаб шундай тақдир эгалари Олий судга мурожаат қилишган. Ўзининг ҳақлигини исботлаш йўлида ўнлаб мурожаатлар билан чиқсалар-да, ҳар сафар бир хил мазмундаги жавоб берилганидан адолатдан умидини узганлар ҳам бор.

Энг ачинарлиси, адолат маскани, деб ўйлаб борган суд идораларида коррупцион ҳолатларнинг юз бериши жамиятнинг оғриқлиқ нуқтаси. Мисол учун, октябрь ойида Урганч туманлараро суди судьяси пора сифатида келишилган 10 минг АҚШ долларидан 1200 АҚШ долларини олаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган. Шунингдек, маст судьянинг йўлпатруль хизмати ходимига қаршилик қилгани, маъмурий судья томонидан 8 миллиард сўм талон-торож қилингани ва озодликдан чекланган шахснинг зиёфатида қатнашган судья кўп ўтмай уни озодликка чиқаргани ҳақидаги ҳолатлар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан очиқланган.

Хўш, жорий йилдан суд тизимида қандай ўзгаришлар кутилмоқда? Олиб борилаётган ислохотлар адолатга хизмат қиладими?

Одил ҳукми фақат суд айтади

Юртимизда сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳа-

сини ислоҳ этиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Олий судда маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, ҳудудларда маъмурий судлар ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад – давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни таъминлашдир. Дастлабки терговда давом этиб келаётган қонунбузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

— *Айнан суд жараёнида шахсларнинг содир этган қилмишида жиноят таркиби бор ёки йўқлиги билинади, — дейди Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Робахон Маҳмудова.* — *Томонларнинг ҳуқуқлари ва бузилган манфаатларини тиклаш, айбдорларни эса қонунларда белгиланган таъсир чораси ёки жазога тортиш халқнинг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда суд фаолиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.*

Ўтган қисқа даврда маъмурий судлар ҳаётий зарурат сифатида фаолият кўрсатишга ҳақли эканини исботлади. Биргина 2019-2020 йиллар давомида маъмурий судлар томонидан 29,6 мингдан зиёд иш кўрилиб, улардан қарийб 20,2 мингтаси ёки ҳар учтадан иккитаси қаноатлантирилган. Жумладан, ҳокимларнинг 2,6 минг-

га яқин қарори ноқонуний деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Оқлов ҳукмлари кўпайган

Қонунчилигимизда эскидан қолган «ишни қўшимча тергов»га қайтариш институти тугатилди. Бироқ кўплаб ижобий ўзгаришларга, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларга қарамасдан халқ орасида судга ишончсизлик кайфияти ханузгача мавжуд.

Шу боис ўтмишда судлар томонидан йўл қўйилган хатолар, ноҳақ чиқарилган ҳукм ва ажримлар ҳозир судлар томонидан қайта кўриб чиқилиб, бундай ҳолатларга холис ҳуқуқий баҳо берилмоқда, ноҳақ айбланганлар оқланмоқда. Натижада оқлов ҳукмлари кўпайди. Хусусан, ўтган тўрт йилда 2 минг 750 дан ортиқ оқлов ҳукми чиқарилган. 2020 йилнинг ўзида 763 нафар фуқаро оқланди. Шунингдек, 1 минг 610 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди. Жинсий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар натижасида бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Бугунги кунгача вилоят судлари чиқарган қарор устидан берилган шикоятлар шу судларнинг ўзида

кўриб чиқилар эди. Биргина 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган 13 мингта шундай қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан «бир суд – бир инстанция» тамойилининг илгари сурилиши суд қарорларини қайта кўриш тизимида йиллар давомида тўпланиб келинган муаммоларнинг ҳал қилинишида айни муддао бўлди. Таъбир жоиз бўлса, бу тамойил ушбу тизимни тубдан кўриб чиқишга асос солди. Жорий йилдан бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилади. Яъни биринчи инстанция – туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича – вилоят судлари, апелляция инстанцияси – вилоят даражасидаги судлар, кассация инстанцияси – Олий суддан иборат бўлади. Натижада судларда ишларнинг якуний ечим топмасдан, қайта-қайта кўрилишига, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига, айниқса, уларнинг йиллар давомида овора ва сарсон бўлиб, судма-суд юришига барҳам берилади.

Учтаси биттага жамланади

— *Бундан кейин вилоятларда жиноят, фуқаролик, иқтисодий судлар асосида ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилади, — дейди Р.Маҳмудова.* — *Бу ўринда вилоят даражасидаги 3 та суд битта суд сифатида бирлаштирилиши хусусида гап бормоқда. Ушбу янгилик, албатта, аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратиши тайин. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган, одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибида кўриш амалиёти бекор қилинади. Жорий йилдан суд муҳокамасига қадар судда*



ДАРВОҚЕ...

Жорий йилда инсон ҳуқуқлари тўла-тўқис таъминланиши йўлида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида бешта қонун лойиҳаси парламентнинг қўйи палатаси томонидан қабул қилиниб, яқинда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Ишларни дастлабки эшитиш амалиёти янги тартиб сифатида жорий этилади. Бунда ишни тўхтатиш ёки тугатишга асос етарли бўлса, суд ишни аввалгидай тергов ёки прокурорга қайтармасдан, ўзининг якуний қарорини қабул қиладди.

* * *

Бугун давр ўзгарапти. Судьяларни тайинлаш тизимидан тартиб, судда кўриладиган ишлар тизими ҳам янгиликлар киритилди. Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан бирга, ушбу соҳани ҳеч кимга тобе бўлмасдан шаффоф тарзда ҳар бир инсон тақдирини адолатли ҳал этиш кераклигини уқтирмоқдалар. Чунки энг аввало, халқда ушбу тизимга нисбатан ишонч уйғониши муҳим.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини қонунчиликка имплементация қилиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

ЭЛЕКТР ТОКИ СОАТЛАБ ЭМАС, СУТКАЛАБ БЕРИЛМАСЛИГИГА КИМ АЙБДОР?

Бугун аҳолини қийнаётган энг долзарб муаммолардан бири, бу – электр энергиясидаги узулишлардир. «Уч кундан бери чироқсиз ўтирибмиз», «Хатто шифохоналарда ҳам чироқ йўқ, туғуруқ жараёнлари учун шамдан фойдаланяпмиз», «Газ бермасанглар ҳам свет беринглар» деган ҳақли эътирозлар бўляпти.



Ёдингизда бўлса, Энергетика раҳбарияти ўтган йили ҳар йилгидан бу йил ҳаммаси яхши бўлади, дейишганди. Аммо афсуски, ҳолат кундан-кунга ёмонлашмоқда. Мисол учун, Қашқадарё вилояти Косон туманида 25 та маҳалла ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Боғиобод» маҳалласидаги трансформатор ёниб кетиши оқибатида 76 та хонадон Янги йил байрамини электр тоқисиз кутиб олишди.

Хўш, бугунги кунда истеъмолчиларга етказилиши керак бўлган электр энергиясидаги бундай ҳолатларнинг сабаби нимада?

«Светчи»ни сўккан билан чироқ ёнмайди

Энергетика вазирлигининг маълумотига кўра, электр таъминотидаги узулишнинг 2 та йирик омили мавжуд экан. Биринчиси, электр тармоғига турли техник ва иқлим шароитлари билан боғлиқ таъсирлар. Масалан, тармоқ симларига дарахт шохларининг тегиши (ёки сим арқонлари), қурилиш ишларида йўл қўйиладиган эҳтиётсизлик туфайли, кучли шамол ва ёмғирлар таъсирида, электр ускуна ва жиҳозларнинг эскириши туфайли носоз ҳолга келиши мумкин. Кўпинча 200 та хонадонга мўлжалланган трансформаторларга 300-400 талаб хонадон

улиниб олиши ҳам таъминотдаги носозликларни ва узулишларни келтириб чиқаради.

Иккинчиси, электр энергиясини ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги тафовут барқарор фаолиятга салбий таъсир этганда маълум техник шартлар асосида тармоқдан жадвали узишлар содир бўлиши мумкин. Бу сақлаш маҳаллий диспетчерлар ва Миллий диспетчерлик маркази диспетчерлари томонидан амалга оширилади.

– Электр энергияси шундай маҳсулотки, уни сақлаб бўлмайди. Ишлаб чиқарилгани, дарҳол истеъмол қилиниши керак, — дейди Энергетика вазирининг босари Шерзод Хўжаев. — Яъни биз уни қаердадир яшириб сақлаб қўя олмаймиз. Жайдари тил билан айтганда, «свет» ўчганда кўпчилик ҳудудий электр тармоқлари операторини сўкади. Аммо уларда айб йўқ, аслида йўқ нарсани улар топиб бера олишмайди. Совуқ кунларда истеъмол бир неча баробарга ошади. Бизнинг аксарият уйларимиз, биноларимизда иситиш қолақ даражада. Ҳамма электр иситкичларни ёқади, натижада юклама кескин ортади. Бу эса тизимнинг дош бера олмаслигига олиб келади.

Пойтахтда ҳам чироқ ўчди. Нега?

Пойтахтнинг баъзи жойларида аҳоли хонадонлари оммавий равишда электр энергиясидан узиб қўйилди. Қарзларини тўлаган хонадонларни қайта тармоққа улаш эса кечиккан. Бундан эса аҳоли ўртасида норозиликлар келиб чиққан. Хўш, аҳоли нега чироқсиз қолдирилганди?

– Қарздорлик туфайли 58 мингдан ортиқ истеъмолчи электр тармоғидан автомат тарзда ўчирилиб, шундан Тошкент шаҳрининг ўзида 210 мингга қарздор истеъмолчи (умумий қарздорлик 57,3 млрд. сўм) аниқланиб, шуларнинг 40 мингдан ортиғи (умумий қарздорлик 3,4 млрд. сўм) автоматик равишда тизим томонидан тармоқдан ажратилган, — дейди «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ахборот хизмати раҳбари Улуғбек Ўринов. — Таассуфланарлиси, тармоқдан ажратилганлар орасида узоқ муддат давомида электр энергиясидан фойдаланиб, шу кунгача ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаган истеъмолчилар ҳам бор. Истеъмолчилар томонидан қарздорлик бартараф этилса-да, қайта тармоққа уланиш кечикаётганлиги, баъзи ҳолларда бир неча кун чироқсиз қолишга тўғри келгани тўғрисидаги хабарларга ойдинлик киритадиган бўлсак, бунинг асосий сабаби, бир вақтнинг ўзида 110 мингдан ортиқ ўчириб-ёқиш бўйича сўровлар амалга оширилганлиги, бу эса, ўз навбатида, «Электронҳисоблагич» ҚК МЧЖга тегишли сервердаги «ESEP» дастурий таъминотнинг катта юклама билан ишлашига олиб келгани юқоридаги ҳолатларни келтириб чиқарди.

Истеъмолчиларнинг маълум тўлов эвазига электр энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари энергия тежамкорлик ва энергия самарадорлик масаласида маълум мажбуриятлари ҳам бор. Мисол учун, кўпинча

кеч тушгандан эрталабгача ҳовлидаги бир неча чироқ ёниқ туради, кўп қаватли биноларнинг кириш қисмида ҳам неча ёриткич бўлса, барчаси ёқилган туради. Фойдаланилмаган пайтларда ҳам телевизор, радио, компьютер, батарея қувватлагич ва бошқа электр жиҳозларини истеъмолга уланган ҳолда қолдирилади. Бу эса мутлақо нотўғри. Истеъмолчилар сифатли ва узлуксиз электр таъминотидан фойдаланишлари учун аслида ундан самарали фойдаланишлари, ўз ўрнида беҳуда ишлатмасликлари, яъни тежаши керак.

* * *

Хулоса шуки, электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам истеъмолчи, ҳам етказиб берувчи ўртасида узвийлик бўлиши керак. Шу боис бундан кейин барча ҳудудларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий қилинади. 2021 йил июль ойига қадар республика бўйлаб 7,4 миллиондан ортиқ истеъмолчиларнинг барчаси электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланиши режалаштирилган. Бу тизимнинг энг қулай тарафи қаерда электр энергияси энг кўп йўқотилаётгани, яъни ўғрилиқ қаерда бўлаётганини кўриш ҳамда олдини олиш мумкин. Тизим орқали қарздорликни қисқартириш, истеъмолчи билан таъминотчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

БУНГА
НИМА
ДЕЙСИЗ



Токни долларга баҳолаган шоввозлар

Гуруч кўрмак-сиз бўлмайди, деганларидек, афсуски, электр энергияси соҳаси ходимларининг ўзлари ҳам ноқонуний ишлар билан катта зарар етказмоқда. 2020 йилнинг декабрь ойида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан 59 миллиард сўмлик энергия ресурсларини ўғирлаш бўйича 1525 та ҳолат аниқланган.

Мисол учун, Тошкент вилояти Янгийўл тумани электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси ўз ходимлари билан 500 АҚШ долларидан 2 минг АҚШ долларигача пора олиб, ҳеч қандай ҳужжатларсиз истеъмолчиларни электр тармоғига улаб келган. Андижон вилоятидаги Олтинкўл туманида вилоят «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг «Бобур» филиали етакчи муҳандиси маҳаллага янги трансформатор ва узатиш линиясини қуриб бериш учун 3800 АҚШ доллари талаб қилган. Ҳозирда бу иш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бундай мисоллардан яна бир нечасини келтириш мумкин. Токи, соҳада ўз касбининг мутахассиси вазифасига масъулият ва сидқидилдан қарамас экан, коррупцион ҳолатлар ва шу каби муаммолар барҳам топмайди.

Юртимизда электр энергиясидан умумий қарздорлик 3,5 триллион сўмни ташкил қилмоқда, ундан аҳолининг қарздорлиги эса 2,4 триллион сўмдан зиёд.

ЎЗБЕКИСТОНДА 25 ТА МАНЗИЛЛИ-КОЛОНИЯ НЕГА ҚИСКАРТИРИЛЯПТИ?

Мамлакатимиз Бош прокуратураси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 5 ойи мобайнида 17 271 та жиноят қайд этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5100 тага (41,9 фоизга) кўп демакдир. Йил якуни бўйича маълумотлар ҳали эълон қилинганни йўқ. Аммо ОАВни кузатиб бораётганлар якуний рақамлар ҳам қувонарли чиқишидан умидни узиб қўйган. Шунга қарамай, яқинда мамлакатимиздаги 25та манзилли-колониялар босқичма-босқич қисқартирилиши тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинди.

Хўш, бу нима дегани? Жамоатчилик орасида мазкур қарор турлича талқин қилиняпти. Айримлар бюджет харажатлари қамқоқоналарни таъминлай олмаётгани тўғрисида гапирса, бошқалар жиноятчилик кўпайиб бориши ортидан қамқоқ ва колонияларда жой масаласи муаммога айланаётгани тўғрисида фикр билдирмоқда. Кўпчилик эса мазкур ҳолатни юртимизда айрим ижтимоий хавф кам бўлган жиноятлар учун жазоларни енгиллаштириш орқали демократик тамойилларни жорий этилиши сифатида олқишламоқда. Мавзу юзасидан мутасаддилар ва жамоатчилик фикри билан қизиқдик.

Колониялар давлат бюджетига оғирлик қиляптими?

Бу ўринда, аввало, манзилли-колонияларни ёпилиши улардаги маҳбусларни сақлаб туриш учун бюджет маблағларини тежашга йўналтирилган деган фикрга тўхталас. **Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси матбуот хизмати ходими Шахризод Шокировнинг** айтишича, босқичма-босқич тугатилиши кўзда тутилаётган муассасалар кўпчилик назаридаги қамқоқона эмас. Манзилли-колония жазони ижро этаётганларни сақлаш, қайта тарбиялаш масаласида мутлақо ўзгача муассаса. Бу ердаги маҳкумлар иш билан таъминланади, жамиятга фойдали юмуш билан банд бўлади. Улар шартнома асосида белгиланган ташкилот, корхона ва заводлар,

деҳқон ва фермер хўжаликларида ишлашади. Бунинг учун маълум миқдорда ҳақ олишади. Уларнинг маошлари ўз озиқ-овқатлари қийматини қоплабгина қолмай, балки очикдаги оила аъзоларига моддий жиҳатдан кўмаклашишга ҳам етарли ҳисобланади. Масалан, жазони ижро этиш муассасаларига қарашли корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 80 фоизга яқини фойдали меҳнатга жалб этилган. 2020 йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида шундай корхоналар томонидан 100,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаётган ҳар бир маҳкумга ўртача 1 млн. сўм, айрим мутахассисликлар бўйича эса, 1,5-2 миллион сўмгача ойлик маош берилмоқда.

Бундан ташқари колонияларни ёпиш жараёнида ички ишлар вазирлиги тизимида ходимларни қисқартириш кўзда тутилмаяпти. Аксинча улар тизимдаги бошқа ишларга жойлаштириш орқали банд қилинади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, манзилли колониялар давлат бюджетига оғирлик қилаётгани тўғрисидаги иддаолар асоссиз.

Маҳбусларга жой етишмаяптими?

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида жиноятчилик кескин кўпайиб бораётгани тўғрисида гапирилаётгани бор гап. Айримлар бунинг натижасида қамқоқ ва колонияларда жой етишмовчилиги

муаммоси вужудга келгани тўғрисида фикрлар билдириляпти. Аммо бу иддао ҳам мантиққа тўғри келмайди. Зеро, бундай ҳолатда колониялар қисқартирилиши эмас, аксинча кўпайтирилиши керак бўлар эди.

— *Аслида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши натижасида сўнгги ўн йилликда жазо муддатини ўтаётган шахслар сони кескин қисқарган, — дейди*



Ички Ишлар Вазирлиги Пўлат Бобоџонов журналистларга берган интервьюсида.

— *Реал ҳолатга кўра, бугунги кунда жазони ижро этиш тизимидаги маҳкумлар сони 22,9 минг нафарни ташкил этиб, ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 67 нафар шахс тўғри келади. Ҳозирда ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси тасарруфида 43 жазони ижро этиш муассасаси ва 11 тергов ҳибсхонаси мавжуд. Муассасаларнинг 18 таси ёпиқ турдаги колония ва 25 таси манзилли-колония ҳисобланади. Жазони ижро этиш тизимидаги колонияларнинг сифимига нисбатан сақланаётганлар кўрсаткичи 56,4 фоизни ташкил қилмоқда.*

Ички ишлар вазирлиги мутасаддиларининг айтишича, қисқартириш ишлари босқич-

ма-босқич амалга оширилади. Алоҳида йўл харитаси ишлаб чиқилади. Бу бир неча йилга чўзилиши мумкин. Жараёнда ҳар бир маҳбуснинг жинояти, ҳолати алоҳида ўрганиб чиқилади. Жазони ижро этишда давом этиши керак деб ҳисобланганлар, бошқа ёпилмаётган колонияларга ўтказилади.

Бу — демократик тамойилларнинг татбиқ қилиниши холос

Бу ўринда, 25та манзилли-колонияларнинг босқичма-босқич қисқартирилиши мамлакатимизда жазоларни либераллаштириш жараёнининг мантиқий давом этаётганидан дарак эканини айтиб ўтиш лозим. Бу демократик тамойилларга тўлиқ мос бўлиб, инсонпарварлик сиёсатини акс эттиради. Халқаро ҳамжамият олдида Ўзбекистон очиқлик ва эркинлик йўлига мустақкам тушиб олганини яна бир бор исботлайди. Турли рейтингларда мамлакатимизнинг юқори ўринлардан жой олишига хизмат қилади.

Назарда тутилаётган режага кўра, эндиликда биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзилли-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олинади. Мазкур енгиллик натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга яқин вақт ичида ўз маҳалласи назорати остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида

тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш органидан янги ташкил этиладиган Инсонпарварлик комиссиясига ўтказилади. Бундан ташқари, жараёнда Омбудсманнинг ҳам бевосита иштироки таъминланади. Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда, тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига «мониторинг ташрифлари» тизими йўлга қўйилади.

Энг асосийси

Хўш, энди асосий масала: жазоларни доимий равишда либераллаштириб, осонлаштириб бориш, шундоқ ҳам қувонарли бўлмаган жиноятчилик сони бўйича ҳисоботларни янада кенгайтиришга олиб келмайдими? Тўғриси, бу борада мутасаддиларнинг, жамоатчиликнинг ҳам фикри бир хил эмас.

Аммо кўпга халқаро тадқиқотларда жазоларнинг оғир ёки енгил экани жиноятлар сонига айтириш таъсир қилмаслиги тўғрисида хулосаларга келинган. Бу борада, айниқса Хитой халқ республикасининг коррупция учун ўлим жазосини қўллаш тажрибаси кўп мартаба такрорланади. Зеро, шунча сўй-ҳаракат, қурбонларга қарамай мазкур республикада коррупция камайгани йўқ.

Аксарият ривожланган демократик жамиятлар эса аллақачон жазоларни либераллаштириб бўлган. Ўзбекистон ҳам ҳақиқий демократияга интилар экан, бу борада кўпчилик босиб ўтган йўллардан ўтишга мажбур.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Самарқанддаги илк оилавий шифокорлик пункти ишга тушди.

“ЁЛҒОН АХБОРОТ ТАРҚАТГАНЛАРГА 90 МИЛЛИОН СЎМ ЖАРИМА ҚўЛЛАНИЛИШИ МУМКИН”

Шу кунларда мамлакатимиз Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ёлғон ахборот тарқатганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг киритилгани кўпчиликни хавотирга солаётгани бор гап.

Янги қонун билан жорий этилган ўзгаришларга кўра, эндиликда шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатганлик, шу жумладан ОАВда, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет тармоғида тарқатганлик учун – БХМнинг 50 бараваридан 400 баравари – 89 млн. 200 минг сўмгача жарималар қўлланилиши мумкин.

Аммо «ўйиннинг янгича қоидалари» қатор саволлар келтириб чиқармоқда. Масалан, ёлғон ахборот натижасида шахснинг кадр-қиммати камситилиши ёки унинг обрўсизлантирилиши бўйича аниқ чегара борми ёки бунга ҳар бир шахс бўйича индивидуал баҳо бериладими? Ёлғон ахборот натижасида шахснинг обрўсизлантирилиши деганда юридик шахс ҳам тушуниладими ёки фақат жисмоний шахс назарда тутиляптими? Тарқатилган ахборот ёлғондан фойдаланиб, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солиш деб баҳоланиши учун бирор-бир минимал чегара борми? Ёлғон ахборот тарқатиш бир қарашда тўхмат қилишга ўхшаб кетади, бу тўғрисида қонунчиликда алоҳида нормалар мавжуд. Уларни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин? Мазкур масалада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва ҳуқуқшуносларнинг фикри билан қизиқдик.



Давлат ташкилотлари бу қонундан фойдалана олмайдилар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Жабборовнинг таъкидлашича, ушбу қонун фейк-хабарларни тарқатиб, аҳоли орасида ваҳима ва саросима тарқатадиганларни тийиб туриш учун ишлаб чиқилган ҳамда қонун шундоқ ҳам асосли маълумотларни берадиган ишончли ОАВ ва блогерлар учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

— Бунда аниқ бир чегара мавжуд эмас. Буни аниқлаш учун ҳар бир ҳолатда индивидуал ёндашилади, — дейди **У. Жабборов**. — Шахс ёлғон ахборот оқибатида ўзини камситилган деб топса ва судга беришни лозим топса, ана шундагина ушбу модда ишга тушади. Суд эса айбланаётган шахснинг ҳақиқатда обрўсизлантирувчи сўзлардан фойдаланганини исботлаши лозим. Бу масала судда лингвистик ёки психоллинг-

вистик экспертиза тайинлаш орқали аниқланади. Экспертизада ёлғон ахборот тўлиғича таҳлил қилиб чиқилади.

Шунингдек, депутат камситиш ва обрўсизлантириш фақат жисмоний шахсларга нисбатан содир этилиши ва бу ҳолат бўйича судга фақат жисмоний шахслар ариза бериши мумкинлигини айтмоқда.

Ёлғон ахборот қандай аниқланади?

Дарҳақиқат, қонунчиликка кўра, ёлғон ахборот деганда, ҳақиқатга тўғри бўлмаган маълумотлар тушунилади. Бундай ахборот натижасида шахснинг кадр-қиммати камситилиши ёки унинг обрўсизлантирилиши бўйича аниқ чегара мавжуд эмас. Ҳуқуқшунослар бу масалага ўзига хос ёндашадилар.

— Шахснинг шаъни ва кадр-қимматининг камситилиши ва унинг обрўсизлантирилиши уятсиз шаклда ифодаланган бўлиши зарур, — дейди **Олий суд судьяси Лукмон Қодиров**. —

Уятсиз шаклда деганда, шахснинг кишилар ўртасидаги муомаларида ифодаланган, умумэтироф этилган қоидаларга зид бўлган салбий хатти-ҳаракатлари тушунилади. Шахсларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш деганда, уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, хизмат таърифномаларида баён этиш, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан, оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади. Бундай маълумотларни фақатгина ўзига алоқадор шахснинг ўзига айтиш, бу маълумотларни тарқатиш деб қаралмайди.

Тўхмат нима?

Бу ўринда ёлғон ахборотнинг тўхматдан ажратиш турадиган чегара ҳам жуда нозик эканини айтиб ўтиш керак. Масалан, қонунчиликка кўра тўхмат қилиш бошқа шахсни обрўсизлантирадиган ёлғон уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади. Тўхмат қилиш мақсадида уйдирмалар тарқатиш деганда, уларни ҳеч бўлмаганда бир кишига исталган шаклда (оғзаки, ёзма равишда, телефон орқали, компьютер ва интернет ёрдамида) етказишни тушуниш зарур.

Уйдирма деганда, амалда

мавжуд бўлмаган ёки уйдирмачи томонидан сохталаштирилган ҳодисаларни тушуниш керак. Бунда айбдор илгаридан ўзи тарқатаётган уйдирмаларнинг ёлғонлигини билган бўлиши керак. Ёлғон ахборот тарқатишда эса ҳақиқатга тўғри бўлмаган маълумотлар тушунилади.

Барибир тушунарсиз

Юқоридаги изоҳлардан мазкур қонун ҳамон кўпчилик учун тушунарсизлигича қолаётганини айтиш мумкин, холос. Зеро, кўпчилик янги меъёрлар ўз фуқаролик позицияси, шахсий қарашлари, кузатувлари натижаси ва фикрларини, бошқалар билан ўртоқлашган, кимнингдир фикрига муносабат билдирган ёнки шунчаки бирор танқидий мулоҳаза ёққанини билдирган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланиши мумкинлигидан хавотирда. Бу ўринда, кейинги йилларда қўлга киритилган сўз эркинлиги, эркин ОАВ ютуқлари хавф остида қоляпти, деб ҳисоблайдиганлар ҳам талай. Айрим кучлар янги қонундан ўзларига ёқмаган журналистларнинг овозини ўчиришда фойдаланишлари мумкинлиги тўғрисида ҳам қарашлар мавжуд.

Мамлакатимиз Олий суди эса тез орада мавзу юзасидан алоҳида расмий тушунтириш эълон қилишини ваъда қилмоқда.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Беларус компаниялари
Зоминда эко-уйлар қуради.



2021 йилда 2021 СОЛИҚ 2021 Тўловларида қандай 2021 ўзгаришлар бўлади?

Ҳар қандай даврда ва ҳар қандай мамлакатда ўзига хос солиқ тўловлари бўлган ва мавжуд. Шу боис солиқ тўловлари барчани бирдек қизиқтириб келган. Юртимизда ҳам солиқ тўлов кўрсаткичларининг кўтарилиши ёки бериладиган имтиёзлар имкон қадар аҳолига қулайлик келтириш мақсадида белгиланади. Хўш, 2021 йил солиқ тўловларида қандай ўзгаришлар киритилди? Улар нималардан иборат?

Ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ўзгарадими?

— Жорий йил учун солиқ сиёсатида солиқларнинг асосий ставкалари сақлаб қолинади, — дейди **Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Фазлиддин Умаров**. — Мисол учун, ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, шунингдек, 15 фоизли ставка сақланиб қолмоқда. Даромад миқдоридан қатъи назар, ҚҚС тўлайдиган корхоналар доираси алкоғолли ичимликлар, шу жумладан, пиво чакана савдоси учун стационар савдо шохобчалари, шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳисобига кенгаймоқда. Товарлар (хизматлар)нинг савдо айланмаси ойига 1 млрд. сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак (квартал) сифатида белгиланади. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳам сақланиб қолинди.

Акциз солиқ тўловчиларига аниқлик киритилмоқда, хусусан, якуний истеъмолчига сотиладиган олиб кирилган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарлар (бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газ) ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, ушбу товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар солиқ тўловчилар



ри бўлиб эътироф этилади. Уяли алоқа хизматларининг акциз солиғи ставкаси 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилади.

Сув тежалса, ер солиғидан озод қилинади

Барча турдаги чиқиндиларни сақлаш ва уларни йўқ қилиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ солиш объектидан чиқариб ташланади. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун солиқ имтиёзлари сувни тежайдиган технологияларнинг бошқа турларини ўз ичига олган ҳолда кенгайтирилмоқда. 2021 йилнинг 1 январигача солиқ имтиёзидан фақат томчилатиб сўғориш тизимидан фойдаланган солиқ тўловчилар фойдаланиши мумкин эди. Энди 2021 йил 1 январдан бошлаб сувни тежайдиган сўғориш технологиялари жорий қилинган ой (сув пуркагич, дискрет ва бошқа (шу жумладан, томчилатиб юбориш) жорий қилинган ер ҳам солиқдан беш йилгача озод қилинади.

Меҳнат мигранти қайси солиқларни тўлайди?

2021 йил 1 январдан бошлаб меҳнат миграцияси

йўли билан хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларига тенглаштирилади. Уларга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби қўлланилади.

Солиқ кодексининг 369-моддасига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ўзига пенсия ҳисобланиши ва иш стажига эга бўлиши учун Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин. Бу 2020 йил учун камида БҲМнинг 50 фоизи ҳажмида (111 минг 500 сўм) белгиланган. Агар чет элда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар Ўзбекистонда пенсия ва иш стажига эҳтиёж сезмаса, унда Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўлашнинг ҳожати йўқ. Ўзини ўзи банд қилган шахслар даромад солиғи тўламайди, ижтимоий солиқни эса пенсия олиш учун иш стажига эҳтиёж сезсагина тўлайди.

Тадбиркорларнинг имтиёзлари узайтирилади

Жорий йилдан «Солиқчи – кўмакчи» тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади.

Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади. Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз «оёққа туриб олишлари» учун уларга кўмак бериш давом эттирилади. Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар 2021 йил якунигача узайтирилади. 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддати яна бир йилга узайтирилади.

Солиқ тўловидан қочаман деб, жаримага тугулманг!

Солиқ кодексининг 221-моддасига мувофиқ, назорат-касса техникасининг ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўллагандан савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш, чек бермаслик, тўловни ҳисоб-китоб терминали орқали қабул қилишни рад этиш **5 миллион сўм миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади**.

Солиқ органларида рўйхатга олинмаган назорат-касса техникасини қўллаш (7 млн. сўм), бошқа шахслар номига расмийлаштирилган, техник талабларга мувофиқ бўлмаган ёки хизмат кўрсатиш дастури бузилган қурилмалардан фойдаланганлик (20 млн. сўм) учун янада каттароқ жарималар белгиланган.

ДАРВОҚЕ...

Солиқ органларида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш бепул ва масофадан туриб амалга оширилади. Хоҳловчилар буни «Soliq» мобил иловасидан фойдаланган ҳолда ёки my.soliq.uz сайтида жисмоний шахсларнинг шахсий кабинети орқали амалга ошириши мумкин.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:



Киракашлик билан шугулланаётганлар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхати-га киритилмайди. Барча ҳудудларда такси хизматини кўрсатувчи фуқаролар кўп. Уларнинг фаолиятига қонуний шароит яратилса, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳам ҳал бўлади. Лекин киракаш ўзини ўзи банд қилувчи сифатида рўйхатдан ўтса, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масала юзага келади. Яъни аҳоли ташиш билан шугулланувчи корхоналарга қўйиладиган талабларни ҳар бир ўзини ўзи банд қилган киракаш ҳам бажариши керак деган масала кўтарилган ва 67 талик рўйхатдан чиқариб ташланган.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Ўзбекистонда «UzAuto Motors»дан ташқари яна еттига компания томонидан автомобиллар ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

Нукус шаҳри кун сайин кенгайиб, аҳоли сони кўпайиб бормоқда. Замонавий услубда қуриладиган кўп қаватли тураржойлар, ижтимоий иморатлар шаҳар кўркига-кўрк қўшиб, кўчаларимиз янги қиёфа касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги кўчалар, ҳудуд ва маҳаллаларнинг барпо бўлишига олиб келмоқда. Янги аҳоли яшаш пунктларининг вужудга келиши, аввало, барча турдаги коммунал хизматларни тўғри ташкил этиш талабини оширади.



НУКУС ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА: БЕРИЛГАН ВАЪДАЛАР ЁЛҒОН ЭДИМИ?!

Нукус шаҳридаги «Жанабазар» маҳалласидаги Қўшқўл-4 деб юритилган аҳоли яшаш пункти ҳам кейинги йилларда пайдо бўлган ҳудудлардан. Бу ерга 2007 йилда аҳоли кўчиб келишни бошлаган. Лекин шаҳар ҳокимлиги томонидан яшаш учун шу вақтгача биронта ҳам қулайлик яратиб берилмагани кишини ўйлантиради.

«Электр энергиясини ноқонуний ўтказиб олишга мажбур бўлдик»

— Бу ерга кўчиб келганимизга 10 йилдан ошди, — дейди кўчабоши **Худайберган Исаев**. — Аҳолининг 90 фоизга яқини кадастр ҳужжатларини тўғрилаб, солиқларини вақтида тўлаб келмоқда. Лекин шу пайтгача ҳокимлик томонидан на кўчаларни текислашга, на йўл қурилишига, на сув, электр, газ таъминотлари бўйича зиғирча яма эътибор қаратилмади.

Одамларнинг айтишича, оз бўлса-да, яратилган шароитларнинг барини ўзлари, ўз куч ва маблағлари эвазига амалга оширишган. Бу борада на ҳокимлик, на бошқа бирор давлат ташкилоти уларга кўмак бермаган.

— Барчасини: сувни, ток, газни ўз кучимиз, харажатимиз ҳисобидан тортиб олганмиз, — дейди маҳалла фаоли **Абдумурот Утеков**. — Йўлни ҳам имкон қадар маблағ йиғиб текислатганмиз. Шу боис электр симлари оддий қўлбола ёғочлар ёрдамида уйларга тартибсиз тортиб олинган. Айрим жойлардаги электр симлари қўл етадиган даражада паст тортилган. Бунинг хавфли эканини биламиз, лекин шунга мажбурмиз. Электр энергиясининг кучланиши паст бўлгани боис музлаткич ва кондиционерни бир вақтда ишлатиб



бўлмайди. Ҳудудимиздан кимдир уйига электр симини тортиб, ҳисоблагич ўрнатиш учун давлат хизматлари марказига мурожаат қилишса, у ердагилар, агар симёғоч ўрнига хода билан тортилган бўлса ҳужжат бермаймиз, дейишяпти. Бу ёқда эса электр тармоқлари корхонаси махсус симёғочлар ўрнатиб беришмаяпти. Икки ўртада аҳоли сарсон. Яқинда эскирган, ишдан чиққан бир дона трансформаторни таъмирлаб, қуриб беришди. Бунинг учун ҳам қўлбола симёғочларни ўзимиз топиб келдик.

Йиғин фуқаролари Нукус шаҳар электр таъминоти бўлимига бир неча марта мурожаат қилишган. Мурожаатга жавобан, бир-икки ходим келиб ерга тегай деб турган симларни йиғиштириб, юқориқоққа боғлаб, яқин орада муаммони ечиб берамиз, дейишдан нарига ўтишмаган.

Симёғочми ёки газ қувурига тиргак?!

Афсуски, ҳудуддаги муаммолар шу билан яқун топмайди. Тўртта катта кўча аҳолисига кичкина бир дона ГРП (газ тақсимлаш ускунаси) ўрнатилган. Аҳоли ўз ҳисобидан газ қувурларини ўтказгани боис уларни симёғоч ўрнидаги ходаларга осиб боғлаган. Буни кўрган киши улар аслида симёғоч учун ўрнатилганми

ёки қувурнинг тиргаги эканини фарқлай олмайди. Газ босими пастлиги боис чой зўрға қайнайди, уйлар совук. Йўлларнинг нотекислиги боис бемалол юриб бўлмайди. Бу йўллардан фақат қишда, ер музлаганда транспортда юриш имкони бор, бошқа вақтларда ҳар қандай техника лойга ботиб қолади. «Тез ёрдам», ўт ўчириш машиналари келишининг эса умуман имкони йўқ.

Қўшқўл-4 аҳоли пунктдан Нукус шаҳри марказигача 6-7 километр масофа бор. Аммо ҳозир одамлар шаҳарга 15-16 километр айланма йўллар орқали боришга мажбур. Негаки, 7 йил илгари Чимбой йўналиши бўйича бинойидек ўтиб турган темир йўлнинг икки тарафи беркитиб ташланган. Натижада темир йўл устидан ўтган автомобиль йўли ҳам ёпилди. «Инновация» оқибатида бор-йўғи 3 километр наридаги 2-сонли оилавий поликлиникага бориш 15 километрга узоклаштирилди. Қолаверса, йўлқира ҳақи ҳам сезиларли ошди.

— Асосий муаммолардан яна бири, бу – ердаги кичкина кўл масаласи, — дейди **Х.Исаев**. — Ёзда яқинимиздаги кўл суви ҳидланади. Чивин босиб кетади. Бунга чидаб бўлмайди. Мурожаат қилавергач, санитария ва эпидемиологик назоратидан келиб кўлни дорилаб кетади. Дорилангандан кейин

ўлган қуртлар яна сасий бошлайди. Сувини тозалаб туриш учун бундан тўрт йил олдин 750 диаметрдаги иккита қувур билан катта насос қурилган эди. Бу Нукус шаҳридаги коллекторлардан оқиб келган шўр сувни чиқариб ташлаш учун қилинган. Миллион-миллион сўм эвазига ўрнатилган насос 4 йил ичида бир-икки марта ишлаганини биламиз, холос. Ҳозир ишламайди. Чунки сув йўли қазилмаганликдан насосга сув етмай ҳидланишда давом этмоқда. Қаровсиз насос эса айни пайтда чириб, тамом бўлиш арафасида. Муаммо юзасидан 2017 йилдан буён мурожаат қилинади. 2017 йилда 2018 йилда амалга ошади, дейишди, 2018 йилда эса, 2019 йилда дейилган. Яқинда суриштириб, бу ишлар, ҳатто 2021 йилнинг режасига ҳам киритилмаганини аниқлади.

Масъуллар нима дейди?!

— Бу вазифага киришганимга икки ойга яқин вақт бўлди, — дейди **Нукус шаҳар электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Асилбек Берденов**. — Олдимизда нафақат Қўшқўл-4нинг, шу атрофдаги барча аҳоли пунктларидаги (Қўшқўл-1, Қўшқўл-2, Қўшқўл-3) электр таъминоти

бўйича муаммоларни бартараф этиш вазифаси турибди. Булар босқичма-босқич амалга оширилади. Барча ишлар ҳокимлик томонидан ажратиладиган маблағ асосида олиб борилади.

Хўш, ҳудудда ечимини кутаётган бошқа масалалар қачон ҳал этилади? Ваъда беришлар барҳам топиб, амалий ишларга қўл уриладими?

— Мавжуд муаммолардан хабаримиз бор, — дейди **Нукус шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими бош мутахассиси Бахберген Шарипов**. — Муаммоларнинг барчаси бирданга ечилиши қийин. Темир йўл муаммоси сабабли ҳудудга кирмай турган 28-йўналишли таксини ишга киритиш бўйича Темир йўл бошқармасига хат тайёрлаяпмиз. Масала ижобий ечилади, албатта. Бугунги кунда Қўшқўл-2, Қўшқўл-3 аҳоли масканлари учун темир йўлнинг устидан кесиб ўтадиган пиёдалар кўпригини қуриш бўйича ишлар кетяпти. Шундай кўприклар Қўшқўл-4 ва Шодлик аҳоли яшаш масканларида ҳам бунёд этилади. Бошқа муаммолар ҳам босқичма-босқич ечилади.

Хулоса ўрнида

Албатта, муаммолардан хабаримиз бор ва босқичма-босқич ҳал этилади, дейиш билан иш битмайди. Агар шундай бўлганида «Жанабазар» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси йиллар давомида ҳокимликка қатнаб қовушини йиртмаган ва бизга мурожаат қилмаган бўларди. Афсуски, шаҳар мутасаддилари уларнинг бу мурожаатларини шу вақтгача эътиборсиз қолдириб келяпти. Умид қиламизки, улар ҳали ўз вазифасини тўла унутиб юбормаган ва тез орада муаммолар ҳал бўлади.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Адлия идоралари томонидан туман, шаҳар ҳокимларининг ноқонуний чиқарилган 46 та қарори бекор қилинди.



ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТИДАГИ ҲОЛАТ

ҲАКИҚАТГА ТУҒРИ КЕЛАДИМИ?

Ёхуд камбағалликка қоғозда «барҳам» бериляптими?

Янги йил арафасида деярли барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий кенгашлар, ҳудудлар аҳолисига мурожаат қилиб, ишсизликни бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш, камтаъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, бошпанасиз йиғинларга бино қуриш ва бошқа йўналишлар бўйича 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Ҳисоботларда қатор қувонарли факт ва рақамлар келтирилди. Ҳўш, бу рақамлар қанчалик ишонарли? Шу ва бошқа саволларга жавоб излаб Самарқанд вилоятининг айрим туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлдик.

Раис исиниш учун югурадими?

Оқдарё туманидаги «Бозоржой» маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари 2 йилдан бери бошпана йўқлигидан раиснинг уйда фаолият кўрсатади. Уларга ажратилган бино эса бошқа маҳаллада жойлашган. Бундан ташқари, мазкур бинода қишнинг совуқлигидан ишлашнинг имкони мавжуд эмас.

— Янги бино учун ҳалигача, ҳатто жой ҳам ажратилгани йўқ, — дейди йиғин раиси **Шаҳодат Бобомуродова**. — Яқинда туман ҳокимлигидан масъуллар келиб Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бинога кўчиб ўтишимиз кераклигини айтишди. Бу ерда маҳалладан ташқари, туман прокурори раҳбарлигидаги иккинчи сектор штаби ҳам жойлаш-

ган. Жой етишмаслигидан шу штабнинг хоналаридан биттасини бизга ажратиб беришди. Бинода иссиқлик тизими мутлақо ишламайди. Шунинг учун хонада қалин кийимда ўтиришга мажбурмиз. Оёқларимиздан совуқ ўта бошласа ташқарига чиқиб бироз юриб келамиз, бошқа иложимиз йўқ. Маҳалланинг иши, одамларнинг муаммолари кутиб турмайди-ку ахир...

Ачинарлиси, мазкур ҳолат фақатгина «Бозоржой» маҳалласи ходимларигагина тегишли эмас. Туман ва вилоятда бу каби сарсон раисларни яна учратиш мумкин.

Ҳисоботда эса ҳаммаси «зўр»

Аммо ҳокимлик томонидан тақдим этилган ҳисоботларда бошқача рақамлар акс этган. Ҳисоботда бошпанасиз қолган 10 дан ортиқ йиғинлар бино билан таъминлангани, тумандаги 1 845 та оила «Темир дафтар»га киритилгани, шундан 876 нафар оила кўрсатилган моддий ва маънавий кўмаклар ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлганлиги сабабли, халқ депутатлари Оқдарё тумани Кенгашининг тегишли қарорлари билан камбағаллик рўйхатидан чиқарилгани, 203 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий аҳоли назорат остига олингани ва 20 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланиши режалаштирилгани ва ҳоказолар ҳақида бонг урилган.

Рақамлар билан танишар эканмиз, 2 йилдан бери бошпана учун жой тополмаётган «Бозоржой» ва бошқа шу каби маҳаллалар буларнинг қай бирига тегишли эканини англолмадик.

— Тўғри, — дейди туман ҳокими **Ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Юлдуз Ҳуроқова**. — «Бозоржой» маҳалла фуқаролар йиғинининг анча вақтдан бери бошпанасиз эканини ҳисобга олиб, бундан уч кун аввал йиғин учун янги, замонавий бино қуриш бўйича туман ҳокимининг махсус қарори қабул қилиниб, ер майдони ажратилди. Кунлар исий бошлагач, қурилиш ишларига киришилади. Жорий йилнинг биринчи ярмига бориб бу маҳалла янги бинода иш бошлайди.

«Эрназарқўрғон» — «қуйган симёғочлар» маҳалласими?

Юқоридаги каби ҳолатлар бошқа туманларда ҳам талай. Масалан, Пайарик туманидаги «Эрназарқўрғон» маҳалласини топиш қийин иш эмас. Чунки ҳудудга кираверишда қисқа туташувлар туфайли юқори томони қуйиб, симларга осилиб қолган симёғочлар мазкур йиғиннинг ўзига хос рамзига айланиб қолган. Айни пайтда ҳудудда шунга ўхшаш юзга яқин симёғочлар мавжуд.

Шунингдек, ўйдим-чуқур йўллар бир неча йиллардан буюн 3 мингдан ортиқ аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.

— Тўғри, ички йўллари- мизнинг аҳоли ҳақиқатан

ҳам, оғир, масъулларга айтсам, маблағ етишмаслигини рўқач қилишади, — дейди **«Эрназарқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Салоҳиддин Носиров**. — Менимча, маблағ эмас, соҳа мутасаддиларида масъулият ва ҳафсала етишмаса керак. Аммо кўп марта қилган мурожаатларимиздан сўнг эскирган симёғочларни янгисига алмаштириш масаласи ниҳоят жорий йилнинг «Йўл харитаси»га киритилди. Яқин орада бу юмушларга киришилади.

Эшмурод отанинг хотираси яхши эмасмиш

Пайарик туманидаги «Чоштепа» маҳалласидаги томи лойсувоқ қилинган, деворлари тўкила бошлаган хонадонда яшовчи 70 ёшли ёлғиз отахон Эшмурод Тошмаматов ҳам унга маҳалла томонидан ҳеч қанақа ёрдам берилмаслигини айтди.

— Ўтган йили бир байрамда келиб озиқ-овқат маҳсулотлари бериб кетишган эди, шундан буюн ҳеч ким келганини эсполмайман, — дейди у киши. — Қўни-қўшни, оғайни-қариндошлар ҳолимдан хабар олиб туришади, шунисига ҳам шукр.

Уйга кирдик. Омборхона вазифасини ўтайдиган даҳлиз ва полининг устига эски намат ташланган кичик бир хонада ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб ётибди.

— Отахоннинг хотираси яхши эмас, ҳар байрамда у кишини йўқлаб тураемиз, — дейди мазкур йиғин раиси **Шукрулло Рўзиев**. — Бунинг устига, феъли

ҳам бироз инжиқ. Йўқса, қарийб 20 сотих келадиган томорқасини кимгадир ижарага бериб ҳам фойдаланса бўлади-ку!

Камбағалликни қоғозда қисқартириб бўлмайди

Пайарик туманида ўтган 2020 йилда маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасидаги бажарилган юмушлар акс этган рақамлар ҳам Оқдарёниқидан кам эмас.

Жумладан, йиғин раисининг айтишича, биргина «Чоштепа» маҳалласида 2020 йил бошида «Темир дафтар»га киритилган 50 дан ортиқ камбағал оиладан бугунга келиб бор-йўғи 9 та қолган, холос. Бу кетишда жорий йилнинг ярмига бормаёқ ҳудудда камбағаллик бутунлай «тугатилса» керак.

— Туман мутасаддилари шунақа топшириқ беришяпти, — дейди **Ш. Рўзиев**. — Катталар айтса, бизлар нима ҳам қилардик. Демак, камбағалликни бутунлай тугатамиз...

Раиснинг бу гаплари бизни ўйлантириб қўйди. Камбағалликни 1-2 йилда тугатиб бўлармикин?! Мавсумийлик, рақамлар ортидан қувиш яқин ўтмишда халқимизни қандай балоларга гирифтор қилганини биламиз. Наҳотки шу хатоларни яна такрорласак? Нима дедингиз, азиз маҳалладош?

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»



Қонунчилик палатасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институти жорий этилади.



Дунё бўйлаб минг-минглаб одамлар одам савдоси қурбони бўлаётгани аниқ ҳақиқат. Энг ачинарлиси, улар орасида болалар, ҳатто, эндигина дунё юзини кўрган чақалоқларнинг ҳам борлигидир. Статистика маълумотларига кўра, дунё бўйлаб йилига 1 миллион 200 минг нафар бола ана шундай одам савдосига учрамоқда.

ни аниқлаган кундан бошлаб гинеколог ҳузурига боради. Савдо ана шу жойдан бошланади...

ЧАҚАЛОҚЛАР САВДОСИНИНГ ОрТИШИГА САБАБ НИМА?

Афсуски, савдонинг бу оғир, аламли ва кечирилмас тури Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Таққослайдиган бўлсак, 2012 йилга нисбатан 2020 йил одам савдоси 6 баробарга камайган, бироқ чақалоқ ва болалар савдоси ортиб бормоқда. Бунинг сабаби нима? Қандай омил 9 ой вужудда кўтариб, унга ҳаёт берган, дунёга келтирган онани ўз фарзандини сотиб юборишига мажбур қилмоқда?

— *Асосий сабаб боланинг онаси ижтимоий ҳимояланмагани ва моддий эҳтиёжлари таъминланмаганлигида, — дейди ИИВ Тергов департаменти масъул ходими Наргиза Ҳожибоева.* — Турмушга чиқмаган қизларнинг ҳомиладор бўлиб қолиши ва бунга оиласидан, маҳалладошларидан яширишга уриниши, моддий маблағ эвазига болани сотишга мажбур бўлиши ҳам яна бир сабаб. Бундан ташқари, фарзанд кўрмаган оилалар томонидан айнан чақалоқ асраб олишга бўлган эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, чақалоқни аёлда ҳомила аниқланган вақтдан бошлаб бола туғилиб, улғайгунга қадар сотилишининг олдини олувчи самарали, яхлит, идоралараро давлат тизими ҳамда мукамал норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидир.

Утган 4 йил давомида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Ўзбекистонда чақалоқ савдоси билан боғлиқ 185 та ҳолат аниқланди. Чақалоқ савдосида «даллолик» қилаётган ва бундан мўмай даромад ишлаб олаётганлар ҳам бор бўлиб, улар асосан, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари саналади. Боиси аёл ҳомиладорлиги-

Қандай жазо берилади?

Чақалоқ савдосининг ортиб кетишига онанинг ночорлиги, ишсиз ва пулга муҳтожлиги ҳам сабаб бўлаётгани ҳақиқат. Бирок нима бўлган тақдирда ҳам ўз жигарбандини пуллаган бундай ота ёки она шу мақомга лойиқми? Уларга наҳот жазо берилмаса?

Наргиза Ҳожибоевнинг айтишича, бундай жиноятга қўл урган ота-оналарга қамоқ жазоси тайинланади ҳамда болага ота-оналик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Бола эса Меҳрибонлик уйига топширилади. Аммо бу билан масала ҳал бўлиб, чақалоқ савдосига чек қўйилиб қолмайди. Хўш, қандай йўл билан унинг олдини олиш мумкин? Масъуллар бу борада нима қилмоқда?

— Ушбу жиноятга қўл урган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати ўрганилганда, уларнинг кўпчилиги бугун оғир турмуш шароитида ва моддий қийинчиликда яшаётгани, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда психологик ёрдамга муҳтожлиги аниқланди, — *дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Ўғиллой Ўрзова.* — Биз ана шундай хотин-қизларни аниқлаб, керакли ёрдамни бериш мақсадида «Аёллар дафтари»ни шакллантирмоқдамиз. Ўтган давр мобайнида 6,5 миллиондан ортиқ хотин-қизнинг ижтимоий ҳолати, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилди. Кўплаб аёллар ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик учун кредит ажратилди, касб-

хунарга ўқитилмоқда.

Жорий йилда маҳалларда «одобли қиз», «иффатли келин», «маърифатли аёл» ғояларини хотин-қизларга сингдириш мақсадида мулоқотлар ўтказиш режалаштирилган. Айнан шу уч категория доирасида Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти томонидан дастур ишлаб чиқилди. Дастур асосида қийин бўлишига қарамасдан аста-секин ҳар бир маҳаллада мактаб ва турмушга чиқиш ёшидаги қизлар ҳамда турмушга чиққан аёлларни ўқитишни йўлга қўямиз.

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссиясининг 2020 йил 4 декабрдаги йиғилишида ўз чақалоғини сотган аёлларнинг 31 фоизи бу ишга оғир ижтимоий-иқтисодий вазият туфайли, 17 фоизи ҳомилани яширишга ҳаракат қилгани учун, 52 фоизи эса моддий манфаат топиш йўлида қўл урганлиги айтилди. Демак, хотин-қизлар бандлигини таъминлаган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Масаланинг маънавий жиҳатига эътибор қаратишни унутмаслик зарур. Зеро, тадбирбозлик ҳам бунинг ечими бўла олмайди.

Бола асраб олиш нега қийин?

Тарозининг иккинчи палласига қарасак, чақалоқни сотган томон билан сотиб олаётган томон ҳам бирдек жавобгар. Хўш, болани Меҳрибонлик уйидан эмас, қинғир йўл билан буюм харид қилгандек сотиб олаётган инсонларни бунга нима ундамоқда?

Афсуски, кўпчилиكنинг

жавоби йиллар давомида кутиладиган навбат ва ҳужжатбозликдир. Шунингдек, болани эсини таниб улгурмасидан, яъни туғилганиданок асраб олишга бўлган истакнинг кучлилиги. Чақалоқ савдосидан жабрланган болаларнинг деярли 90 фоизини 1 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиши бунинг исботи. Йиллаб навбат кутган инсонларнинг балки бошқа чораси бўлмагандир. Ўзи нима сабабдан Меҳрибонлик уйидан бола асраб олиш учун йиллаб навбат кутилади?

— *Фарзандликка олиш истаги бўлган шахслар томонидан сўнги 5 йил давомида Васийлик ва ҳомийлик органларига 11 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Сухроб Холиқов.* — Ҳужжатлар ўрганилиб, 96 фоизи фарзандликка олиш учун рўйхатга қўйилган. Қолган 4 фоизи қўйилган талабларни бажармаганлиги ёки талабнинг бузилганлиги сабабли рад этилган. Бугунги кунда республикамизда 441 нафар бола Меҳрибонлик уйида тарбияланмоқда. Улар орасида фарзандликка бериладиганлари сони ундан ҳам кам. Болалар уйида болаларнинг камлиги, кўплаб мурожаатчиларнинг 3 ёшгача бўлган болани асраб олиш истагидалиги сабабли йиллар давомида кутиш ҳолатлари учрамоқда. Тўғри, талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам кўп, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги «**Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан**

маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, фарзандликка олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар энгиллаштирилди. Масалан, маҳалладан талаб этиладиган маълумотнома бекор қилинди, иш жойи ва маҳалладан тавсиянома энгиллаштирилди, фарзандликка олиш учун мурожаатни кўриб чиқиш муддати 30 иш кунидан 10 иш кунига камайтирилди.

Яна бир муаммо ушбу тизимда ахборот коммуникация имкониятларининг жорий қилинмаганлиги бўлиб, фарзандликка олиш тартибларининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида Бош прокуратура билан ҳамкорликда «Бола ҳимояси» ягона электрон дастури яратилди. Бухоро вилоятида тест режимида қўлланилаётган дастур жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб, республикамизнинг барча ҳудудларида қўлланиши режалаштирилган.

Хулоса ўрнида

Умуман олганда биз билган, аниқланган ҳолатлар мамлакатимиз ичидаги, холос. Бироқ хорижга кетиб, чет мамлакатлардан туриб ана шундай бола савдоси билан шуғулланаётганларчи? Афсуски, хорижга чиқиб боласини сотиб юбориш ҳолатлари назоратга олинмаган. Сизнингча, иш ва бошқа ваз ва билан хорижда фарзанд кўраётган аёллар йўқми? Ёки чақалоқ савдоси билан шуғулланаётганлар йўқ деб айта оласизми? Йўқ, албатта. Нима бўлганда ҳам бола буюк неъмат, уни сотиш кечириб бўлмас ҳолатдир. Зеро, атрофимизда бола исига, чақалоқ йиғисига зор оилалар қанча?..

Ноилахон АҲАДОВА
«Mahalla»

«Фарғона ИЭМ»да янги қувватни ишга тушириш жараёни амалга оширилди.

Қўғирчоқ ТЕАТРИ ҚАЧОН ОММАЛАШАДИ?

Компьютер, телефон, телевизор сингари замонавий техника ва алоқа воситаларига «тобе» бўлиб бораётган фарзандга китоб ўқи деярлик танбеҳ берамиз. Аммо аслида маърифат ўчоғи бўлган театрга бор деганмисиз? Ўзингизчи, бирор марта театрда жонли спектакль томоша қилганмисиз? Фарзандларингизни қўғирчоқ театрига олиб борганмисиз?..

Афсуски, ана шундаи саволлар бугун оғриқли бўлиб қолди. Боиси театр аталмиш ибратхонага бўлган эътибор сусайиб бормоқда. Айниқса, бола-жонларни жонли эртаклар оламига олиб кирадиган қўғирчоқ театри томошабинлари кам. Бунинг сабаби нимада? Нега қўғирчоқ театри ривожланиб, оммалашиб кетмапти?

Юртбошимиз театрни маънавият ўчоғи, ижод аҳлини эса инсон қалбининг муҳандислари, дея юксак таърифлаганлар. Дарҳақиқат, саҳнага бир асарни олиб чиқиш ва томошабинларга намойиш қилиш катта куч, маҳорат ва ақлий меҳнат талаб этади. Қўғирчоқларни тилга киритиш эса ундан-да машаққат.

Бугун қўғирчоқлар билан тиллашиб, болаларни эртаклар оламига олиб киришга, уларга маънавий озуқа беришга бел боғлаган соҳа негидир оммалашиб кетгани йўқ. Хўш, бунинг сабаби нима? Умуман, қўғирчоқ театрини ривожлантиришга нима тўсиқ бўлмоқда?

— Асл тўсиқ ўзимизда, бир эртакни ёки асарни саҳнага олиб чиқадиغان, уни саҳналаштирадиган режиссёрлар етишмай-

компазитор, рассом сингари касбларни эгаллашда шунчаки ўқиган билан, ўқитган билан иш битмайди. Яъни ёшларнинг ўзида интилиш, ҳаракат, иқтидор бўлиши керак. Бугун талабалар, шу соҳани эгаси бўлман деган ёшларнинг билими, савияси етарли даражада эмас. Улар кўплаб китобларни ҳали ўқимаган, ўқишга эса кунти, хоҳиши йўқ.

Режиссёр бўлиш учун кўплаб китобларни, асарларни ўқиб, ўрганиш баробарида театрга келиб, кўриб, тажриба орттириш, асл муҳитни кўриш лозим. Ваҳоланки, шу соҳада таҳсил олаётган талабалар орасида театрга бирор марта келмаганлари ҳам борлиги ачинарли. Театрни билмай туриб, унинг кучини, сеҳрини кўрмай туриб, иш жараёнини ўрганмай қандай қилиб режиссёр бўлиш мумкин?

Иқтидорларни излаш керак...(ми?)

Юртбошимиз ташаббуси билан 2021 йилда мамлакатимизда театрлар сони 43 тага етказилиши кўзланган. Навоий, Наманган, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятларида янги қўғирчоқ театрлари қад ростлаш арафасида. Ана шундай замонавий театр биноси қуриладиган бир пайтда, уни малакали кадрлар, актёру режиссёрлар билан таъминлаш яна бир муаммо. Ўзи бу театрларда кимлар ишлайди? Болажонларга қувонч бера оладиган асарларни саҳналаштира оладиган мутахассислар борми?

— Нафақат қўғирчоқ театри, балки ўзбек театр



санъатини ривожлантириш учун бугун ёш ва ақлли режиссёр, актёр, рассомлар ва уларни тарбиялай оладиган устозлар керак, — дейди **Ш.Юсупов**. — Бугун очилаётган янгидан-янги таълим йўналишларини кўриб, қувонамиз, албатта. Бироқ ўша йўналишларда кимлар таълим бермоқда? Билим бера оладиган устозлар масаласи кишини ўйлантиради. Қўғирчоқ театрини ривожлантириш учун кўпроқ ёшларни жалб қилишимиз, улар орасидан кучли иқтидор эгаларини танлаб олишимиз керак. Балки бунинг учун мамлакат бўйлаб иқтидор эгаларини ахтаришимиз керакдир...

Бугун маданият институтида кўплаб ёшлар актёрлик, режиссёрлик маҳоратларидан сабоқ олмоқда. Бироқ уларнинг келгусида фаолият юритиши, шу соҳада ишлаши учун зарур шароит яратиш, имконият бериш керак. Масаланинг яна бир томони, вилоятларда ишлаш учун бораётган ёшларга яшаш жойи зарур. Театрда ишлайман, деб борган йигит-қизлар яшаш жойи билан таъминланмаса қандай қилиб ишлай олади? Имконият ва шароит яратилмаса ким вилоятлардаги театрларни ривожлантиради?

Умрида театрга кирмаганлар бор...

Шарқнинг ривожланган мамлакатларида қўғирчоқ

театрига эътибор, ҳурмат анча баланд. Биргина Япониянинг Бурнаку қўғирчоқлари орқали ижро этиладиган спектакллар тарихийлиги, қўғирчоқларнинг юз ифодаси, мимикаларига ақс эттирилиши билан ажралиб туради. Бир одам томонидангина ҳикоя қилинадиган, барча қаҳрамонларга мослаб устатмонлик билан ўзгартириладиган овоз сеҳрини ана шу спектаклларда англаш мумкин. Балки бизда ҳам ана шундай ижро маҳорати бўлганида театр гуллаб-яшнади, томошабинлар билан тўлармиди?!

Масаланинг яна бир жиҳати, қўғирчоқ театрига бўлган халқнинг қарашиди. Биз ота-оналар, болалар билан суҳбатлашганимизда, уларнинг кўпчилиги театрга боришдан кўра, телевизор ёки интернетда томоша қилишни афзал кўришини айтди. Бунинг сабаби нима? Умуман, бугун театр томошабинларини қандай сақлаб қолиши мумкин?

— Биз билет нархини қиммат қила олмаймиз,



— дейди **Ўзбекистон миллий қўғирчоқ театри директори Хотам Ахун**

ДАРВОҚЕ...

Тиниб-тинчимаган қўғирчоқ театри ижодкорлари 9 февраль Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан «Саббаи сайёр» асарини саҳналаштирмоқда. Бу ўзига хос спектакль бўлиши кўзланган бўлиб, ҳатто махсус рассом ҳам таклиф қилинган. Жараён аллақачон бошлаб юборилган, инсценировкаси яратилмоқда, қўғирчоқларнинг кийимлари ҳам тайёрланмоқда. Тажриба сифатида яратилаётган бу спектакль театр репертуарини қанчалик бойита олганлигини 9 февралдан сўнг билиб оламиз.


НОВ. — Чунки, томошага бола ёлғиз ўзи келмайди. Уни онаси, бувиси бирга олиб келади. Бугун биз саҳналаштираётган асарлар нафақат болаларни, балки катталарни ҳам жалб қила олиши зарур. Очиғи, умрида бир марта бўлса ҳам театрга келмаган инсонлар бор...

Хулоса ўрнида

Хитойнинг Пекин қўғирчоқ театри ўзининг профессионаллиги билан ном қозонган. Ушбу театр репертуарида 300 га яқин спектакль, 100 дан ортиқ қўғирчоқ телесериал, 6 та қўғирчоқ фильм бор. Болаларнинг сеvimли масканига айланган театрда адабий хитой тилида (мандарин тили) секин, аниқ ва тушунарли чиқишлар намойиш қилинади. Бу болаларни бир вақтнинг ўзида сўз бойлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон миллий қўғирчоқ театрида эса икки тилда: рус тили ҳамда ўзбек тилида спектакллар саҳналаштирилади. Сабаби нима?

Қарс икки қўлдан чиқади. Қўғирчоқ театри ривожланиши нафақат унинг ижодкорларига, балки томошабинларнинг қандай қарашига, муносабатига ҳам боғлиқ эмасми?..

Ноилахон АХАТОВА
«Mahalla»



ди, — дейди **Ўзбекистон миллий қўғирчоқ театри бош режиссёри Шомурод Юсупов**. — Режиссёр,

Тошкентда янги кинотеатр иш бошлади.



УЙҚУСИЗЛИК



Ярим тунда тўсатдан уйқунинг бузилиши ёки тонггача уйқу келмаслиги ҳар бир инсон ҳаётида учрайдиган оддий ҳолат. Аммо бунинг сурункали давом этиши кишини ташвишга солади. Кейинги пайтларда бу борада фуқароларимиздан ҳам кўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

КАСАЛЛИКМИ?

Унинг белгилари қандай, даволаш усули-чи?

Хўш, уйқусизлик ҳам касалликми? Унинг қандай белги ва даволаш усуллари бор? Узоқ муддатли уйқусизлик қандай оқибатларга олиб келади? Қуйида шу ҳақда маълумот бериб ўтамиз.

Тунги уйқу маромининг бузилиши, кам ёки юзаки ухлаш, уйқу келмаслиги, бевақт уйғонавериш, шунингдек, жуда эрта уйқу ўчиб кетиши ва бошқа ҳолатлар касаллик белгисидир. Тиббиётда бу ҳас-талиқ инсомния деб ҳам аталади. Баъзи одамларда уйқу болалигидан бузиладиган бўлади. Масалан, у ирсий ёки илк ёшда бошдан кечирилган баъзи касалликлар, нерв тизими, бош миянинг шикастланиши оқибатида келиб чиққан бўлиши мумкин.

Уйқусизлик кўпинча нерв тизимининг кучли руҳий, эмоционал шикастлари, невроз, психоз, бош миянинг органик касалликлари (айниқса, мия қон томирлари атеросклерози), ички аъзолар ва эндокрин безлар (буйрак, жигар, қалқонсимон без) касалликлари билан боғлиқ нерв тизимининг функционал бузилишларида учрайди. Шунингдек, ётадиган жойнинг ноқулай бўлиши, бирор нарсдан кучли ҳаяжонланиш, бирорта касалликнинг бошланиш белгиси бўлиши ҳам мумкин. Агар уйқусизлик нохуш кечинмалар, толиқиш, ухлаш маромининг бузилишидан (функционал уйқусизлик) келиб чиққан бўлса, у қайта

тикланади. Бунинг учун ҳар куни бир вақтда одатдаги шароитда ётиш, яхши хаёллар суриш лозим.

Соғлом одамларда ҳам уйқу бузилиши мумкинми?

Соғлом одамларда уйқусизликни келтириб чиқарувчи асосий омил асабийлашиш ҳисобланади. Ухлашдан олдин қанча кўп хавотирли, хотиржамликни бузадиган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўйлаган ёки уларнинг бевосита иштирокчисига айланган одамлар уйқусизлик билан ҳам курашиб чиқишга мажбур бўладилар. Чунки асаб-бузарлик, хавотирланиш одамни сергаклантиради. Бу эса уйқунинг «душмани» ҳисобланади.

Айрим кишилар ухлашдан олдин меъеридан ортиқ овқатланадилар. Натижада овқат ҳазм қилиш тизими зўриқади. Бу эса руҳий хотиржамликка путур етказилади. Шунингдек, ётоқдаги эътиборни ўзига жалб қилувчи, ёруғлик тарқатувчи буюмлар ҳам бедорликни келтириб чиқаради. Чунки бундай буюмлар инсонни чалғитибгина қолмай, мия фаолиятининг фаоллашишига сабаб бўлади.

Одатий тартибнинг бузилиши ҳам уйқусизликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳафтанинг иш кунлари одамлар та-

насидаги ҳаётий қувват — энергияни кўпроқ сарфлаб, ҳолдан тоядилар. Бу эса уларнинг тез ухлаб қолишларига сабаб бўлади. Дам олиш кунлари эса дангасалик оқибатида ўзларини уринтирмасликка интиладилар. Натижада жисмоний жиҳатдан толиқмаган танада энергия кўп бўлади, натижада уйқу майлининг ҳосил бўлиш вақти кечикади.

Узоқ муддатли уйқусизлик қандай оқибатларга олиб келади?

Уйқусизлик қисқа ва узоқ муддатли бўлади. Қисқа муддатли уйқусизлик, асосан, инсоннинг кайфияти, одатдаги яшаш шароитининг бузилиши ва ташқи таъсирлар орқали юзага келади. Бундай ҳолатда бедорлик камчиликлар бартараф этилиши ва шароитга мослашишига қараб 1-2 кун давом этиши мумкин.

Узоқ муддатли уйқусизлик эса 2-3 кундан ошади. У кўпинча нерв тизимининг кучли руҳий, эмоционал шикастлари, невроз, психоз, бош миянинг органик касалликлари (айниқса, мия қон томирлари атеросклерози), ички аъзолар ва эндокрин безлар (буйрак, жигар, қалқонсимон без) касалликлари оқибатида юзага келиши мумкин.

Бунда шифокор билан маслаҳатлашиб, зарур муолажаларни олиш тавсия этилади. Эсдан чиқармаслик керакки, ўз билганича дори-дармонлар билан даволаниш хавфли асоратларга олиб келиши мумкин.

Инсомниядан қандай қутулиш мумкин?

Одатда одам 8 соатга



Дониёр АЛИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори.

яқин ухлаши керак, лекин уйқусизликка мойил ўзига хос асаб тизимига эга бўлган одамлар ҳам бор. Инсомния касаллигидан халос бўлиш учун турли усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Аввало, уйқусизликка сабаб бўлаётган касаллик бўйича даво муолажаларини олиш талаб этилади. Шунингдек, спорт билан шугулланиш, жисмоний ҳаракат сизга ёқимли чарчоқ орқали безовтасиз ухлашингизни таъминлаши мумкин. Лекин шунга қарамасдан, жисмоний машқларни бевосита ухлаш олдида бажармаслик муҳимдир.

Ухлашга ётишдан олдин хушбўй ёғ ёки ҳидли ўтлар билан илиқ ванна қабул қилиш ҳам танангиз ва асабингизни тинчлантиради. Шунингдек, ялпиз, қарағай, атиргул гулбарги, валериана, дўлана ҳидлари ҳам сизнинг тунги уйқунгизни яхшилайдди.

Яна бир муҳим эслатма, кечкурун ухлашдан олдин қаҳва ёки аччиқ чой ичиш, янгиликлар ва қўрқинчли кинолар кўриш тавсия этилмайди. Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, танадаги хасталикларга беъэтибор бўлмаслик, айнақса, асаб тизимига таъсир қилувчи ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш яхши ухлашга ёрдам беради. Зеро, организмизнинг сарфланган кучини қайта йиғиши ва тетик бўлиши бир меъёрдаги кечки дам олишимизга ҳам боғлиқдир.

БИЛАСИЗМИ

Хона намлиги қай даражада бўлиши керак?

Хонадаги нормал намлик 40-60 фоизни ташкил этиши керак. Намлик даражаси 42-48 фоизгача бўлса, инсон осонгина стрессга чидайди. Намлик кўтарилганда ёки тушганда эса бу ҳолат оғирлашади.



Юқори намлик даражаси нимаси билан хавфли?

Аллергик реакциялар хавфи ортади. Аллергия келтириб чиқарадиган чанг ва замбуруғ (моғор) нисбий намлик 80 фоизга етганда ривожланади. Токсик буғлар кўпроқ ажралади. Намлик қанча юқори бўлса, уй қурилишида ишлатилган материаллар (ламинат, изоляция материал, ДСП)дан токсик газ — формальдегид ажралиб чиқади.

Паст даражали намлик-чи?

Кўз ва бурун шиллик пардалари қурийдди. Бурундаги қуруқлик маҳаллий иммунитетни пасайтиради ва нафас олиш йўллари инфекциясини юқтириш хавфини оширади. Кўзларнинг қуруқлиги «қуруқ кўзлар синдроми»га олиб келади.



15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар бепул тарқатилади.

МУСУЛМОН УММАТИ БИРЛИГИГА

РАҲНА СОЛУВЧИ ТАҲДИД


Бугунги кунда аксарият муслмон мамлакатларидаги жамиятни ичидан тафриқа ва фитналар келиб чиқишига сабаб бўлаётган маънавий таҳдидлардан бири, бу – тақфир ҳисобланади. Ушбу хатарли ҳодиса динда чуқур ғулувга берилиб, мутаассиблик ва ботил ақидаларга эргашиш оқибатида вужудга келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, яқинда Суриянинг жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларидан Ўзбекистонга қайтарилган 25 нафар аёл ва 73 нафар болани Ватандан йироқда хору сарсон бўлишларига сабабчи бўлган шахсларнинг йўлдан адаштираган ғоялари замирида ҳам бузғунчи тақфирчилик ётади.

Қандай маънони англатади?

Тақфир арабчада «куфр» сўзи ўзагидан олинган бўлиб, луғатда «инкор қилиш», «ёпиш», «кофирга чиқариш»ни англатади. Истилоҳда дин ва Аллоҳни тан олмасликда, диндан чиқишда, кофирликда айблаш маъноларида ишлатилади. Ўз навбатида, Қуръони каримда «куфр» сўзи «кофирлик», айрим жойларида эса «ношукурлик» маъноларида келган.

Тақфир ҳодисасининг илк илдизлари Али (р.а.) даврида унга қарши исён кўтарган хорижийлар фаолиятига бориб тақалади. Хорижийлар ўзларига қўшилмаган ёки эргашмаган барча кишиларни, ҳатто улар муслмон бўлсалар ҳам кофир деб эълон қилишган. Катта гуноҳ қилган муслмонларни ҳам кофирга чиқариб, уларнинг авлоди, моли ва жонини ўзларига ҳалол санаган. Улар ўз даврларида Усмон ибн Аффон (р.а.), Али ибн Толиб (р.а.) каби «хулофо рошидинлар»ни ҳам куфрда айблашган.



Бугун-чи?

Таассуфки, ҳозирги кунда ҳам турли диний мутассиб ва экстремистик ташкилотлар юқоридаги каби ислом аҳкомларини кўр-кўрона бузган ҳолда ўзларига эргашмаган муслмонларни ва дунёвий ҳокимиятга нисбатан «кофир» деб асоссиз ҳукм чиқармоқдалар. Мутаассиблар шу йўл орқали ўзлари муҳолиф санаган одамларнинг жони ва молига тажовуз қилишни, жамият ва давлатга қарши фитна қилишни шариат жиҳатидан «ҳалол» қилиб олишга, қотиллик ва босқинчилик фаолиятини оқлаб олишга ҳаракат қилади.

Имоннинг шарти...

Ислом муслмон одамни кофирга чиқаришдан қайтаради. Ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига мувофиқ, имоннинг шарти яқкаҳудоликка тил билан иқрор бўлиш, қалб билан тасдиқлаш саналади. Инсоннинг имонини ўлчаш имконияти бошқа инсонда йўқ, чунки имон инсон қалбида бўлади. Шариатга кўра, қалбни фақат Аллоҳ билади. Шунга кўра, муслмон одамнинг имонини ҳақидаги ҳукми ёлғиз Аллоҳ чиқаради. Бунга мазкур ҳадис далил бўлади: «Пайғамбар (с.а.в.): «Уч нарса имоннинг ас-

лидандир: «Лаа илааҳа иллаллоҳу» деган кимсага тегмаслик. Гуноҳи туфайли уни кофирга чиқармаймиз. Амали туфайли уни Исломдан чиқармаймиз», дедилар». (Сунани Абу Довуд, 2532-ҳадис).

Имом Бухорийнинг «Саҳих» асаридаги бир боб «**Жоҳилият ишларидан бўлиб, куфр саналмайдиган гуноҳлар боби**» деб номлангани ҳам муслмон инсон гуноҳ содир этиш билан исломдан чиқмаслигига ишора қилади. Катта (кабира) гуноҳ содир этган мўмин киши, «Аҳли сунна вал-жамоа» эътиқодига кўра, қилган ишени ҳалол санамас экан, кофир бўлмайди.

Тўрт мазҳаб уламолари иттифоқига кўра, катта гуноҳ содир этган шахс дўзахда ҳам абадий қолмайди. Муслмонни кофирга чиқаришдан келиб чиқадиган хатарлар боис Қуръон ва суннатда бировларни кофирга чиқаришдан қайтарилари. Муслмонларни динсизликда айблаш мумкин эмаслиги ҳақида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ (с.а.в.): «Бирор киши ўз биродарига: «Эй кофир!», – деса, бу сўз иккаласидан бирига тегишли бўлади», дедилар (яъни агар кофирликда айбловчи ҳақ бўлса, айбланувчи кофирлигича қолади. Башарти ҳақ бўлмаса, у ҳолда ўзи

кофир бўлади)», деб таъкидланган (Имом Бухорий, 6103-ҳадис).

Ислом таълимотига кўра, гуноҳ содир этган одам, агар қилган ишени ҳалол деб ҳисобламаса, у кофир бўлмайди, балки гуноҳкор бўлади. Имом Абу Ҳанифа ўзининг «Фикҳи акбар» асарида мазкур масалага қуйидагича ҳукм берган: «Бирор муслмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи у кабира гуноҳ бўлса ҳам, башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса».

Дунё уламолари нима дейди?

Дунё уламолари бировни кофир дейишдан олдин бу гап ўзига қайтиши мумкин экани ҳақида огоҳлантирадлар. Чунки исломда кофир бўлиш билан ўта хатарли ҳолатлар юзага келади: у билан турмуш ўртоғи орасидаги никоҳ бузилади, болалари унинг қарамоғидан чиқади, вафот этса ювилмайди, кафанланмайди, жанозаси ўқилмайди, муслмонлар қабристонига кўмилмайди ва меросдан маҳрум бўлади, ўша ҳолида ўлганда дўзахи ҳисобланади. Шу сабабли уламолар бировни кофирликда айблашдан ўзларини тийганлар ҳамда бошқаларни ҳам бундай ишдан қайтарганлар. Шунингдек, уламолар куфр ҳақидаги умумий фатвони яқка шахсларга татбиқ қилиб юбориш шариатга зид эканини ҳам таъкидлайдилар.

Ҳозирги кунда имом-хаттибларимиз ҳам шаръий қоидага кўра, ўта ишончли нарса шубҳали нарса билан кетказилмаслиги, муслмон одамни кофирга чиқариш хатарли ва нозик масала ҳисобланиши, бу ишга сўз, амал ва эътиқодга қараб ҳукм чиқара олиш даражасида олим бўлмаган одамлар асло жазм қилмасликлари зарур эканини

такрор-такрор таъкидлаб келмоқдалар.

Энг хатарли ҳолат...

Афсуски, айрим ёшларимиз насл-насаби, диний маълумоти, кимга хизмат қилиши номаълум кимсаларнинг таъсирида ватандошлари, ҳатто яқинларини диндан чиққанликда айблаётгани жуда хатарли ҳолатдир.

Мазкур муаммонинг энг оғир жиҳати шундан иборатки, ўз диндошлари, юртдошлари ва қавм-қариндошини кофирликда айблаётган бу каби ёшлар кейинги босқичда «раҳнамо» ва «устозлари» томонидан гўёки «ҳижрат»га чиқиш даъвосида Сурия, Афғонистон каби қуролли тўқнашувлар кетаётган ўлкаларга чорланмоқда. Ушбу ҳудудларга борганлар эса бегуноҳ одамларни ўлдириш, босқинчилик қилиш, бировларнинг уй-жойини эгаллаб олиш каби исломда буткул ҳаром қилинган қабиҳ, гуноҳи кабира ишларга қўл уриб, охир-оқибатда жувонмарг бўлиб кетмоқда. Уларга эргашиб, беқарор ҳудудларга бориб қолган турмуш ўртоқлари, сингил ва фарзандларининг аянчли тақдирини «Меҳр» операциялари доирасида Ватанимизга қутқариб олиб келинган ожизалар ва гўдакларнинг кўз ёшлари ва аччиқ қисматида кўришимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан, ёшларимиздан интернет ва бошқа воситалар орқали тинч-осойишта яшаб келаётган муслмонларни, айниқса, диний уламоларни кофирга чиқариб обрўсизлантиришга уринаётган, давлат ва жамиятга қарши фитна чиқариш, барқарор юртни барбод қилиш каби гуноҳ ишларга даъват қилаётган кимсалардан огоҳ ва эҳтиёт бўлишлари талаб қилинади.


Ўткир ҲАСАНБАЕВ.



Ўзбекистон халқаро Қуръон, азон ва ҳадис мусобақаларида ўз мукофотини жорий қилади.



Шу кунларда ёшлар орасида оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқдаги янги шакл — «тик-ток» турли муҳокамаларга сабаб бўляпти. Унда ўзини кўрсатишга уринаётган ёшларнинг ўзини тутиши кўплаб негатив қарашларга олиб келди. Жамиятда бу тоифа ҳақида фикрлар орасида аксар ёшларнинг хулқида оғиш борлигини «тик-ток» очиб ташлади, деган қараш ҳам учраяпти.



«ТИК-ТОК»ЧИЛАР

САЛБИЙ ХИСЛАТЛАР ШАКЛЛАНИШИГА САБАБЧИМИ?

Буни эса кўча-кўйда арзимас сабаблар билан тортишув юзага келганда ҳам бир-бирига пичоқ уриш, оилавий низоларда яқинларига жиддий жароҳат етказётганлар кўпайиб бораётгани билан изохлашмоқда.

Хўш, ёшларда хулқ оғиши қандай пайдо бўлади? У қай ҳолатларда ўзини кўрсатади? Бундай ёшлар билан ишлашда нималарга эътибор қилиш лозим?

Хулқ оғиши нима?

Тарбияси оғир болаларнинг келиб чиқилишининг сабабларидан бири — уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Бундай муносабатга турли омиллар хизмат қилиши мумкин. Масалан, ўзлаштириш қобилиятининг суст ривожланганлиги, ўқитувчининг боладаги индивидуал психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор бермаслик ва бошқалардир. Синфда турли хил жамоатчилик ташкилотлари билан яхши алоқада бўлмаган болаларда ҳам хулқ оғиши кузатилиши мумкин. Ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажакини, орзу-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра, янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Натижада ўсмир носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади.

Оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда

бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички кўзғолонга айланиб боради. Гоҳида фарзандга ота-онанинг ортиқча эътибори, у нимани истаса шуни муҳайё қилиниши ўсмирнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Тарбия бузилиши ва хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этувчи бир нечта ижтимоий омиллар мавжуд. Улар ўз(мен)ига паст назар билан қараш, бошқаларга тобелик, моддий кам таъминланганликни ҳис қилиш, бола ҳаётида ижтимоий-иқтисодий томондан қийин вазиятларга тушиши ва бошқалардир. Шунингдек, хулқ оғишининг оилавий, шахсий ва физиологик омиллари ҳам бор. Буларни аниқлаш учун жамиятимизда тажрибали психологларга катта эҳтиёж борлиги ҳам бугунимизнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Чунки бундай ёшларни аниқлаш учун индивидуал текширувлар ўтказиш, тиббий кўрикларни тўғри ташкил этиш зарур. Агар ҳар бир маҳаллада, ўқув масканларида психологлар фаолияти тўғри ташкил этилса ва буни ота-оналар тўғри қабул қилиб, фарзандининг соғлигига доим эътиборда бўлса, яқинларига оғир тан жароҳати етказадиган, арзимас сабаблар билан бир-бирига ўткир

тиғли қурол ўқталадиган кимсалар кескин камаяди. Уларнинг ўрнига бирон касб орқали обрў орттиришга ва жамиятга наф келтиришни истайдиган ёшларимиз сафи янада кенгайди.

«Тик-ток»-чиларнинг хулқида оғиш бор...(ми?)

Тик-токерларнинг вазияти жуда баҳсли мавзу. Аввало, уларни ёппасига айблаш мумкин эмас. Негаки, уларга шу имкониятни ўзимиз яратиб беряпмиз ва тақиқ орқали бирон натижага эришиб бўлмамлигини ҳам билишимиз керак. Уларнинг хулқида баҳо беришда шошилмаслик керак, илмий ўрганиш, махсус тестдан ўтказмасдан хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан, улар яна бир муҳим жиҳати бор. Улар ўзини кўрсатиш, машҳур ва бой бўлиш учун турли бачкана қилиқлар қияпти, катта йўл ўртасида «томоша» кўрсатмоқда. Улар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бу ёшлар сизу бизнинг ораимизда ана шундай дунёқараш билан улғайиб келди. Демак, улар жамиятнинг бир қисми. Биз уларга тақиқлар қўйиб, жамиятдан ажратиш тарбия беришни эмас, аксинча ўзимизга яқин олиб тўғри йўлни кўрсатишимиз керак.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, инсон одобли ёки одобсиз, олижаноб ёки эгоист, жиноятчи ёки соғлом хулқли бўлиб туғилмайди. Шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар кишининг ижтимоий ҳаёт фаолияти, уни қуршаб ол-

ган объектив шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Ушбу шарт-шароитлар ва объектив муносабатлар характери индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, шахс хусусиятларининг шаклланиши нафақат инсон организмнинг наслий хусусиятларига, балки энг аввало, у алоқада бўлган ижтимоий муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий турмуш шарт-шароитлари пировард натижада инсон хулқ-атворининг шакл ва шамоилини белгилаб беради. Қисқа қилиб айтганда, ёшлар доим ота-онанинг, жамиятнинг кўзгудаги акси ҳисобланади.

Демак, улар хушсурат кўриниши учун, аввало, ўзимизни тартибга келтиришимиз керак. Бунда эса маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Баъзан маҳалла аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларда, ёшлар тарбиясидаги муаммоларда шундай ҳолатлар юзага келадик, уни ҳеч қандай меъёрий ҳужжат билан тартибга солиб ёки тўғри йўлга бошлашнинг имкони бўлмайди. Бу каби ҳолатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда маҳалла оқсоқоли, маҳалла фаоллари халқимизга хос миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга таяниши лозим бўлади.

Нималарга эътибор қаратиш керак?

Бундай болалар ва ўсмирлар билан ишлашда, аввало, улар билан дўстлашиш зарур. Шунингдек, уларда ижобий хулқ-атвор ва характерни шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёни ташкил этиш керак. Пси-

холог боладаги энг яхши инсоний фазилатларни кўра олишга ва болаларда ўзига ишониш, ўз хулқини ўзи яхшилаш мотивларини шакллантириши, уларни ўз хулқ-атворини баҳолашга ўргатиши ва фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириши шарт.

Шу ўринда ота-оналарга айрим тавсияларни бериб ўтиш зарур. Жумладан, фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг. Уни ёлғиз юришига йўл қўйманг. Фарзандингизнинг дўстларини баҳолашда унинг ота-онанинг мавқеи, имкониятига қараб эмас, фарзандингизга бўлган муносабатига эътибор беринг. Ўртоқларини ўзининг шахсий фикри асосида баҳо бериш ва ҳурмат қилишга ўргатинг. Унга ўртоқларининг ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилинг, албатта, таққосламаган ҳолда.

Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантириб, ўртоқларини уйингизга меҳмонга таклиф қилинг, улар билан мулоқот ўрнатинг. Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини тушунтиринг. Ўртоқларига муносабатда чақимчилик, сотқинлик қилишига йўл қўйманг. Фарзандингиз дўстига ишонгандай ўз сирларини сизга айтса, сизга бўлган ишончини суиистеъмом қилманг. Болаларни танқид қилинг, фақат уни масхара қилиб эмас, балки қўллаб-қувватлаб. Салбий хислатлар ана шундай майда-майда кўринган камчиликлар оқибатида келиб чиқади. Ёшликдаги дўстлик унинг келгуси ҳаётида пойдевор бўлиши мумкин.

Зилола ЯХШИЕВА,
психолог.



Энди АЁҚШлардан харид қилинган нефть маҳсулотлари учун тўлов CLICK орқали амалга оширилади.

БОБУРИЙ БЕГИМЛАР



Ёдгор Тоғойнинг қизи, манбаларда Ҳожибегим номи билан ҳам машҳур Эроннинг Хуросонидан бўлган доно ва билимли Бека бегим 1511 йили туғилган бўлиб, тиббиёт ва даволаш илмини пухта эгаллаган. 1527 йили Ҳумоюн мирзо Бадахшон ҳокими этиб тайинлангач, у ўз тоғаваччасига турмушга чиқади.

ҚУРДИРГАН ИМОРАТЛАР

1528 йилнинг ноябрида Ҳумоюн мирзонинг тўнғич фарзанди шахзода Аломон мирзони дунёга келтиради. Шершоҳ қўшини таъқибидан қочаётган пайтда вафот этган ўғли Аломон мирзо ва Чоуса яқинидаги Ҳумоюн мирзо қароргоҳига уюштирилган жангда ўлдирилган қизи Ақиқа Султонбегимларнинг вафотидан сўнг у Ҳаж зиёратини амалга оширади. Фарзандларининг вафотидан сўнг ҳаётини ибодатга бағишлаган.

1530 йилнинг декабрида подшоҳ Бобур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Ҳумоюн 23 ёш бўлса, саройнинг биринчи хонимига айланган Бека бегим эндигина 19 ёшда эди. У илк бор Ҳиндистонга келди. Умрининг охиригача эри ва сарой аҳли Бека бегимга яхши муносабатда бўлиб, ардоқлашди. Ҳатто Бека бегимни асирликка олган Шершоҳ ҳам маликага нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уни ортга қайтарган эди.

Гулбадан бегимнинг ёзишчи, давлат ишларидан ортмай қолган Ҳумоюн мирзо маликани йўқламай қўйганда ҳам ундан ранжиганини рўйи рост билдирган жасоратли аёл эди.

Садоқат тимсоли

Афтидан Ҳумоюн мирзо Ҳамидабону бегимни 13 ёшлигида Лахўрдаги укаси Ҳиндол мирзо саройида учратиб севиб қолган бўлсада, Бека бегим уни кўпроқ севган кўринади. 1556 йили Ҳумоюн мирзо фожиали тарзда вафот этгач, ўз севгисининг исботи сифатида унинг хотирасига атаб бунёд этган мақбара фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бека бегим 1564 йили малика Гулбадан бегим билан бирга Ҳаж зиёратига боради ва марҳумнинг ҳаққига тиловат қилишлари учун Маккадан 300 та арабни олиб келади, 500 нафар фақирга катта миқдордаги хайр-эҳсон ажратади. Шунингдек, илм аҳлига ҳомийлик қилиб, мақбара ёнида Араб саройи мадрасасининг қад кўтарилишига масъул бўлади. Пойтахт Аграга кўчирилганда ҳам ушбу иморатни қуриш истагида ёнаётган малика Деҳлини тарк этишдан бош тортиб, шу ерда қолади.

Ўша давр тарихчиси Бадаунининг ёзишчи, Акбар Бека бегимни ўз онасидан кам кўрмасди. Кунлардан бир куни ёшгина шахзода Акбарнинг тиши оғриб қолади, оғриққа қарши дори келтиришганда турли фитна-фасод, хатарларга тўла саройда саросимага тушиб қолган Ҳамидабону бегим дорини беришга иккиланиб қолади. Шунда ўгай бўлса-да, аммо Акбаршоҳни ўз боласидек яхши кўрадиган малика Бека бегим ҳеч иккиланмай ўз хоҳиши билан дорини ютиб юборади. Дори синовдан муваффақиятли ўтгач, шахзода Акбарга беришади.

Малика Бека бегим 1581 йилда вафот этади ва унинг жасади Акбар бошчилигида Ҳумоюн мирзо мақбарасига дафн этилади.

Ҳумоюн мирзо мақбараси Тож Маҳалнинг яралишига сабаб бўлганми?

Деҳлидаги энг хушманзара қадамжолардан бирига айланган, келгусида мў-



жизавий Тож Маҳалнинг яралишига илҳомлангирган Ҳумоюн мирзо мақбарасининг қурилиши тахминан 1568 ва 1571 йиллар оралигида амалга оширилган. У Бобурийлар салтанати архитектурасининг дастлабки улкан намунаси ҳисобланган бўлиб, Ҳиндистондаги боғ услубида қуриб битказилган илк мақбара бўлган.

Мақбаранин Ҳумоюн мирзо вафотидан сўнг қурилмаганлигига сабаб, у пайтларда Бобурийлар салтанати ҳали тўлалигича салтанат сифатида шаклланиб улгурмаган эди. Салтанат Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида мустақамлангач, унинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида Ҳумоюн мирзонинг катта хотини Бека бегим томонидан эрининг хотираси учун бунёд этилган.

Умуман олганда, салтанат маликалари Акбарий мақбараси (айни пайтда мавжуд эмас), Фотехпурий мақбараси, Зийнат ул манзил каби улкан қурилишларнинг сабабчилари, шунингдек, тарғиботчилари ҳам бўлишган.

Бухоролик уста ва меъморлар ёлланган

Ҳумоюн мирзо мақбарасининг қурилишида сулоланин Ҳекса аёлларига

ларини ўзида бевосита муҷассамлаштирган, Бобурийлар салтанатининг маҳобатидан дарак берувчи, теурийлар анъаналарига мувофиқ чорбоғ усулида қурилган мақбарадир.

Чорбоғ (тўрт боғ) шаклида боғларнинг қурилиш тарихи аслида ислом маданиятидан анча олдинги сосонийлар ва аҳамонийлар даврларига бориб тақалади. Салтанатнинг илк асосчиси бўлган Бобур мирзо даврига келиб, бу шаклдаги боғларни қуриш урфга кирди. Мақбарада Ҳумоюн мирзо қабридан ташқари, маликалар Ҳамида бегим, Аврангзебининг фармонига кўра боши танасидан жудо қилинган Ҳумоюн мирзонинг чевараси ва Шоҳ Жаҳоннинг фарзанди бўлмиш бахтиқаро Доро Шукӯҳ ва яна бошқа кўплаб Бобурий шахзодалар ҳам дафн этилган.

Ушбу мақбара ЮНЕСКО рўйхатига киритилган

Маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар эътиборига тушган Деҳлидаги ушбу мақбара 1993 йили ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган, кейинчалик Оғохон фонди томонидан қайта таъмирланди. 1857 йилдаги ҳиндларнинг босқинчиларга қарши қўзғолонида мақбара сўнгги Бобурийзода подшоҳ Баҳодиршоҳ Зафар ва унинг уч шахзодаси учун қароргоҳ бўлиб хизмат қилган.

Бека бегимни Бобурийлардан чиққан илк қурувчи аёл десак, муболага бўлмайди. Ушбу анъанани Бобурий бегимлар кейинчалик масжид, бозор ва боғлар бунёд қилиб давом эттиришди.

Холида ШАМСИЕВА,
Бобур номли халқаро жамоат фонди котибият мудири.



Ўзбекистонда жаҳон палеолитшунослиги учун ҳам ноёб бўлган топилма аниқланди.

ТАШҚАРИДАН ҲЕЧ КИМ ҚОЗОҚЛАРГА ЕР СОВҒА ҚИЛМАГАН

Россиядаги айрим сиёсатчиларнинг қўшни Қозоғистон ҳақида билдираётган айрим ҳудудий даъволари жамоатчиликнинг кучли норозилигига сабаб бўляпти.

Айниқса, Россиянинг ҳукмрон партияси «Единая Россия» депутатлари Қозоғистон ерлари Москва томонидан совға қилингани ва уни қайтариш лозимлигини таъкидлашди. Мухолифат фаоллари бундай даъволарга нисбатан Қозоғистон Евроосиё Иқтисодий Иттифоқидан чиқиши керак, деган талабни олдинга сурди. Натижада Путин ростдан ҳам Қозоғистон ерларини қўшиб олишни истайдими, деган саволлар ўртага чиқмоқда.

2020 йил 10 декабрь куни Россия давлат думаси депутати Вячеслав Никонов Россия давлат телеканаллари орқали Қозоғистон олдин умуман мавжуд бўлмагани ва унинг ерлари Россия томонидан берилган катта совға эканини айтган эди. Орадан бир кун ўтиб, фаоллардан бири Москвадаги Қозоғистон элчихонаси темир панжараларига «Шимолий Қозоғистон – Россия ерлари», деб ёзилган баннер илди. 12 декабрь куни Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги Давлат Думаси депутати баёноти юзасидан Россия дипломатига норозилик нотаси топширди. Қозоғистон ҳукумати Россия Федерацияси давлат арбоблари келажакда бу каби баёнотларни бермаслигининг олдини олиш борасида чора кўришга чақирди.

Президентнинг жавоби қандай бўлди?

«Замонавий Қозоғистоннинг бош бойлиги бу унинг

аждодларидан мерос бўлиб ўтган муқаддас замини», – деди президент Қосим-Жомарт Тоқаев 5 январь куни Egemen Qazaqstan республика газетасида босилган «Мустақиллик ҳаммасидан устун» деб номланган мақоласида. «Ташқаридан ҳеч ким қозоқларга ушбу улкан ҳудудни бермаган. Бизнинг тарихимиз 1991 йил ёки 1936 йилда бошланмаган. Халқимиз бу ерларда Қозоқ хонлиги даврида ҳам, ундан олдин ҳам — Олтин Ўрда, Турк ҳоконлиги, гунлар ва саклар даврида ҳам яшаган», – деди Тоқаев, хориждаги айрим сиёсатдонларнинг Қозоғистон ҳудудий яхлитлигига нисбатан билдирган шубҳаларига жавобан.

Ўтган бир ойнинг ўзида Россия Давлат думасининг бир эмас, икки депутати ўтмишда Қозоғистон деган давлат умуман бўлмагани, унинг ерлари Россия томонидан берилган катта совға экани ва мамлакатлари уни қайтариб олиши кераклигини даъво қилишган. Бу каби таъкидлар Россиянинг бошқарувда бўлган партияси – Единая Россия депутатлари томонидан янрагани билан алоҳида аҳамият касб этган, аксарият минтақавий кузатувчиларни хушёр тортирган. Бунинг ортидан уларнинг айна мазмундаги иддаоларини ўзининг шовшувли чиқишлари билан танилган россиялик сиёсатчи Владимир Жириновский ҳам қувватлаб чиқди.

Путин нима деган эди?

Воқеаларнинг бу каби ривожини Россия президенти

Владимир Путин ўзининг шунга ўхшаш сўзларидан санокли ойлар ўтиб бўй кўрсатди. Ўтган йил июнь ойида Путин Совет Иттифоқи таркибига кирган пайтида кўплаб республикалар тарихан Россияга тегишли бўлган ерларга эгаллик қилиб олишганини иддао қилган. Улар Иттифоқ таркибига чиқиб кетаётган пайтда Рус халқидан совға олгандек эмас, қандай кирган бўлишса, шундай чиқишлари керак бўлганини таъкидлаган эди. Аммо Россия раҳбари ўшанда бирор-бир давлатдан алоҳида ном тутмаган, аксарият минтақавий таҳлилчилар эса, бунинг Қозоғистон ва Украинага ишора эканини ҳам айтишган.

Сиёсий таҳлилчилар фикри қандай?

Президент Путиннинг бу сўзлари ҳам ўшанда постсовет ҳудудидаги кўпчиликнинг эътиборидан четда қолмаган, анчайин нохуш қарши олинган. Айрим сиёсий таҳлилчилар бунинг Қозоғистон янги президенти келиши билан имкон қадар мустақил геосиёсий курсга ҳаракат қилаётгани билан ҳам изоҳлашган. Россиялик сиёсатчиларнинг сўнги даъволари эса Қозоғистон ичкарасида кескин аксадоларга сабаб бўлди. Қозоғистонлик айрим таниқли сиёсатчилар бу Россия ҳокимиятининг «кучайиб бораётган янги империячилик синдроми»нинг ифодаси эканини айтишмоқда. Зиёли, фаоллар ва айрим мухолифат вакиллари эса бунинг шундай қолдирмасликка даъват қилиб чиқишган.

Қозоғистон Россия ташаббуси остидаги Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи, Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотидан чиқиши, «Бойқонур»нинг ижарасини тўхтатиб қўйиши, россиялик бу икки депутатни мамлакатда «исталмаган шахс-

лар», деб эълон қилиши кераклигини таъкидлаган. Президент ва Элбошини бу даъволарга қарши «очиқча муносабат» билдиришга ундашганди. Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги эса Россия томонига бу хусусда расман норозилик нотаси юборди. Бунга ўхшаш баёнотлар алал-оқибат ўзаро муносабатларига «жиддий зиён» етказиши мумкинлиги билан огоҳлантирган.

Элбоши фикри-чи?

Қозоғистон президенти эса «ерга оид даъволар»га куни кеча Egemen Qazaqstan давлат нашрида чоп этилган мақоласида тўхталиб ўтди. Президент Қасим-Жомарт Тоқаев ҳудудий яхлитлигини савол остига олувчи «ифвогарона амал»ларга мамлакатлари қарши туриши кераклигини айтган. Мустақил Қозоғистоннинг биринчи президенти, Элбоши Нурсултон Назарбоев ҳам 15 декабрь куни россиялик сиёсатчиларнинг бу каби даъволарига муносабат билдиргандек кўринган. Мустақиллик куни муносабати билан йўллаган муждасида қозоқлар, «бепоён даштларнинг ҳақли ворислари» эканини баён қилган.

Афсуски, бу каби ҳисиз баёнотлар Россиянинг сўнги иттифоқчилари ҳисобланган МДХ мамлакатларини хавотирга солиб, унга нисбатан эҳтиёткорроқ бўлишга ундамоқда. Қозоғистонлик кузатувчиларнинг сўзларига кўра, Россия тарафидан ўзининг ҳудудий яхлитлигига таҳдид сезган Нурсултон ғарбдаги ишончлироқ ҳамкорларга суяна бошлаган. Кремль билан халқаро масалаларда яқдил позицияда бўлишга одатланган Қозоғистон Россия билан алоқаларини қайта кўриб чиқмоқда. Нурсултон биринчи навбатда, ёзувини қирилдан лотинга ўтказиш жараёнини бошлаган. Иккинчидан, БМТ Бош

Ассамблеясида илгари суриляётган резолюцияларда Россия тарафида эмас, бетараф овозлар бера бошлади. Россия билан узоқ муддатдан бери яқин геосиёсий ҳамкорлиги ҳисобга олинса, Қозоғистоннинг бетараф қолиши алоҳида эътиборга молик воқеадир.

Икки давлат ўтмишда ҳарбий йўналишда яқин ҳамкорлик қилган. 1992 йилдан буён Қозоғистон Россия раҳбарлик қиладиган ва собиқ Совет республикаларини бирлаштирувчи хавфсизлик иттифоқи ҳисобланувчи Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) аъзоси бўлган. Шу билан бирга, Қозоғистон собиқ совет давлатларининг савдо блоки ҳисобланган Евроосиё иқтисодий иттифоқига ҳам аъзо. Нурсултоннинг ушбу қадами ўзгарувчан ташқи сиёсати ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашishi туфайли халқаро майдонда яқинлашиб қолган Россия билан бирга бир кемада бўлишни истамётганлигининг белгисидир, дейди қозоғистонлик сиёсий таҳлилчилар. Шундай бўлса-да, Қозоғистоннинг Кремль таъсири остида чиқиши осон бўлмайди ва бир неча йилларни талаб қилиши ҳам мумкин.

Алоқаларни кескин равишда узиш 2014 йилда Россия Украинани босиб олганига ўхшаш вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис Қозоғистон расмийлари Россия томонидан Қозоғистоннинг шимолий ҳудудларига киришга уриниш эҳтимолини ҳам истисно қилмай қўйганлар. Чунки 2014 йилда Россия Қрим яриморалини куч билан Украинадан ажратиб, ўзига қўшиб олиши Қозоғистон учун хавотирли белги бўлди, дейди таҳлилчилар.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ЭЪЛОН

Алибаев Абдухамид Акбаровичга Оққўрғон тумани 5-сон умумтаълим мактаби томонидан берилган О`R-D № 078257 рақамли шаходатнома, О`R-D № 613414-рақамли аттестат ва Тошкент Олий Ҳарбий техник билим юрти томонидан берилган КК № 898618-сонли дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МИЛЛИЙ ФУТБОЛ. ИШОНЧ ҚАЧОН ОҚЛАНАДИ?



«Реал Мадрид», «Барселона», «МЮ», «Ювентус», «Бавария»... Бу каби дунёга машхур футбол клубларининг юртимизда ҳам мухлислари талайгина. Уларнинг ҳар бир ўйинини мароқ билан кузатишади.

Гап миллионларни ўзига жалб этган, танқидлар остида қоладиган, шу билан бирга, энг кўп муҳокамага сабаб бўладиган футбол ҳақида кетаётганини аллақачон англаган бўлсангиз керак. Орамизда ҳам унинг ишқибозларию ҳавасмандлари кўп. Миллий терма жамоа эса доимгидек керак пайтда керакли ўйинни кўрсата олмайди, умидлар пучга чиқаверади.

Хўш, қачон ишончлар оқланади? Бу борада қандай ишлар қилиняпти? **Профессионал футбол лигаси (ПФЛ) бош директори в.б. Диёр ИМОМХЎЖАЕВ** билан шу ва шу доирадаги масалалар хусусида суҳбатлашдик.

– Пандемия жаҳон футбол қатори Ўзбекистон футболга ҳам салбий таъсир ўтказди. Булар асосан нималарда намоён бўлди?

– 2020 йил чиндан ҳам синовли кечди. Чемпионат кетма-кет икки марта умумий ҳисобда 3 ойгача тўхтаб қолди. Нафақат катталар, балки болалар ҳам яшил майдондан четда қолди. Шунингдек, ҳомий ташкилотларнинг футбол клубларига пул ажратишида қийинчиликлар, узилишлар юзага келди. Футбол мухлисларининг октябрга қадар стадионларга кира олмани клубларнинг чипталардан ва савдо-сотикдан келадиган даромадларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.



– Болалар футболлари жаҳон стандартлари даражасида ривожлантиришимиз учун қандай таклифларни берган бўлардингиз?

– Бизда болалар футболлари сезиларли равишда ўсиб бормоқда. Аммо камчиликлар мавжуд. Агар Осиё футбол Конфедерацияси ва ФИФА талабларини хўжакўрсин учунмас, футбол ривожини учун чиндан ҳам бажарсак, кўплаб муаммолар ечилади. Масалан, илк профессионал шартномаларини тузаётган футболчилар учун компенсация тўлаш масаласи бизда оғриқли, деярли тўланмайди. Шундан келиб чиқиб, биз регламентни янгиладик, бу тизимни 2021 йилдан бошлаб секин-аста ишга туширамиз. Бу кенг мавзу, бу ҳақда соатлаб тушунтириш беришим мумкин.

– Футбол бўйича миллий чемпионатимиз савиясини кўтариш учун ҳали анча қовун пишиғи бор. Ҳатто яқинда олий лигада тўп сураётган Андижон футбол клуби банкротлик ёқасига келиб қолди.

Клублар мана шундай ҳолатларга тушиб қолмаслиги учун нима қилиш керак?

– Клубларнинг банкрот ҳолатига тушиб қолиши бутун дунёда юз беради. Италияда машхур «Парма» ҳам шу билан тўқнашди, Россияда молиявий қийинчилик билан юзлашган клублар бор ва ҳоказо. Бу нормал ҳолат. «Андижон» клуби тизимни нотўғри қургани учун шу муаммо юз берди. Миллий чемпионат савияси борасидаги фикрингизга эса унча қўшилмайман, биз ривожланиш йўлидамиз.

– Ўзбекистон футболдаги бокимандалик, давлат ташкилотларига қарамлик ҳолати қачон бартараф этилади? Футбол клубларимиз қачон ҳақиқий бизнес қиладиган профессионал жамоаларга айланади?

– Айнан шу масалада Президентнинг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳам қабул қилинди. Унда 2030 йилга қадар клубларни ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиши назарда тутилган. Биз токи асосий пулни ойлик-маошларга ишлатиб, инфраструктура ҳамда академияларни ночор аҳволда қолдирар эканмиз, биримиз икки бўлмайди. Бугун футболда мана шу йўлдаги кураш кетяпти.

– Асл истеъдодлар қишлоқлардан етишиб чиқади дейишади. Аммо бугун ҳамон футбол инфратузилмаси кириб бормаган ҳудудлар кўп. Оқибатда кўплаб иқтидорларнинг орзулари чанг кўчалар, тупроғи чиққан яйдоқ далалару эски стадионларда қолиб кетмоқда. Мана шундай ёшларимизнинг орзулари қачон амалга ошади?

– Бу саволни эскирган деб биламан. Ўзбекистон бу борада сўнги 10 йилда катта ишларни амалга оширди. Футболчи бўлишни чиндан ҳам истаган иқтидорда ўзини кўрсатиш учун минимал имкониятлар бор, у қайси қишлоқда бўлишидан қатъи назар. Сиз таниган Отабек Шукуров, Элдор Шомуродов, Достон Ҳамдамов, Жасур Жалолитдинов кабилар қаердан ва қай ҳолатда етишиб чиққанига эътибор қаратинг. Инсон баҳона қилиши эмас, интилиши, курашиши керак. Мен гапни дангалини айтадиган ва муаммо бўлса, бор дейдиган одамман. Аммо юқоридаги саволларга исталганча далил топиб бера оламан. Ўша Роналдиньо ёки Роналдо бундан беш баттар шароитларда ҳам «ёриб» чиқа олган.

– Сўнги йилларда футболимизда келишилган ўйинлар, таниш-билишчилик каби иллатларга қарши жиддий кураш

бошланди. Булар нималарда кўриняпти, деб ўйлайсиз?

– Бу ишлашни бошлаганимиздан далолат. Биз бир қатор келишилган ўйинлар, футболчилар, мураббийлар ва ҳатто клубларнинг тотализаторларда иштирок этганини аниқладик, улар қўмиталар томонидан жазоланди. Мана энди ноҳолис ҳакамларнинг қилмишлари учун жавобгарлик бошланди. Сўнги 3 йилда бу борада жиддий кураш кетяпти, дейиш мумкин.

– Ўзбек мураббийлари мактаби қачон қитъа миқёсига кўтарилади. Яъни яқин келажакда ўзбекистонлик мураббий бошқа мамлакатлар клублари, терма жамоаларини бошқариши мумкинми?

– Бу фақатгина уларнинг ўзига боғлиқ. Ўз устида ишлаган, чет тилларни ўзлаштириш учун интиладиган, ўқув курсларида ўзини кўрсатадиган, фақатгина пул эмас, карьера ҳақида ҳам ўйлайдиган мутахассислар бунга сазовор бўлиши мумкин, менимча.

– Анъанавий савол билан якунласам: Ўзбекистон миллий терма жамоаси қачон жаҳон чемпионатига чиқади ёки чиқиши учун ҳали қандай ишлар қилиниши керак?

– Жаҳон чемпионатига чиқиш учун аниқ формула йўқ. Тизим тўғри ишлаши, барча мутахассислар ўз ишига сидқидилдан ёндашиши каби масалаларнинг ўзи етади. Бизда куч ва салоҳият бор. Аммо юқорида айтилган нарсаларни ҳам созлашимиз шарт.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Садоқат МАХСУМОВА суҳбатлашди.



Тошкентда илк бор «Катта дубулға» турнири ўтказилади.

РАҒБАТ

Коррупцияга қарши курашганлар давлат мукофоти тавсия этиладими?



– Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга кўмаклашганлар пул мукофоти билан рағбатлантирилиб, давлат мукофоти ҳам тавсия этиларкан. Бу қанчалик рост?



Фаррух ЖЎРАЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги қарори билан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилса ҳамда коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланса бир марталик пул муко-

фоти билан рағбатлантирилади. Шунга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар тегишлича БҲМнинг 3 бараваридан 25 бараваригача (669 минг сўмдан 5 млн. 575 минг сўмгача) миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин.

Агар пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати БҲМнинг юз бараваридан кўп бўлса, анча миқдор учун – мулк қийматининг 15 фоизи, кўп ва жуда кўп миқдор учун – мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида мукофотланади.

Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун давлат мукофоти ҳам тавсия этилиши мумкин. Шахсларни рағбатлантириш масалалари коррупцияга қарши курашувчи органлар ҳузурида тузиладиган махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Дониёр МИРАЗИЗОВ, Фарғона вилояти.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ўқишлар анъанавий бошланадими?



– Эшитишимча, олий таълим муассасаларида ҳам анъанавий ўқиш бошланар экан. Айтинг-чи, ўқиш қачондан бошланади? Яна бир савол: 1 февралдан ойлик ошиши билан контрактлар ҳам ошадими?



Фарҳод БАБАШЕВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Барча олий таълим муассасалари томонидан ўқув жараёни анъанавий тарзда бошлаш бўйича график ишлаб чиқилган. График асосида 2021 йил 11 январдан бошлаб ОТМларнинг барча босқич талабалари учун ўқув жараёни анъанавий шаклда бошланади. Айрим бетоб ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг ўқишлари онлайн шаклда давом эттирилиши мумкин. Бу ҳолатда ОТМлар талабаларнинг шароитларини ўрганиб чиқади. Барча имкониятлари мавжуд бўлган талабалар анъанавий таълимга тўлиқ жалб этилади.

Тўлов-контракт масаласига келадиган бўлсак, 2021 йил 1 февралдан бошлаб республикамизда иш ҳақи ва стипендиялар миқдорлари 10 фоизга оширилиши белгиланди. Пандемия шароитида республика аҳолисининг тўлов қобилияти пассивганини ҳисобга олиб, фарзанди давлат олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган оилаларга енгиллик яратиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий ўқув йилидаги амалдаги тўлов-контракт миқдорлари ўзгаришсиз сақлаб қолинади.

Шаҳзод АБРАХМАТОВ, Қашқадарё вилояти.

СОЛИҚ

Ўзини ўзи банд қилган сартарош солиқ тўлайдими?



– Сартарошхонамда ишлаётган сартарош усталар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сифатида рўйхатдан ўтишса, солиқларни ўзлари тўлашадими? Уларни қандай расмийлаштириш ва уларга ойлик маоши ҳисоблайманми ёки иш жойини ижарага берманми?

Ботир НИЯЗОВ, Нукус шахри.



Елена ИСМАЕВА, Давлат солиқ кўмитаси матбуот хизмати раҳбари:

– Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар – меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятини мустақил амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмо-

ний шахслар ҳисобланади. Жисмоний шахсларга сартарошлик фаолиятини мустақил равишда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида амалга оширишга рухсат берилди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолди. Бир неча жисмоний шахслар сизга тегишли объектда сартарошлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, уларни яқка тартибдаги тадбиркорга (3 нафаргача) ёки юридик шахсга ишчи (ёлланган ходим) сифатида расмийлаштиришингиз ҳамда уларга ҳисобланган иш ҳақи суммасидан белгиланган тартибда солиқ агенти сифатида солиқларни бюджетга тўлаб беришингиз лозим бўлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Микроқарз кимларга берилади?



– Хорижга ишга кетаётганлар учун микроқарз берилаётган экан. Айтинг-чи, ушбу микроқарз кимларга, қай тартибда берилади?

Бобур АЛЛАЕВ, Хоразм вилояти.

Юсуфхон АБДУЛФАИЗОВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

– Микроқарз «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизими»га киритилган кам таъминланган оила аъзосига ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик ишлаш учун хорижга чиқаётганда берилади. Микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 млн. сўмгача миқдорда 1 йил муддатга берилади. Микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилинади.

«Mahalla» нашриёт-матбаа уйи» масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият ходими Носир Ҳайдаровга отаси **Файзулла отанинг** вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.